

458
459

Ўттиз тўққизинчи йил чиқиши
Робиулаввал-робиулохир 1446ҳ
Октябрь-ноябр 2024м



Кенг қўламли,
фикрий, сақофий журнал

Ал-Ваъй

Ал-Ваъй сўзи

Росулulloҳ ﷺнинг таваллуд айёмлари
биздан олдингиларнинг урф-одатларига
амал қиладиган байрам эмас, балки Аллоҳнинг
айёмларидан бир айёмнинг хотирасидир

Эрон режимининг
Ислom Умматига
душманлиги

32

Халқаро қонуннинг қулаши... ва
унга таянган дунёнинг умид-
сизликка тушиши

«Қоидаларга асосланган дунё
тартиби» Американинг айёр
3 намунаси

Ақсо Тўфони...
Келгуси авлод учун
алмашиш ва ўзгаришлар

13

Байтул Мақдис ҳал
қилувчи жанг билан
ваъда қилинган
Халифалик
ўртасида

20

Ислom Уммати исломий шариатга
амал қилиш ёки халқаро уюшма ва
феминистик ташкилотлар ортидан
эргашиш ўртасида қолиб кетди

50



458
459

Ўттиз тўққизинчи
йил чиқиши
Октябр 1446ҳ
Ноябр 2024м

Ливан 1000 лира

Яман 30 риёл

Туркия 1 доллар

Покистон 1 доллар

Австралия 2,5 доллар

Америка 2,5 доллар

Канада 2,5 доллар

Германия 2,5 евро

Швеция 15 крон

Бельгия 1 евро

Швейцария 2 франк

Австрия 1 евро

Дания 15 крон

Урибгу сонда

- **Ал-Ваъй сўзи:** Росулulloҳ ﷺнинг таваллуд айёмлари биздан олдингиларнинг урф-одатларига амал қиладиган байрам эмас, балки Аллоҳнинг айёмларидан бир айёмнинг хотирасидир 3
- Ақсо Тўфони... Келгуси авлод учун алмашиш ва ўзгаришлар..... 13
- Байтул Мақдис ҳал қилувчи жанг билан ваъда қилинган Халифалик ўртасида..... 20
- Ғазо вайрон этилиши ортидан яҳудийлар ва хоин ҳукмдорлар ҳам ҳалокатга юз тутадилар 27
- Эрон режимининг Ислому Умматига душманлиги..... 32
- Халқаро қонуннинг қулаши... ва унга таянган дунёнинг умидсизликка тушиши... «Қоидаларга асосланган дунё тартиби» Американинг айёр намунасидир 37
- Ислому Уммати Исломиё шариатга амал қилиш ёки халқаро уюшма ва феминистик ташкилотлар ортидан эргашиш ўртасида қолиб кетди..... 50
- **Олам муслмонлари хабарлари**..... 62
- **Қуръони Карим суҳбатида** 66
- **Жаннат боғлари:** «Кечаси одамлар ухлаб ётганида намоз ўқинг, шунда жаннатга хотиржам кирасиз» 77
- **Сўнгги сўз:** Босқинчи (Исроил)нинг болаларни ўғирлаши ва уларнинг устида тажриба ўтказиши тарихи 83
- Инсон ҳуқуқлари бўйича ҳисобот босқинчи қамоқхоналаридаги шафқатсиз қийноқларни очиб берди..... 84



وَاللَّهُ الرَّحْمَنُ الرَّحِيمُ

**РОСУЛУЛЛОҲ ﷺ НИНГ ТАВАЛЛУД АЙЁМЛАРИ БИЗДАН
ОЛДИНГИЛАРНИНГ УРФ-ОДАТЛАРИГА АМАЛ ҚИЛАДИГАН
БАЙРАМ ЭМАС, БАЛКИ АЛЛОҲНИНГ АЙЁМЛАРИДАН БИР
АЙЁМНИНГ ХОТИРАСИДИР**

Аллоҳ Муҳаммад ﷺ ни росул ва набий қилиб жўнатгандан бошлаб, у зотни барча анбиёларнинг, рисоласини эса барча рисоаларнинг сўнггиси қилди:

﴿مَا كَانَ مُحَمَّدٌ أَبَا أَحَدٍ مِّن رِّجَالِكُمْ وَلَكِن رَّسُولَ اللَّهِ وَخَاتَمَ النَّبِيِّينَ وَكَانَ اللَّهُ بِكُلِّ شَيْءٍ عَلِيمًا﴾

«Муҳаммад сизлардан бирон кишининг отаси эмас, балки у Аллоҳнинг росули ва пайғамбарларнинг сўнггисидир. Аллоҳ барча нарсани билгувчи бўлган Зотдир» [Аҳзоб 40]

Росулulloҳ ﷺ ни оқ, қора, қизил ва сариқ танли барча инсонларга пайғамбар қилиб, у кишининг рисоаларини қиёмат кунигача оламшумул рисола қилди. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَمَا أَرْسَلْنَاكَ إِلَّا كَافَّةً لِّلنَّاسِ بَشِيرًا وَنَذِيرًا﴾

«(Эй Муҳаммад), Биз сизни шак-шубҳасиз, барча одамларга (мўминларга жаннат ҳақида) хушхабар элтгувчи, (кофирларни эса дўзах азобидан) огоҳлантиргувчи пайғамбар қилиб юбордик» [Сабаъ 28]

Ушбу дин нуқсонсиз мукамал, ҳаётнинг барча ишларини ўз ичига олган, ёрқин ақлий ақидага асосланган ҳолда келди. Бу ақида шу даражада ёрқинки, кундузги қуёшдан ҳам тиниқдир, ундан фақат залолатга ботган кимсаларгина тойилади.

Мусулмонларнинг барча ҳаётини ишлари тўғрисида шаръий қонунлар келган бўлиб, улар бу хусусдаги диний таълимотларга итоат қилишга буюрилганлар. Биринчи мусулмондан бошлаб то қиёматгача бўладиган мусулмонгача ўзларига келган пайғамбар ва росулдан ибрат олиш, у зотни ўзларига имом-раҳбар қилиш, сўзларини, амалларини ва ҳатто сукутларини ўзларига намуна қилиб олиш вожиб. Уларнинг энг

яхсиси Росулulloҳ ﷺ унинг ҳар бир ҳаётий ишида ва доимо у билан бирга яшаган кишидир. Чунки у зот нурли чироқ, огоҳлантирувчи ва хушxabар берувчи ҳамда ўзига Роббисидан келган ҳақиқат билан умматлар устида гувоҳлик берувчи пайғамбардир. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿يَأْتِيهَا الْتَبِيُّ إِنَّا أَرْسَلْنَاكَ شَهِدًا وَمُبَشِّرًا وَنَذِيرًا ﴿٤٤﴾ وَدَاعِيًا إِلَى اللَّهِ بِإِذْنِهِ وَسِرَاجًا مُنِيرًا ﴿٤٥﴾﴾

«Эй Пайғамбар, дарҳақиқат Биз сизни (қиёмат кунда барча умматлар устида) гувоҳлик бергувчи, (мўминларга жаннат ҳақида) хушxabар элтгувчи ва (кофирларни дўзах азобидан) огоҳлантиргувчи ҳамда Аллоҳнинг изни-уродаси билан У Зотга даъват қилгувчи ва (Ҳақ йўлини кўрсатгувчи) нурли чироқ қилиб юборгандирмиз» [Аҳзоб 45-46]

Мусулмонлар Росулulloҳ ﷺ нинг сўнгги рисола устидаги омонатгўйлари, гувоҳлари ва халифалари бўлмоқлари даркор. Аллоҳ Таоло деди:

﴿وَكَذَلِكَ جَعَلْنَاكُمْ أُمَّةً وَسَطًا لِتَكُونُوا شُهَدَاءَ عَلَى النَّاسِ وَيَكُونَ الرَّسُولُ عَلَيْكُمْ شَهِيدًا ﴿١٤٣﴾﴾

«Шунингдек, сизларни бошқа одамлар устида гувоҳ бўлишингиз ва Пайғамбар сизларнинг устингизда гувоҳ бўлиши учун ўрта (адолатли) Уммат қилдик» [Бақара 143]

Аллоҳ Таоло Умматни Росулulloҳ ﷺ га итоат қилишга буюрди ва буни ўзининг эшитганда қулоқларга ёқадиган, ўқиганда ва мулоҳаза юритганда дилларни эритадиган қуйидаги балоғатли оятларида баён этди:

﴿وَمَا أَرْسَلْنَا مِنْ رَّسُولٍ إِلَّا لِيُطَاعَ بِإِذْنِ اللَّهِ ﴿٦٤﴾﴾

«Биз қай бир пайғамбарни юборган бўлсак, фақат Аллоҳнинг изни-уродаси билан унга итоат қилинсин, деб юборганмиз» [Нисо 64]

﴿وَمَا آتَاكُمْ الرَّسُولُ فَخُذُوهُ وَمَا نَهَاكُمْ عَنْهُ فَانْتَهُوا ﴿٧٧﴾﴾

«(Эй мўминлар) Пайғамбар ўзи сизларга ато этган нарсани олинглар, у зот сизларни қайтарган нарсдан қайтинглар!» [Ҳашр 7]

﴿فَلَا وَرَبِّكَ لَا يُؤْمِنُونَ حَتَّىٰ يُحَكِّمُوكَ فِي مَا شَجَرَ بَيْنَهُمْ ثُمَّ لَا يَجِدُوا فِي أَنفُسِهِمْ حَرَجًا ﴿٧٨﴾﴾

﴿مِمَّا قَضَيْتَ وَيُسَلِّمُوا تَسْلِيمًا ﴿٧٩﴾﴾

«Йўқ, Парвардигорингизга қасамки, то улар ўз ўрталарида чиққан келишмовчиликларда сизни ҳакам

қилмагунларича ва кейин сиз чиқарган ҳукмдан дилларида ҳеч қандай танглик топмай, тўла таслим бўлмагунларича-бўйсунмагунларича зинҳор мўмин бўла олмайдилар»[Нисо 65]

﴿وَمَا كَانَ لِمُؤْمِنٍ وَلَا مُؤْمِنَةٍ إِذَا قَضَى اللَّهُ وَرَسُولُهُ أَمْرًا أَنْ يَكُونَ لَهُمُ الْخِيَرَةُ مِنْ أَمْرِهِمْ ۗ وَمَنْ يَعْصِ اللَّهَ وَرَسُولَهُ فَقَدْ ضَلَّ ضَلَالًا مُّبِينًا﴾

«Аллоҳ ва Росули бир ишни ҳукм қилган-буюрган вақтда бирон мўмин ва мўмина учун (Аллоҳнинг ҳукмини қўйиб) ўз ишларидан ихтиёр қилиш жоиз эмас. Ким Аллоҳ ва Росулига осий бўлса, бас у очиқ йўлдан озиш билан йўлдан озибди»

[Аҳзоб 36]

﴿وَالْمُؤْمِنُونَ وَالْمُؤْمِنَاتُ بَعْضُهُمْ أَوْلِيَاءُ بَعْضٍ يَأْمُرُونَ بِالْمَعْرُوفِ وَيَنْهَوْنَ عَنِ الْمُنْكَرِ وَيُقِيمُونَ الصَّلَاةَ وَيُؤْتُونَ الزَّكَاةَ وَيُطِيعُونَ اللَّهَ وَرَسُولَهُ ۗ أُولَئِكَ سَيَرْحَمُهُمُ اللَّهُ ۗ إِنَّ اللَّهَ عَزِيزٌ حَكِيمٌ﴾

«Мўмин ва мўминалар бир-бирларига дўстдирлар. Улар маъруфга буюрадилар, мункардан қайтарадилар, намозни тўкис барпо қиладилар, закотни (ҳақдорларга) ато этадилар, Аллоҳ ва Росулига итоат қиладилар. Ана ўшаларга Аллоҳ раҳм қилур. Шак-шубҳасиз, Аллоҳ қудратли, ҳикматлидир»

[Тавба 71]

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا اتَّقُوا اللَّهَ وَقُولُوا قَوْلًا سَدِيدًا ۖ يُصْلِحْ لَكُمْ أَعْمَالَكُمْ وَيَغْفِرْ لَكُمْ ذُنُوبَكُمْ ۗ وَاللَّهُ وَرَسُولُهُ فَقَدْ فَازَ فَوْزًا عَظِيمًا﴾

«Эй мўминлар, Аллоҳдан қўрқинглар, тўғри сўзни сўзланглар! (Шунда Аллоҳ) ишларингизни ўнглар ва гуноҳларингизни мағфират қилур. Ким Аллоҳ ва Росулига итоат этса, бас у улуг бахтга эришибди»

[Аҳзоб 70-71]

﴿وَمَنْ يُطِيعِ اللَّهَ وَالرَّسُولَ فَأُولَئِكَ مَعَ الَّذِينَ أَنْعَمَ اللَّهُ عَلَيْهِمْ مِنَ النَّبِيِّينَ وَالصَّادِقِينَ وَالشُّهَدَاءِ ۗ وَالصَّالِحِينَ وَحَسُنَ أُولَئِكَ رَفِيقًا﴾

«Кимда-ким Аллоҳ ва Росулига итоат этса, ана ўшалар Аллоҳ инъомларига сазовор бўлган зотлар-пайғамбарлар ҳақ-рост иймон эгалари, шаҳидлар ва солиҳ амаллар билан ўтган зотлар билан бирга бўлурлар. Улар эса энг яхши ҳамроҳлардир»

[Нисо 69]

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا أَطِيعُوا اللَّهَ وَأَطِيعُوا الرَّسُولَ وَلَا تُبْطِلُوا أَعْمَالَكُمْ﴾

«Эй мўминлар, Аллоҳга итоат этингиз ва Пайғамбарга итоат этингиз ва амалларингизни ботил-бефойда қилиб қўйманглар!» [Мухаммад 33]

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا أَطِيعُوا اللَّهَ وَأَطِيعُوا الرَّسُولَ وَأُولِيَ الْأَمْرِ مِنْكُمْ فَإِن تَنَزَعْتُمْ فِي شَيْءٍ فَرُدُّوهُ إِلَى اللَّهِ وَالرَّسُولِ إِن كُنتُمْ تُؤْمِنُونَ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ ذَلِكَ خَيْرٌ وَأَحْسَنُ تَأْوِيلًا﴾

«Эй мўминлар, Аллоҳга итоат қилингиз ва Пайғамбарга ҳамда ўзларингиздан бўлган (яъни мусулмон) ҳукмдорларга бўйсунингиз! Бордию бирон нарса ҳақида талашиб қолсангиз – агар ҳақиқатан Аллоҳга ва охират кунига ишонсангиз – у нарсани Аллоҳга ва пайғамбарига қайтарингиз! Мана шу яхшироқ ва чиройлироқ ечимдир» [Нисо 59]

Росулulloҳ олиб келган рисола мусулмонлар амал қилишлари керак бўлган ҳар бир амал зикр қилинган мукамал рисоладир. Ушбу рисолада кимдир бирор янгилик яратиши ҳаром ҳисобланади. Росулulloҳ ﷺ:

﴿مَنْ أَحَدَثَ فِي أَمْرِنَا هَذَا مَا لَيْسَ مِنْهُ فَهُوَ رَدٌّ﴾

«Ким бизнинг бу ишимизда унда бўлмаган бир янгилик яратса, унинг амали қабул қилинмас», деганлар. Мусулмонлар ҳаётида ҳар қандай янгилик бўлса, уни Исломга рўпара қилмоқлари ва ҳақ-тўғри бўлиб чиққанини олмоқлари шарт. Шу жумладан, Росулulloҳ ﷺ ни яхши кўриб, у зотнинг фазлу даражаларини эътироф этиб, у зотнинг мавлудларини ҳар йили нишонладиган байрам қилиб олиш ҳам Исломга рўпара қилиш керак бўлган масаладир.

Росулulloҳ ﷺ нинг таваллуд кунларини ҳар йили байрам қилиш мавзуси Исломга ёт мавзудир. Чунки Росулulloҳ ﷺ мусулмонларга икки байрам: рўза ва қурбон ҳайитларини айтдилар, шу иккисидан бошқани айтмадилар, ўзлари ҳам ҳаётлари мобайнида туғилган кунларини байрам қилмадилар. Росулulloҳ ﷺ дан кейин энг яхши аср, яъни саҳобалар, тобеинлар ва табаа тобеинлар асри келди. Улар ҳам Росулulloҳ ﷺ нинг таваллуд кунларини байрам қилмадилар. Ваҳоланки, Росулulloҳ ﷺ га эргашишда энг пешқадам зотлар ва Росулulloҳ ﷺ нинг гувоҳликларига кўра у зотдан кейин энг яхши кишилар шулар эдилар. Бунга сабаб шуки, улар динга эргашишга интилдилар, динда янгиликни қабул қилмадилар,

сиротул мустақимдан заррача четга чиқишни қабул қилмадилар. Агар Росулulloҳ ﷺнинг таваллуд кунларини байрам қилиш динда бор бўлганда эди, дин бунга буюрган бўларди ҳамда амал қилишга энг лойиқ, асрларнинг энг яхшиси бўлмиш ўша мусулмонлар унга амал қилган бўлар эдилар.

Росулulloҳ ﷺнинг таваллуд кунларини байрам қилиш насронийларга эргашиш ва тақлид қилишдан келиб чиққан. Чунки насронийлар Исо ﷺнинг туғилган кунини байрам қилишар эди, ана шунда таназзул асридаги мусулмонларда ҳам уларга тақлид пайдо бўлиб, ўз Пайғамбарлари ﷺнинг туғилган кунларини байрам қилишни кўнгиллари тусади...

Ким буни худди шундай ўлчовда қилса, ҳаром амални қилган бўлади. Чунки у бу ишни кофирларга тақлидан қилди. Росулulloҳ ﷺнинг суннати мутаҳҳараларида кофирларга тақлид қилишдан қайтарган кўплаб нусуслар келган. Росулulloҳ ﷺ дедилар:

«لَيْسَ مِنَّا مَنْ تَشَبَّهَ بِغَيْرِنَا»

«Ким ўзини биздан ўзгаларга ўхшатса, бас, у биздан эмас». (Термизий ривояти). Яна бундай дедилар:

«وَمَنْ تَشَبَّهَ بِقَوْمٍ فَهُوَ مِنْهُمْ»

«Ким ўзини бир қавмга ўхшатса, бас, у ўшалардандир». (Абу Довуд ва Аҳмад ривояти). Яҳудийлар Росулulloҳ ҳақида «Бу киши бизнинг ҳеч бир ишимизни қолдирмай, албатта унга тескари иш қилади», дейишган. Абу Довуд Умму Саламадан ривоят қилишича, Росулulloҳ ﷺ шанба ва якшанба куни рўза тутишга қаттиқ риоя қилардилар ва

«إِنَّهُمَا يَوْمًا عِيدِ الْكُفَّارِ وَأَنَا أَحِبُّ أَنْ أُخَالَفَهُمْ»

«Бу икки кун кофирларнинг байрами, мен уларга тескари амал қилишни хоҳлайман», дер эдилар.

Бугунги кунда мусулмонларнинг амаллари, жумладан, байрам қилиш, кўчаларни нишонлар ва шиорлар билан безатиш, муסיкий гурӯҳлар жўрлигида маршлар ўтказиш, байрамга хосланган чироқлар ёқиш, кўчаларга, уйларга ва иш жойларига декоратив плакатлар илиш, масжидлар ва маҳаллаларда мавлуд ўқиш, қўшиқлар ўйлаб топиб, уларни ноғоралар чалиб куйлаш кабилар шариатда келмаган амаллардир. Бу амалларни ақида

этироф этмаган, аксинча булар – Росулulloҳ ﷺнинг қуйидаги ҳадисларида келганидек – олдинги ўтганларга қаричма-қарич, қулочма-қулоч эргашишдир:

«لَتَتَّبِعَنَّ سُنَنَ مَنْ كَانَ قَبْلَكُمْ شِمْرًا بِشِيرٍ وَذِرَاعًا بِذِرَاعٍ، حَتَّىٰ لَوْ دَخَلُوا جُحْرَ ضَبٍّ لَدَخَلْتُمُوهُ،
قَالُوا: مَنْ يَا رَسُولَ اللَّهِ، الْيَهُودُ وَالنَّصَارَىٰ؟ قَالَ: فَمَنْ؟»

«Албатта сизлар ўзингиздан олдингиларнинг йўлига қаричма-қарич, қулочма-қулоч эргашасизлар, ҳатто агар улар калтакесак инига кирса, сизлар ҳам унга кирасизлар. Саҳобалар дедилар: ё Росулulloҳ, улар кимлар, яҳудийлар ва насронийларми? Росулulloҳ ﷺ, ким ҳам бўларди, деб жавоб бердилар.»

Агар биз бугунги кунда Набий ﷺни ҳурмат қилишни истасак, у зотнинг ўзлари бизга суннат қилиб берган йўлдан юришимиз, бидъат яратишга ҳам, кофирларга ўхшашга ҳам ўтмаслигимиз даркор. Хўш, бизга Аллоҳ Субҳанаҳу шариатда халқлар саййиди ва анбиёлар сўнггиси Мухаммад ﷺни ҳурмат қилишни қандай белгилаб берган? Росулulloҳ ﷺни ҳурмат қилиш, у зотга эргашиш билан бўлади ва бунга Аллоҳ Таолонинг ушбу оятлари далилдир:

﴿قُلْ إِنْ كُنْتُمْ تُحِبُّونَ اللَّهَ فَاتَّبِعُونِي يُحْبِبْكُمُ اللَّهُ﴾

«Айтинг (эй Мухаммад): «Агар Аллоҳни севсангиз, менга эргашинглар. Шунда Аллоҳ сизларни севади.»» [Оли Имрон 31]

﴿لَقَدْ كَانَ لَكُمْ فِي رَسُولِ اللَّهِ أُسْوَةٌ حَسَنَةٌ﴾

«(Эй мўминлар), сиз учун Аллоҳнинг Росулида гўзал ибрат бор» [Аҳзоб 21]

У зотни ҳурмат қилиш у зот келтирган динга амал қилиш билан бўлади. Бу ҳақда Росулulloҳ ﷺ бундай марҳамат қилганлар:

﴿تَرَكْتُ فِيكُمْ مَا إِنْ تَمَسَّكْتُمْ بِهِ لَنْ تَضِلُّوا بَعْدِي أَبَدًا: كِتَابَ اللَّهِ وَسُنَّتِي﴾

«Мен сизларга агар уларни маҳкам ушласангиз мендан кейин ҳаргиз адашмайдиган икки нарсани қолдирдим: Аллоҳнинг Китоби ва менинг Суннатим.»

Мавлуд куни келганда, биз ўзимиздан ўзимиз сўрайлик: биз ҳақиқатда Росулulloҳ ﷺнинг манҳажи бўйича кетяпмизми, биз ҳақиқатда сиротул мустақимдамизми ёки ундан адашдикми?

Бас, агар ушбу мавлуд соҳибининг рисоласига эътиборсизлик қилган бўлсак, мавлуднинг ҳеч қандай қиймати қолмайди.

Мавлуд куни келганда, биз зиммамизда Муҳаммад ﷺнинг рисоласига иқтидо қилмоғимиз ва бутун оламини ёритиш учун олиб келган нурга эргашмоғимиз лозимлигини унутмайлик. Ушбу рисола қуйидаги мақсадларда келганини ёдда тутайлик:

– Рисола ҳар бир замон ва макондаги барча инсонлар учун келди:

﴿قُلْ يَا أَيُّهَا النَّاسُ إِنِّي رَسُولُ اللَّهِ إِلَيْكُمْ جَمِيعًا﴾

«(Эй Муҳаммад) уларга – эй инсонлар, албатта мен барчангизга Аллоҳ (юборган) элчиман деб айтиш» [Аъроф 158]

– Бу рисола аввалги барча шариатларни бекор қилди:

﴿الَّذِينَ يَتَّبِعُونَ الرَّسُولَ النَّبِيَّ الْأُمِّيَّ الَّذِي يَجِدُونَهُ مَكْتُوبًا عِنْدَهُمْ فِي التَّوْرَةِ وَالْإِنْجِيلِ﴾

«Улар шундай кишилардирки, уммий (саводсиз) Пайғамбарга – номини ўз олдиларидаги Таврот ва Инжилда ёзилган ҳолда топишадиган элчимизга – эргашадилар» [Аъроф 157]

– Бу рисола ҳамма рисоаларнинг хотимасидир:

﴿مَا كَانَ مُحَمَّدٌ أَبَا أَحَدٍ مِّن رِّجَالِكُمْ وَلَكِن رَّسُولَ اللَّهِ وَخَاتَمَ النَّبِيِّينَ﴾

«Муҳаммад сизлардан бирон кишининг отаси эмасдир, балки у Аллоҳнинг росули ва пайғамбарларнинг сўнгисидир» [Аҳзоб 40]

– Муҳаммад ﷺнинг пайғамбарлигидан кейин у зотга иймон келтириш фарз, иймон келтирмаслик дўзахга олиб боровчи кўфр бўлди. Аллоҳ Таоло бундай деди:

﴿وَمَنْ لَّمْ يُؤْمِنْ بِاللَّهِ وَرَسُولِهِ فَإِنَّا أَعْتَدْنَا لِلْكَافِرِينَ سَعِيرًا﴾

«Ким Аллоҳга ва Росулига иймон келтирмаган бўлса, бас, албатта Биз ундай кофирлар учун дўзахни тайёрлаб қўйганмиз» [Фатҳ 13]

Шунингдек, инсонлар, ҳар бир инсон қиёмат кунигача ушбу рисолага эргашишга буюрилди.

– Бу дунёдаги бахтсизликдан фақат мана шу рисолага эргашиш билан қутулиш мумкин, унга эргашмаслик эса, бу дунёю охират бахтсизлигига олиб боради. Аллоҳ Таоло деди:

﴿فَمَنِ اتَّبَعَ هُدَايَ فَلَا يَضِلُّ وَلَا يَشْقَىٰ ﴿۱۲۶﴾ وَمَنْ أَعْرَضَ عَن ذِكْرِي فَإِنَّ لَهُ مَعِيشَةً ضَنْكًا وَنَحْشُرُهُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ أَعْمَىٰ ﴿۱۲۷﴾ قَالَ رَبِّ لِمَ حَشَرْتَنِي أَعْمَىٰ وَقَدْ كُنْتُ بَصِيرًا ﴿۱۲۸﴾ قَالَ كَذَلِكَ أَتَتْكَ آيَاتُنَا فَنَسِيْتَهَا وَكَذَلِكَ الْيَوْمَ تُنْسَىٰ﴾

«Сизларга Мен тарафдан ҳидоят келганида ким Менинг ҳидоятимга эргашса, йўлдан озмас ва бахтсиз бўлмас. Ким Менинг эслатмамдан юз ўгирса, бас, албатта унинг учун танг-бахтсиз ҳаёт бўлур ва Биз уни қиёмат кунда кўр ҳолда тирилтиурмиз». У: «Парвардигорим, нега мени кўр қилиб тирилтирдинг, ахир кўрар эдим-ку», деган эди, (Аллоҳ) айтди: «Шундай. Сенга Бизнинг оят-мўъжизаларимиз келганида уларни унутдинг. Бугун сен ҳам ана шундай унутилурсан»» [Тоҳа 123-126]

Росулуллоҳ ﷺ марҳамат қилдилар:

﴿تَرَكْتُ فِيكُمْ مَا إِن تَمَسَّكُمْ بِهِ لَنْ تَضِلُّوا بَعْدِي أَبَدًا: كِتَابَ اللَّهِ وَسُنِّيَّ﴾

«Мен сизларга агар уларни маҳкам ушласангиз мендан кейин ҳаргиз адашмайдиган икки нарсани қолдирдим: Аллоҳнинг Китоби ва менинг Суннатим».

– Биз Росулуллоҳ ﷺга Аллоҳ Таолонинг ушбу каломига амал қилган ҳолда эргашишимиз лозим:

﴿قُلْ إِنْ كُنْتُمْ تُحِبُّونَ اللَّهَ فَاتَّبِعُونِي يُحْبِبْكُمُ اللَّهُ وَيَغْفِرْ لَكُمْ ذُنُوبَكُمْ﴾

«Айтинг (эй Муҳаммад): «Агар Аллоҳни севсангиз, менга эргашинглар, шунда Аллоҳ сизларни севади ва гуноҳларингизни мағфират қилади» [Оли Имрон 31]

Муборак мавлудни хотирлаш куни келар экан, биз ўзимизга савол берайлик: Уммат учун мавлуди набийдан илҳомланган ҳолда, пайғамбарлар саййиди келтирган нарсаларга амал қилиш куч-қудрат ва улуғлик соҳибларига йиғлаш ва куйлаш билан эмас, балки у зот келтирган нарсаларни маҳкам ушлаш билан бўлишини англамоғи вақти келмадими?! Уммат учун

﴿كُنْتُمْ خَيْرَ أُمَّةٍ أُخْرِجَتْ لِلنَّاسِ تَأْمُرُونَ بِالْمَعْرُوفِ وَتَنْهَوْنَ عَنِ الْمُنْكَرِ وَتُؤْمِنُونَ بِاللَّهِ﴾

«(эй уммати Муҳаммад), одамлар учун чиқарилган умматларнинг энг яхшиси бўлдингиз, зеро, сиз маъруфга буюрасиз, мункардан қайтарасиз ва Аллоҳга иймон келтирасиз» [Оли Имрон 110]

деган калом у ҳақида эканини, Аллоҳ олдида бутун дунёдан жавобгар эканини англаб етмоқ вақти келмадими?! Аллоҳ Умматни ўртача-адолатли Уммат қилдики, у одамларга Исломни диққатга сазовор равишда етказганига гувоҳлик берсин. Бу ҳақда Аллоҳ Таолонинг қуйидаги каломи бор:

﴿وَكَذَلِكَ جَعَلْنَاكُمْ أُمَّةً وَسَطًا لِتَكُونُوا شُهَدَاءَ عَلَى النَّاسِ﴾

«Шунингдек, сизларни бошқа одамлар устида гувоҳ бўлишингиз учун ўрта (адолатли) Уммат қилдик»[Бақара 143]

Шунинг учун Уммат дунёдаги ушбу етакчилик марказидан тушадиган бўлса, ушбу гувоҳликка қодир бўлолмайди. Ислом Уммати Муҳаммад ﷺга нусрат берган Зот ҳозирда ҳам нусрат берувчи эканини англамоғи вақти аллақачон келди. Аллоҳ шундай Зотдир. Бас, Ундан ёрдам сўранг, албатта ёрдам беради, тўғри йўл сўранг, албатта тўғри йўлга етаклайди, рушд-ҳидоят сўранг, албатта уни кўрсатади, чунки Росуллulloҳ ﷺнинг йўллари ҳамон очиқ-ойдин маълумдир.

Мусулмонлардан Росули акрам ﷺга нисбатан шундай бўлиш талаб қилинган, яъни у зотнинг мавлудини ҳамиша ибодат-қуллик хотираси сифатида қаршилаш ва аҳли китоблар йўлига мувофиқ байрам қилиб олмаслик талаб қилинади. Шу билан мавлуд қилувчи кишиларга ҳақиқат очилади, шубҳа кўтарилади.

Тарихда бўлган воқеаларни билиш, бу масалани Қуръони Карим ва Суннати Набавийдан ўрганиб чиқиш мусулмонларнинг одатларидандир. Дарҳақиқат, Қуръон бу ҳақда Мусо ﷺнинг пайғамбар қилиниши ҳақидаги оятда баён қилган:

﴿وَلَقَدْ أَرْسَلْنَا مُوسَىٰ بِآيَاتِنَا أَنْ أَخْرِجْ قَوْمَكَ مِنَ الظُّلُمَاتِ إِلَى النُّورِ وَذَكِّرْهُمْ بِآيَاتِنَا إِنَّ فِي ذَٰلِكَ لَآيَاتٍ لِّكُلِّ صَبَّارٍ شَكُورٍ﴾

«Биз Мусони Ўз оятларимиз билан юбориб (унга дедик): «Қавмингни (куфр) зулматларидан (иймон) нурига олиб чиққин ва уларга Аллоҳнинг неъматларини эслатгин! Албатта, бу (неъматлар)да ҳар бир сабр-қаноатли, шукр қилгувчи киши учун оят-ибратлар бор» [Иброҳим 5]

Росулulloҳ ﷺ мана шундай позицияда турганлар. Росулulloҳ ﷺ ҳар душанба рўза тутардилар, бунинг сабабини сўрашганда

«ذَٰكَ يَوْمَ وُلِدْتُ فِيهِ وَوُعْتُ فِيهِ»

«У мен туғилган ва мен Пайғамбар бўлган кундир», деб жавоб берганлар. (Муслим ривояти). Демак, Росулulloҳ ﷺнинг мавлудларини ва рисоаларини рўза тутиш, хотирлаш, Аллоҳга итоат қилиш ва шукр қилиш билан кутиб олишимиз керак экан. Мана, саййидимиз Умар ибн Хаттоб رضي الله عنه ҳижрат ва Мадинада Дорул Ислоом барпо этилиши хотирасини тушуниб етгани сабабли ҳижрий тақвимни ҳижрат йилидан, яъни Ислоом давлати барпо этилиб, Ислоом даъвати оламга ёйила бошлаган йилдан белгилади.

Булардан кўрамизки, Росулulloҳ ﷺнинг мавлудлари, пайғамбарликлари, ҳижратлари ва вафотларини хотирлаш Ислоом шариатида талаб қилинган. Бироқ бу шариатда кўрсатилгандек адо этилмоғи керак, яъни хотирлаш байрам қилиш, Аллоҳ ҳеч қандай ҳужжат назил қилмаган одатларни ўйлаб топиш ва дин ишларида аҳли китоблар йўлини тутиш билан эмас, балки ибодат қилиш, Аллоҳ ва Росулига итоат этишга аҳд-паймон қилиш, Росулulloҳ ﷺдан ўрнак олиб, йўлларидан юриш билан адо этилади.

Карами кенг, қудрати чексиз Аллоҳ ўзининг улуғворлиги билан, мусулмонларни фақат Ўзига иймон келтиришга буюрди. Чунки Қуръонда айтилганидек, Аллоҳ яккаю ягона, бир ва беҳожат, туғмаган ва туғилмаган, ҳеч ким Унга тенг бўлмаган зотдир. У мусулмонларни Росулulloҳ ﷺга – ёлғиз у кишига итоат қилиш, ёлғиз у кишидан ўрнак олиш лозим деб ҳамда Аллоҳ у кишини пайғамбар қилиб юборган ва маъсум қилган, шунинг учун ўзига юборилган рисолагина адо этади деб – иймон келтиришга ҳам буюрди. Қуръон у зотга итоат қилишни жаннат ва улуғ бахт, итоатсизликни эса дўзах, очиқ залолат ҳамда амалларни беҳуда кетказиш деб баён қилди. Мўминлар онаси Оиша رضي الله عنها Росулulloҳ ﷺни «Хулқлари Қуръон эди», деб сифатлаганлар, худди шундай, мусулмонларнинг ҳам барча ҳаётий ишларда хулқлари Қуръон бўлмоғи даркор. □

АҚСО ТЎФОНИ... КЕЛГУСИ АВЛОД УЧУН АЛМАШИШ ВА ЎЗГАРИШЛАР

Наср Файёз Абу Иброҳим
Муборак Фаластин замини

Ақсо Тўфони ҳамда Ғазо ва Фаластин аҳлига тажовуз инсонларни шиддатли ларзага солди, ҳис-туйғуларида тўфон пайдо қилди. Бу тўфон қалблар тубигача етиб бориб, кўплаб ўзгаришларни келтириб чиқарди. Бу ўзгаришлар таъсири келгуси авлодгача етиб боради. Нафақат кузатувчи, балки ҳар қандай ақли расо киши бу алмашиш ва ўзгаришларни кузатиши мумкин. Ҳатто ўзгаришларни Ғарбнинг кўз-қулоғи бўлган элчихоналари кузатиб борди. Элчихоналар ўзгаришларнинг таъсири бутун Уммат ёшларига, яъни бузиш, ғарблаштириш ва мусулмон шахсини қадрини тушириш мақсадида Ғарб нишонга олган авлодларгача етиб боришини таъкидламоқда. Шу боис АҚШ ва Франциянинг минтақадаги (масалан Уммон, Миср ва Иорданиядаги) элчихоналаридан айти мавзуда огоҳлантириш ва хавотирлар чиқа бошлади. CNN хабарига кўра, АҚШ президенти Жо Байден араб давлатларидаги америкалик дипломатлардан Ғазо секторини вайрон этаётган «Исроил» урушини Вашингтон қаттиқ қўллаб-қувватлаётгани сабабли «Американи араб халқларининг бутун бир авлоди қўллаб-қувватламай қўйишига олиб келади», деган огоҳлантириш олди. (Ал-Жазира, 2023 йил 10 ноябр).

Худди шундай огоҳлантириш ва сигнал ўнта француз элчисидан Франция президентига ички нота сифатида йўлланди. Мазмуни ошкор этилмаган ушбу нотада элчилар Франциянинг минтақадаги нуфузини йўқотаётганидан огоҳлантириб, бунга норозилик билдиришган. Бу минтақада юз бераётган туб ўзгаришлардан дарак бераётгандек. Биз ушбу алмашиш ва ўзгаришларни қўйидаги сарлавҳалар орқали кўриб чиқишимиз мумкин: «Яҳудий давлати билан боғлиқ кризислар ва бузилишлар... Глобал даражада келтириб чиқарган ўзгаришлар... Умматда келтириб чиқарган ўзгаришлар...

Яҳудий вужудидаги стратегик кризис ва бузилишлар:

1 – Бу вужуднинг мўртлиги фош бўлди ҳамда 7 октябрдаги «олдиндан огоҳлантириш, қайтариш ва кескинлик» даъвосига асосланган хавфсизлик стратегияси барбод бўлиб, Ғазодаги мужоҳидларнинг собитқадамлиги олдида унинг ҳарбий ва хавфсизлик устунлигига қурт тушди.

2 – 7 октябр ҳужуми ва унинг ортидан буни ҳарбий йўл билан ҳал этиш учун эълон қилинган урушнинг ўз мақсадларига ета олмагани сиёсий ва иқтисодий беқарорлик ҳолатини кучайтирди.

Бу кўпроқ даражада яҳудий давлатида салбий акс этди, яҳудий армияси асирларни қутқаришга ҳам, шимолдаги яҳудий манзилгоҳларидан кўчиб кетган яҳудийларни қайта олиб келишга ҳам қодир эмас, деган ишонч пайдо бўлди ҳамда давлат ва армияга нисбатан ишончсизлик ҳисси юзага келди. Ўз навбатида, бу миллион ёки ундан кўпроқ яҳудий аҳолисини хорижга чиқиб кетиш ва Ғарб давлатларида яшаш учун паспорт олишларига сабаб бўлди. Масалан, беш минг нафар яҳудий аҳолиси паспорт олиш учун Германияга ариза топширган.

Шунингдек, бошқа томондан, яҳудий давлати ичкарасида зиддият ва бўлинишлар юзага келди. Зеро, Аллоҳ Таоло Ўзининг қуйидаги каломида ҳақ-рост сўзлаган:

﴿وَالْقَيْنَا بَيْنَهُمُ الْعِدَاةَ وَالْجِغَاةَ إِلَى يَوْمِ الْقِيَامَةِ كُلَّمَا أَوْقَدُوا نَارًا لِلْحَرْبِ أَطْفَأَهَا اللَّهُ وَيَسْعَوْنَ فِي الْأَرْضِ فَسَادًا وَاللَّهُ لَا يُحِبُّ الْمُفْسِدِينَ﴾

«Уларнинг ораларига то қиёмат кунигача кетадиган буғзу адоватни ташлаб қўйганмиз. Улар қачон (Сизга қарши) уруш оловини ёқишса, Аллоҳ уни ўчирур. Улар ерда бузғунчилик қилиб юрурлар. Аллоҳ эса бузғунчи кимсаларни севмас» [Моида 64]

﴿لَا يُقْتَلُونَكُمْ جَمِيعًا إِلَّا فِي قَرْيٍ مُحْصَنَةٍ أَوْ مِنْ وَرَاءِ جُدُرٍ بَأْسُهُمْ بَيْنَهُمْ شَدِيدٌ تَحْسَبُهُمْ جَمِيعًا وَقُلُوبُهُمْ شَتَّىٰ ذَٰلِكَ بِأَنَّهُمْ قَوْمٌ لَا يَعْقِلُونَ﴾

«Улар (мунофиқ ва яҳудийлар) бирлашган ҳолларида сизларга қарши фақат қалъа-қўрғонли қишлоқлар ичида (беркиниб) ёки деворлар ортидагина жанг қила олурурлар. Улар ўз ўрталарида(гина) кучли-қувватлидир. Уларни бирдам деб ҳисоблайсиз-у, (аммо) қалблари хилма-хилдир. Бунга сабаб, уларнинг ақлсиз қавм эканликларидир» [Ҳашр 14]

3 – Яҳудийларда ўз давлатларига оид ҳақиқатга ишончлари комил бўлди. Яъни яҳудий давлати ўзини ўзи мудофаа қилишдан ожиз, бир томондан, малай араб давлатларидан иборат минтақадаги қўллаб-қувватловчилар, бошқа томондан, Ғарб ва унинг найзаси бўлган АҚШ дохил халқаро қўллаб-қувватловчилардан куч олмаслигининг иложи йўқ, бу вужуд Ғарбнинг Ислом олами марказида Ғарб фойдасига функционал

рол ўйнаётган бир лойиҳасидир, деган ҳақиқатга уларнинг ишончлари мустаҳкамланди. Бу эса яҳудийларни дунёдаги бошқа давлатлар фуқаролигини олиш учун ҳаракат қилишга ундади.

4 – Яҳудий давлати ўзининг Яқин Шарқ минтақасидаги ягона демократик давлат эканлиги, чор атрофини душманлар ўраб олиб, халқаро ҳамдардликка муҳтожлиги тўғрисидаги чўпчагига энди ҳеч кимни ишонтиролмай қолди. Аксинча, унинг ўзи рад қилинган ва қонунбузар давлатга айланиб қолиб, содир этаётган жинояти ва геноцидлари учун халқаро судлар томонидан таъқиб қилинмоқда.

Ақсо Тўфони келтириб чиқарган глобал ўзгариш:

1 – Ғарбнинг ҳам, халқаро ташкилотларининг ҳам, глобал тартибининг ҳам, капиталистик қадриятларининг инсон ҳуқуқлари, болалар ҳуқуқи, хотин-қизлар ҳуқуқи каби қонун ва низомининг ҳам, буларнинг барчасининг шармандаси чиқди. Буларнинг барчаси қуруқ шиорлар бўлиб, аслида ғарбнинг ўзи зўравон ва мустамлакачи эканлиги фош бўлди. Ҳақиқатдан, ғарбнинг афсонаси барбод бўлди, ўзининг ахлоқ, қадрият ва мафкурага оид марказини йўқотди, улар савол ва танқидлар остида қолди. Ҳатто баъзилар ғарб давлатлари яҳудий вужудини жиноятлари ва геноцидига тўла ёрдам бераётганини кўриб, унга шубҳа билан қарайдиган бўлишди.

2 – Бу ғарбнинг Украина ва Ғазо урушига нисбатан муносабатида намоён бўлган мунофиқлик ва иккиюзламачилик стандартларидир. Ғарб давлатлари Ғазони бутунлай вайрон бўлишга рўпара қилишди, яҳудий вужудини эса жон-жаҳди билан ҳимоя қилишди. Унинг геноцид, қирғин ва бошқа барча ваҳшийликлар содир этаётганига кўз юмиб, қурол-аслаҳа билан таъминлашди. Бу эса, ғарб жамиятларида ва у ердаги жамоатчилик фикрида, ҳатто дунё жамоатчилик фикрида, айниқса, ғарблик ёш авлодда ўзгариш пайдо қилди. Жамоатчилик фикридаги ўзгариш ижтимоий алоқа тармоқларида ҳамда АҚШ, ғарб ва дунё университетларида яққол намоён бўлди. Фаластин масаласи ва яҳудий давлатига нисбатан ёшлар қараши ўзгариб, яҳудий давлати босқинчи ва ирқчи давлат, Ғазо аҳолисига қарши геноцид содир этмоқда, Фаластин аҳолиси эса ҳақ соҳиблари ва ишғол этилган ўз ерларининг эгасидирлар, деган фикр юзага келди. Бу нарса ёшларнинг яҳудий давлати ҳақида афсоналар тарқатаётган ғарб оммавий ахборот

воситаларига бўлган ишончларининг йўқолишига сабаб бўлди. Шу билан бирга, яҳудийлар вужудини геноцид урушида қўллаб-қувватлаётган ғарблик расмийлар ҳам ёшлар ишончини йўқотишди. Бу шундай бир ҳал қилувчи тарихий ўзгаришдирки, унинг юзага келишига талабалар ва бошқа мусулмонларнинг ҳиссалари қўшилган. Бу, шунингдек – Аллоҳнинг изни ила – яқин келажакда, айниқса, Ислом давлати барпо бўлганда таяниш мумкин бўлган ўзгариш ҳамдир.

Ислом Уммати, хусусан, ёш авлод даражасидаги ўзгаришлар ва алмашишлар:

1 – Ҳукмдорлар қулади, уларга қарши ғазаб ва нафрат ортди. Уммат энди Ислом шиорини кўтариб чиқаётганларга ҳам, ўзларини қаршилиқ ўқи деб бошимизни оғритаётганларга ҳам алданмайдиган бўлди, чунки улар жангнинг биринчи куниёқ қулаган.

Собиқ АҚШ маъмуриятининг Яқин Шарқдаги тинчлик жараёни бўйича махсус вакили Дэннис Росс 2023 йил 17 октябрда Нью-Йорк Таймс газетасига бундай деди: «Ёлғиз Исроилнинг ўзи Ҳамасни мағлуб қила олишига ишонч йўқ. Сўнгги икки ҳафта ичида мен минтақадаги анчадан бери танийдиган араб расмийлари билан учрашдим. Менга уларнинг, истисносиз, барчаси Ҳамасни йўқ қилиш кераклигини айтишди. Уларнинг таъкидлашича, агар Ҳамас урушдан ғалаба билан чиқса, бу улар даъват қилаётган (Исроилни) тан олмаслик идеологиясига хизмат қилади ва Эрон билан унинг ҳамкорларини қўллаб-қувватлайди, минтақа ҳукуматларини эса мудофаа ҳолатига ўтказди». (Қудсул Арабий, 2023 йил 30 октябр).

Араб давлатлари ҳукмдорлари ва расмийларнинг бундай шармандали позицияси араб саммитлари ва мусулмон юртлари анжуманларида намоён бўлди. Бу анжуманларда исломий олам ҳукмдорлари Уммат душманлари сафида елкама-елка туришгани аён бўлди ҳамда солибчи яҳудий урушига нисбатан очиқдан-очиқ тил бириктиришгани ва сиёсий ташаббус кўрсатишгани фош бўлди. Ушбу сиёсий ташаббус яҳудийларга улар урушда қила олмаётган ишни қилиб бермоқда. Устига-устак, бу ташаббус яҳудийларга қилаётган жиноятлари учун мукофот бўлмоқда. Чунки ташаббус эгалари – яҳудий вужуди билан қайта муносабатларни нормаллаштириш келишуви тузишга, тўлиқ иқтисодий ҳамкорлик ўрнатиб, унинг хавфсизлигини

таъминлашга ва минтақа давлатларининг бирига айлантиришга доим тайёр туришибди.

2 – Ақсо Тўфони жамоатчилик фикрига босқинчи вужуд билан бирга яшашга рози бўлиш учун ўнлаб йиллардан бери тиқиштирилаётган фикрлар ва тушунчаларга норозилик кайфиятини кучайтирди ва мустаҳкамлади. Булар, жумладан, яҳудийлар билан тинч-тотув ҳамкорликда яшаш, минтақа давлатлари ўртасини иброҳимий дини билан боғлашга чақириш ҳамда Ғарбнинг секуляр қадриятларидан келиб чиққан инсонпарварлик қадриятларига тарғиб қилиш каби фикрлар ва тушунчалардир. Одамлар ва халқлар орасида бу фикрлар ва тушунчаларни тарғиб этаётганлар Ғарбга қарашли халқаро ва маҳаллий ташкилотлар эди. Ақсо Тўфони сабабли айни фикрларга тарғиб қилганлар рад этилган хоин ва малайга айланди.

3 – Ақсо Тўфони билан Ғазо уруши ўзни мағлуб ҳис қилиш, умидсизлик ва тушкунликка тушиш таъсирини йўқ қилди. Кофирлар ясаган ва мунофиқлар ривожлантирган бу нарсалар Умматнинг кўплаб ўғлонларига таъсир қилган эди. Бироқ бир гуруҳ мард жангчилар олдида бутун бошли армиянинг қулаши муслмонлардаги яҳудий давлати мудофааси кучли деган ўйни чилпарчин қилди. Яҳудийлар муслмон армияси билан бўладиган ҳақиқий жангга дош беролмайди, шунча эга бўлган қурол-яроғлари уларга яқинлашиб келаётган озодлик армияси амалга оширадиган қирғинбарот уруш куни фойда бермайди, деган ишончни янада мустаҳкамлади. Аллоҳ Таоло бундай деди:

﴿لَنْ يَصْرُوكُمْ إِلَّا آذَىٰ ۖ وَإِنْ يُقْتَلُوكُمْ يُؤَلُّوكُمُ الْأَدْبَارَ ثُمَّ لَا يُنصَرُونَ﴾

«Улар сизларга озор беришдан бошқа ҳеч қандай зарар етказа олишмайди. Агар сизлар билан уришишса, кетларига қараб қочишади. Сўнгра уларга (ҳеч ким томонидан) ёрдам берилмайди»
[Оли Имрон 111]

Ушбу шармандали қулаш сўнгиги ўн йилликларда Ироқ, Афғонистон ва бошқа юртларимиздаги муслмонларнинг кўрсатган қаҳрамонликларига оид хотираларни қайта эслатди ва Умматда ўзига бўлган ишончини кучайтирди ҳамда душманларига, ёвуз кучларга, АҚШ, Ғарб ва бошқа кофир давлатларга – қўлларидаги қуроллар ҳар қанча кучли бўлишидан қатъий назар – қарши туришга қодирлигига ва Аллоҳнинг тавфиқи ва мадади ила нусрат

қучиб, ер юзининг мағрибидан машриқигача қайта фатҳлар бошлашига янада қаттиқ ишонадиган бўлди.

4 – Ҳазо уруши Умматнинг асиллигини ва ҳақиқий маъданини намоён этди. Ҳазодаги ҳодисалар барча одамларга қалбларда ўрнашган иймонни, иймон талаб қилган ал-вало вал-барони (кимни дўст тутиш ва кимни душман тутишни), жиҳод ва шаҳидликка ошиқликни, Аллоҳ Субҳанаҳуға таваккал қилиб, ёлғиз Ундан ёрдам сўрашни, қазо ва қадарга розилик ва таслимни, карами кенг, қудрати улўф Аллоҳдан ажр умид қилиб, саботу матонат билан туришни ва бошқа барча фикр ва тушунчаларни Умматда қоялардек мустаҳкам ўрнашганини кўрсатди.

Ҳа, иймон ўзининг ҳаловати, асл қиёфаси ва ишончилиги билан қайғу ва алам чоғидаги аҳволи шу бўлган Умматда ҳайратга соладиган манзарада намоён бўлди. Чунки бу фақат қисса ва афсоналардагина учрар эди. Ўз навбатида, бу кўплаб ғарбликларни юракларга шундай иймонни жойлаган булоқни қидириб топиш учун Қуръонни ўрганишга ундади.

Кофирлар Умматдаги жиҳод чўғини ўчиришга шунча меҳнат қилишганига қарамай, ҳамон у ловуллаб турибди ва мужоҳидларни йўқ қилиш ва бу ҳолатга якун ясашга қаратилган йиртқич урушга қарамай, унинг чўғи ҳаргиз ўчмайди. Муслим ривоят қилган ҳадисда Росулulloҳ ﷺ:

«لَنْ يَبْرَحَ هَذَا الدِّينُ قَائِمًا يُقَاتِلَ عَلَيْهِ عَصَابَةٌ مِنَ الْمُسْلِمِينَ حَتَّى تَقُومَ السَّاعَةُ»

«Ушбу дин қиёматга қадар мавжуд бўлади, унинг учун доим бир гуруҳ мусулмонлар жанг қилади», дея ҳақ-рост сўзладилар. Имрон ибн Ҳусайн Росулulloҳ ﷺнинг бундай деганларини ривоят қилади:

«لَا تَزَالُ طَائِفَةٌ مِنْ أُمَّتِي يُقَاتِلُونَ عَلَى الْحَقِّ ظَاهِرِينَ عَلَى مَنْ نَاوَأَهُمْ حَتَّى يُقَاتِلَ آخِرَهُمُ الْمَسِيحُ الدَّجَالُ»

«Умматимдан бир тоифа ҳақни ҳимоя қилиб жанг қилишда, ўзларига қарши чиққанлар устидан ғолиб келишда давом этади. Ҳатто уларнинг энг охиргиси Масиҳ Дажжолга қарши жанг қилади». (Абу Довуд саҳиҳ иснод билан ривоят қилган).

Хулоса қилиб айтганда, бу ва бошқа алмашиш ва ўзгаришлар Уммат бошдан кечираётган умидсизлик ва таназзул ҳолатини тугатишга тўртки бўлиши керак. Уммат, хусусан унинг армиялари динга нусрат бериш ва ер юзида Аллоҳнинг ҳукмини барпо этиш,

муборак замин ва у ердаги бечораларга ёрдам бериб, улар учун ўч олиб, муборак Ақсо масжидини озод қилиш каби ўз бурчларини адо этиш учун бор кучи билан ҳаракат қилиши лозим.

Яҳудий давлатининг бунчалик таназзул тубига тушиб, геноцид содир этаётгани ва бунинг бутун оламга намоён бўлаётгани, шубҳасиз, уни халқаро миқёсда яккалаб қўйди. Бу Уммат озодлик сари ҳаракатга келадиган пайтда одамларнинг у билан алоқани тўлиқ узишларига сабаб бўлади.

Яҳудийларнинг бу даражада бузғунчилик қилаётгани, Аллоҳ ўз даргоҳидан уларни энг ёмон азобга соладиган ва илдизлари билан қўпориб йўқ қиладиган бандаларини юборишидан дарак бермоқда. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿إِنْ أَحْسَنْتُمْ أَحْسَنْتُمْ لِأَنْفُسِكُمْ وَإِنْ أَسَأْتُمْ فَلَهَا فَإِذَا جَاءَ وَعْدُ الْآخِرَةِ لِيَسْتَوْا وَجُوهَكُمْ وَلِيَدْخُلُوا الْمَسْجِدَ كَمَا دَخَلُوهُ أَوَّلَ مَرَّةٍ وَلِيُتَبِّرُوا مَا عَلَوْا تَتْبِيرًا﴾

«Агар чиройли амаллар қилсангизлар - ўзингизга яхшилик қилган бўлурсиз. Қачон ёмон-ғуноҳ амаллар қилсангиз ҳам ўзингиз учундир. Бас, қачон кейинги (бузғунчиликнинг) вақти-соати келганида, (улар яна) юзларингизни қаро қилишлари, аввалги сафар кирганлари каби Масжидул (Ақсо)га киришлари учун ҳамда ўзлари эгаллаб олган (барча) ерларни вайрон этишлари учун (яна душманларингизни сизларнинг устингизга юборурмиз)» [Исро 7]

Яна айтади:

﴿وَإِنْ عُدْتُمْ عُدْنَا وَجَعَلْنَا جَهَنَّمَ لِلْكَافِرِينَ حَصِيرًا﴾

«Агар (яна бузғунчиликка) қайтсангиз, биз ҳам (сизларни ҳалок этишга) қайтурмиз. Биз кофирлар учун жаҳаннамни зиндон қилиб қўйганмиз» [Исро 8]

Уммат эса, айниқса, унинг ёшлари ўзгартириш учун албатта қўзғалиши, дарвозаларни очиб ёки синдириб, Аллоҳ томонидан зиммасига юкланган фарзни адо этишига қўймаётган ҳар бир тўсиқни йўқ қилиши керак. Аллоҳ у билан бирга ва унга нусрат беради. Аллоҳ Таоло деди:

﴿يَأْتِيهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا إِنْ تَضَرُّوا اللَّهَ يَنْضُرْكُمْ وَيُثَبِّتْ أَقْدَامَكُمْ﴾

«Эй мўминлар, агар Аллоҳга (Исломога) ёрдам берсангиз, У ҳам сизга нусрат беради ва (жанг майдонида) собитқадам қилади»

[Муҳаммад 7] □

БАЙТУЛ МАҚДИС ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ЖАНГ БИЛАН ВАЪДА ҚИЛИНГАН ХАЛИФАЛИК ЎРТАСИДА

Рамзий Рожиҳ
Яман вилояти

Аллоҳ Субҳанаҳу ва Таоло махлуқотни яратиб, Ўзи хоҳлаган нарсасини хоҳлаган кишиларига афзал қилиб берди. Ер юзини яратиб, Байтул Мақдис ва унинг атрофини баракотли замин қилиб, Ўз анбиёлари ва солиҳ бандаларига армуғон этди. Ҳақиқатда, Байтул Мақдис бутун тарих мобайнида анбиё ﷺлар ҳаётида буюк иймоний марказ ва ҳақ устида сабру сабот мукофоти бўлиб келди. Пайғамбаримиз ﷺ, у зот билан бирга бўлган содиқинлар ва улардан кейингилар учун ҳам худди шу ҳолатда қолди.

Ҳақ Субҳанаҳу ва Таоло Бану Исроилнинг сабри ва Мусо ﷺ уларга олиб келган илоҳий оят-далилларга бўлган ишончлари туфайли уларни Байтул Мақдисга тушириш билан икром айлади. Аллоҳ Таоло деди:

﴿وَأَوْرَثْنَا الْقَوْمَ الَّذِينَ كَانُوا يُسْتَضَعُونَ مَشْرِقَ الْأَرْضِ وَمَغْرِبَهَا الَّتِي بَرَكْنَا فِيهَا وَتَمَّتْ كَلِمَتُ رَبِّكَ الْحُسْنَىٰ عَلَىٰ بَنِي إِسْرَائِيلَ بِمَا صَبَرُوا وَدَمَّرْنَا مَا كَانَ يَصْنَعُ فِرْعَوْنُ وَقَوْمُهُ وَمَا كَانُوا يَعْرِشُونَ﴾

«Ушбу ернинг Ўзимиз баракотли қилган машриқ ва мағрибларига бечора қавми (яъни Бану Исроилни) ворис қилиб қўйдик. Сабр-тоқат қилганлари сабабли Бану Исроилга Роббингизнинг гўзал сўзлари тўла-тўқис бўлди. Фиръавн ва қавми қуриб олган иморатларни ва баланд қилиб кўтарган қасрларни эса вайрон қилдик» [Аъроф 137]

Лут ﷺ билан Иброҳим ﷺ ҳақ ва иймонда собит турганликлари учун уларни Байтул Мақдисга тушириш билан икром қилди. Аллоҳ Таоло деди:

﴿فُلْنَا يَنبَأُ كُونِي بَرْدًا وَسَلَامًا عَلَىٰ إِبرَاهِيمَ ﴿۱۰۷﴾ وَأَرَادُوا بِهِ كَيْدًا فَجَعَلْنَاهُمُ الْأَخْسَرِينَ ﴿۱۰۸﴾ وَنَجَّيْنَاهُ وَلُوطًا إِلَى الْأَرْضِ الَّتِي بَرَكْنَا فِيهَا لِلْعَالَمِينَ﴾

«Биз айтдик: «Эй олов, сен Иброҳим учун салқин ва омонлик бўл!» Улар (Иброҳимга) макр қилмоқчи бўлишди (яъни уни ёндириб юбормоқчи бўлишди). Биз эса уларнинг ўзларини кўпроқ зиён кўргувчи қилиб қўйдик. Ва унга ҳамда Лутга

нажот бериб, (уларни) Биз барча оламлар учун муборак қилган заминга (юбордик)» [Анбиё 70-71]

Ислом рисоласи келгач, Ҳақ Субҳанаҳу ва Таоло саййидимиз Муҳаммад ﷺ ни Қуддуси Шарифга сайр қилдириб, у ердаги муборак Ақсо масжидидан олий самоларга меърож қилдириш билан икром кўрсатди. Ана шунда Байтул Мақдис Росулulloҳ ﷺ учун Роббисининг буюк оят-далилларини кўрадиган иймоний марказ ва олдинги жоҳилият курашлари қаршисида сабру саботи учун мукофотга айланди. Аллоҳ Таоло деди:

﴿سُبْحَانَ الَّذِي أَسْرَى بِعَبْدِهِ لَيْلًا مِنَ الْمَسْجِدِ الْحَرَامِ إِلَى الْمَسْجِدِ الْأَقْصَا الَّذِي بَرَكْنَا حَوْلَهُ لِنُرِيَهُ مِنْ آيَاتِنَا إِنَّهُ هُوَ السَّمِيعُ الْبَصِيرُ﴾

«(Аллоҳ) бир кеча, Ўз бандаси (Муҳаммад)ни – унга оят-мўъжизаларимиздан кўрсатиш учун (Маккадаги) Масжидул Ҳаромдан (Қуддусдаги) Биз атрофини баракотли қилиб қўйган Масжидул Ақсога сайр қилдирган (барча айбу нуқсондан) пок Зотдир. Дарҳақиқат, У эшитгувчи, кўргувчи зотдир» [Исро 1]

Кейин Аллоҳ Таоло Росулulloҳ ﷺ нинг саҳобаларидан бўлган рошид халифалар замонида мусулмонларни Байтул Мақдис ва унинг атрофини фатҳ этиш билан сийлади. Бу уларга ҳақ устида собит турганликлари, Роббилари динига холис амал қилиб, Унинг йўлида жиҳод қилиб, Аллоҳ учун маломатчининг маломатидан қўрқмаганликлари учун мукофот бўлди. Ана шунда улар Аллоҳнинг муқаддас заминида собит туришнинг мукофотини қабул қилиб олишга лойиқ бўлдилар.

Аллоҳ Таборака ва Таоло замон охирида Байтул Мақдис холис мўминлар учун мукофот бўлажagini ва бу Байтул Мақдисда барпо бўладиган ва ваъда қилинган Халифалик давлати билан амалга ошажagini хабар берди. Бу Ҳузайфа ибн Ямоннинг Росулulloҳ ﷺ дан ривоят қилган

﴿مَنْ تَكُونُ خِلَافَةً عَلَيَّ مِنْهَاجِ النَّبُوءَةِ﴾

«Кейин Пайғамбарлик минҳожи асосидаги Халифалик бўлади», деган ҳадисида келди. Яна бир ҳадисда Халифалик нозил бўладиган макон ҳам белгилаб берилди. Росулulloҳ ﷺ марҳамат қилдилар:

«يَا ابْنَ حَوَالَةَ، إِذَا رَأَيْتَ الْخِلَافَةَ قَدْ نَزَلَتْ الْأَرْضَ الْمُقَدَّسَةَ فَقَدْ دَنَتْ الزَّلَازِلُ وَالْبَلَايَا وَالْأُمُورُ الْعِظَامُ، وَالسَّاعَةُ يَوْمَئِذٍ أَقْرَبُ إِلَى النَّاسِ مِنْ يَدِي هَذِهِ مِنْ رَأْسِكَ»

«Эй Ибн Ҳавола, агар Халифалик Муқаддас Заминга тушганини кўрсангиз, бас, зилзилалар, бало-синовлар ва улкан ишлар яқинлашган бўлади, у кунда қиёмат куни одамларга мана бу қўлимнинг бошингизга яқинлигидан кўра яқинроқ бўлади». (Аҳмад муснадида ривоят қилган).

Ибн Асокир ўз тарихида Набий ﷺ дан ривоят қилган ҳадисда у зот бундай дедилар:

«هَذَا الْأَمْرُ كَانَتْ بِالْمَدِينَةِ، ثُمَّ بِالشَّامِ، ثُمَّ بِالْجَزِيرَةِ، ثُمَّ بِالْعِرَاقِ، ثُمَّ بِالْمَدِينَةِ، ثُمَّ بِبَيْتِ الْمُقَدَّسِ، فَإِذَا كَانَتْ بِبَيْتِ الْمُقَدَّسِ فَتَمَّ عَقْرُ دَارِهَا، وَلَا يُخْرَجُ مِنْ قَوْمٍ فَيَعُودُ إِلَيْهِمْ»

«Бу иш (яъни Халифалик мендан кейин) Мадинада бўлади. Кейин Шомда, кейин Араб Ярим оролида, кейин Ироқда, кейин мадина-шаҳарда, сўнг Байтул Мақдисда бўлади. Агар Байтул Мақдисда бўлса, (Байтул Мақдис) унинг маркази бўлади. Ҳеч бир қавм уни чиқармайди, чунки уларга тоабад қайтиб келган бўлади». Ҳадисдаги мадинадан мурод Константинополь бўлиб, Росулulloҳ ﷺ нинг ушбу ҳадисларига мансубдир: қайси шаҳар биринчи фатҳ бўлади; Константинополми ёки Римми? деб сўрадилар. Росулulloҳ ﷺ дедилар:

«مَدِينَةُ هِرَقْلٍ تُوْفِتِحُ أَوَّلًا، يَعْنِي قُسْطَنْطِينِيَّةَ»

«Ираклий шаҳри биринчи фатҳ бўлади, яъни Константинополь». (Имом Аҳмад ривояти).

Исро сураси сатрларида келган ушбу башоратларни бугун Ҳазода кўзларимиз билан кўряпмиз. Бу башоратлар бизга яҳудийларнинг Байтул Мақдисдан йўқ бўлиб кетиши, мўминлар Ақсо масжидига худди Росулulloҳнинг саҳобаларидан бўлган илк рошид халифалар замонида кирганлари каби, яна киришлари ҳақида гувоҳлик бермоқда. Аллоҳ Таоло деди:

﴿إِنْ أَحْسَنْتُمْ أَحْسَنْتُمْ لِأَنْفُسِكُمْ وَإِنْ أَسَأْتُمْ فَلَهَا فَإِذَا جَاءَ وَعْدُ الْآخِرَةِ لِيَسُؤُوا وُجُوهَكُمْ وَلِيَدْخُلُوا الْمَسْجِدَ كَمَا دَخَلُوهُ أَوَّلَ مَرَّةٍ وَلِيُتَبِّرُوا مَا عَلَوْا تَتْبِيرًا﴾

«Агар (шундан кейин) чиройли амаллар қилсангизлар – ўзларингизга яхшилик қилган бўлурсизлар. Агар ёмон, гуноҳ

амаллар қилсангизлар ҳам ўзларингиз учундир. Бас, қачон кейинги (бузғунчиликнинг) вақти-соати келганида, (улар яна) юзларингизни қаро қилишлари, аввалги сафар кирганлари каби Масжидул (Ақсо)га киришлари учун ҳамда ўзлари эгаллаб олган (барча) ерларни вайрон этишлари учун (яна душманларингизни сизларнинг устингизга юборурмиз)»[Исро 7]

Дарҳақиқат, бу оят ҳозирги замондаги мўминларнинг мукофоти бўлган иккинчи рошид Халифаликнинг Байтул Мақдисга тушишига кўз очиб юмганчалик ёки ундан ҳам озроқ вақт қолгани хушxabарини бермоқда. Ҳал қилувчи жанг билан ваъда қилинган ушбу Халифалик давлати ўртасида атиги битта позиция қолди, у ҳам бўлса, куч-қудрат қўлларида бўлган қарор соҳибларининг ўз позицияларини эгаллашларидир, яъни бошқарув байъатини беришларидир. Пайғамбарлик минҳожии асосидаги Халифалик соясидаги бир куннинг ўзи барча азоб-қубатларнинг бир лаҳзада якун топиши учун кифоядир.

Шуни таъкидлаш лозимки, ваъда қилинган рошид Халифалик асло таклиф ҳукмисиз фақат ваъданинг ўзи эмас! Балки у буюк фарз ва фарзларнинг тожи ҳамда мусулмонларнинг олий вазифаларидан биринчи навбатда турган тақдирий масаласидир!

Душманларимиз Халифаликнинг мусулмонлар учун қанчалик муҳимлигини ўтмиш тажрибаларидан яхши билишади. Шунинг учун ҳам Халифалик давлатини ағдаришга бор кучларини ва нопок услубларини сарфлашди ва ниҳоят, 1924 йил 3 март куни уни ағдаришга муваффақ бўлишди. Агар араблар ва туркларнинг хоинлиги ҳамда Уммат милодий XVIII аср ўрталаридан бошлаб гирифтор бўлган фикрий қотиб қолиш бўлмаганда эди, душманлар бундай қила олишмасди. Ўз навбатида, бу нарса малай ҳукмдорларга Умматнинг ёлғон ва макрга бўлган ҳис-туйғулари билан ўйнашишга замин тайёрлади ва фикрий қотиб қолиш оқибатида туйғусизлик узоқ вақт чўзилди. Зеро, фикрий қотиб қолиш сабабли Уммат фарзандларидан бўлган шахслар ва гуруҳлар заиф фикрлайдиган бўлиб қолди. Малай режимлар ва ёлланма ҳукуматларнинг заиф фикрлашларинику айтмасак ҳам бўлади, чунки кофир хўжайинларига итоат қилиб, Умматни адаштиришда асосий рол ўйнаган мана шу ҳукмдорлар бўлади!!

Аллоҳ Таоло деди:

﴿يُرِيدُونَ لِيُظْفِرُوا نُورَ اللَّهِ بِأَفْوَاهِهِمْ وَاللَّهُ مُنِمْ نُورِهِ وَلَوْ كَرِهَ الْكَافِرُونَ﴾

«Улар Аллоҳнинг нуруни (яъни, Исломни) оғизлари билан ўчирмоқчи бўлишади. Аллоҳ эса, гарчи (кофирлар) хоҳлашмасида, фақат Ўз нуруни тўла ёйишни истайди» [Соф 8]

Ҳа, Росулulloҳ ﷺ бино этган лойиҳани ўчиришнинг мутлақо иложи йўқ дейишга ҳақлимиз! Сиз Халифалик давлатини барпо этишда айнан Росулulloҳ ﷺ нинг йўлини маҳкам ушлаб, бунинг лойиҳасини тайёрлаб қўйган Ҳизб ут-Таҳрирни билсангиз керак? Илк бор 1953 йил муборак Фаластин заминидаги Байтул Мақдисда тузилган ушбу муҷаддид-янгиловчи Ҳизб ҳақида хабарингиз бордир?! У ҳамиша ўз даъватида очиқ, мафқурасида онгли, тариқатини яхши кўра билган ва масаласини ўзлаштириб олган ҳизб бўлиб, таъсис этилган кундан бери туйғуга берилмай, собит туриб келмоқда. Мабдаи Ислом, фаолияти сиёсат бўлмиш бу ҳизбнинг ғояси Исломий Халифалик давлатини барпо этиш орқали исломий ҳаётни қайта бошлашдан иборат бўлиб, ўз фикрлари, раъйлари, аҳкомлари ва позицияларида Исломдан озиқланади. Ҳизб ут-Таҳрир ўз ғоясига етиб бориш учун исломий ҳаёт ва Исломий Халифалик давлати ҳақида пухта ва тўлиқ тасаввурни пайдо қилди. Булар Ҳизбнинг сақофати ва нашрларида мавжуд бўлиб, буларни Исломда иқтисод низоми, Исломда ижтимо низоми, Исломда бошқарув низоми китобларидан ҳамда Исломда таълим сиёсати, давлат шакли ва унинг ички ва ташқи сиёсий жиҳози мавзуларидан ва булардан бошқа тўлиқ Ислом ҳаётини барпо этиш учун зарур бўлган кўплаб мавзуларидан топиш мумкин.

Ҳизб ўзи яратмоқчи бўлаётган воқеликни мана шундай жуда тиниқ тасаввур қилиши билан энг буюк исломий лойиҳа тасаввурини тақдим этган бўлмоқда. Бундай лойиҳа майдонда фаолият қилаётган бошқа исломий жамоалар, ҳаракатлар ва ҳизбларда топилмайди. Чунки улар фақатгина фикрати саёз, тариқати импровизация бўлган шиорларни ва замонавий воқеликдан таъсирланган тасаввурларни илгари суришди. Бу тасаввурларида очиқ зиддиятлар намоён бўлиб турар эди. Улардан фарқли ўлароқ, Ҳизб ут-Таҳрир Китоб ва Суннатдан ҳамда улар далолат қилган саҳобалар ижмоси ва шаръий қиёс

орқали исломий ҳаёт ва Ислом давлати тўғрисида мукамал тасаввурни пайдо қилди.

Ҳақиқатни айтганда, бугунги кунда Умматнинг йўли Ҳизб ут-Таҳрирнинг йўли бўлиб турибди. Чунки у Умматга Роббисининг лойиҳаси билан етакчилик қилмоқда. Бу айнан Росулulloҳ ﷺ барпо этган бинонинг устунларига асосланди. Ушбу устунлар ҳар бир фикрнинг фикрий қоидаси бўлмиш ақида, Ислом системасини татбиқ этиш учун ягона тариқат бўлмиш Ислом давлати ҳамда Ислом даъватини бутун оламга олиб чиқишнинг ягона шаръий йўли бўлмиш жиҳод, демакдир.

Ушбу уч устун – ақида, халифалик ва жиҳод, Ҳизбнинг Ислом Умматига таклиф қилаётган лойиҳасининг самарасидир.

Дарҳақиқат, Ҳизб ут-Таҳрир шундай узун йўлни босиб ўтдики, Уммат бу йўлда қайта мақтовга лойиқ бўлди. Ушбу узун йўлда Уммат қаттиқ силкинишни бошдан кечирди ва юз берган ҳодисалар малай ҳукмдорларнинг асл башарасига оид унинг ақлий туйғусини уйғотди. Масалан, Ақсо Тўфони ҳодисаси орқали муслмонлар миллий чегараларни бузиш ва ҳукмрон режимларни ағдариш жуда муҳим эканини, чунки Уммат ўзининг хусусан ғазодаги ва умуман Фаластиндаги аҳлига нусрат беришдек муҳим бурчини адо этишига тўсқинлик қилаётган мана шу ҳукмдорлар эканини англаб етди. Шу ерда Уммат Байтул Мақдисга тушиши ваъда қилинган рошид Халифалик давлатини барпо этиш орқали Исломни ғолиб қилиш учун ўз армияларидаги холис инсонлардан нусрат талаб қилиш учун Ҳизб билан боғлана бошлади. Муслмонларнинг тайёрлиги ва Исломий Халифалик учун фаолият қилаётганлардан ғурурланиб, улар атрофига жипслашишлари ҳар қачонгидан кучайди. Чунки энди уларга ҳукмдорларнинг ёлғон ва алдовга тўла маккор чақириқлари ўтмай қолди.

Уларга, шунингдек, Ислом Умматига ўзгариш ва уйғониш йўлида ортиқча юк бўлаётган партияларнинг фикрлари ҳам кор қилмади. Чунки бу партиялар фикрлари Умматнинг ҳозирги воқелигига тўғри келмай, шамолда ҳавога учиб кетди. Зотан, бу партияларнинг Умматга ўз таъсирларини йўқотиши табиий эди. Чунки уларнинг мафкуралари абгор, лойиҳалари яроқсиз бўлиб, аслида, уларда исломий лойиҳа умуман йўқ эди!

Биз Ҳизб ут-Таҳрирга эргашиб, унинг яхши етакчи ва гўзал раҳбар эканига гувоҳ бўлдик ва бизга кўрсатган таклифлари

тўғри, соғлом ва мустаҳкам эканига тўлиқ қаноат ҳосил қилдик. Биз энди бутун муборак Фаластин заминида Ғазонинг мард ўғлонлари етакчилигидаги ҳал қилувчи жангни охирига етказиш учун бутун Уммат фарзандларини Уммат армияларини ҳаракатга келтириш йўлида Ҳизбни ўз бағрига олишларига ва у билан биргаликда Пайғамбарлик минҳожи асосидаги иккинчи рошид Халифалик давлатини барпо этишларига даъват қилмоқдамиз. Зеро, ушбу давлат юқорида

«فَتَمَّ عُمْرُ دَارِهَا، وَلَا يَخْرُجُ مِنْ قَوْمٍ فَيَعُودُ إِلَيْهِمْ»

«Агар Байтул Мақдисда бўлса, (Байтул Мақдис) унинг маркази бўлади. Ҳеч бир қавм уни чиқармайди, чунки уларга тоабд қайтиб келган бўлади», дея келганидек ваъда қилинган давлат бўлиб, охири замонда Раҳмон Роббимизнинг беражак мукофотидир. Бас, шундай экан, ушбу фазл ва шарафга лойиқ бўлинг, энг Ислом Умматининг шарафли инсонлари! □

ҒАЗО ВАЙРОН ЭТИЛИШИ ОРТИДАН ЯХУДИЙЛАР ВА ХОИН ХУКМДОРЛАР ҲАМ ҲАЛОКАТГА ЮЗ ТУТАДИЛАР

Абдулҳаким Усмон

Ҳизб ут-Таҳрирнинг

Малайзиядаги расмий нотиғи

Мусулмонлар Рамазон ва ҳайитни Халифалик давлатисиз нишонлаганларига бу йил юз йил бўлди. Ушбу икки муборак байрамни Ислом Уммати, айниқса, муборак заминда яшовчи мусулмонлар қаттиқ маҳзунлик билан ўтказдилар. Рамазон маънавий ой бўлиши билан бирга, шубҳасиз, мусулмонлар учун нусратлар оyi ҳамдир. Исломий тарих 13 асрдан кўпроқ вақт давомида ушбу Умматнинг уруш ва ҳазорат соҳасида кўплаб ютуқларга эришганини олтин ҳарфлар билан ёзиб қолдирган ҳамда бу ютуқларнинг аксари Рамазон ойида қўлга киритилган.

Бу йилги Рамазон ойи Ғазо мусулмонларининг қонхўр яҳудийлар томонидан тўхтовсиз қирғин қилинганини, исломий юртлар ҳукмдорлари уларга ёрдам бермаганини гувоҳи бўлди. Мисоли «мурдалар»га айланишган бу ҳукмдорлар ҳатто Исломнинг маънавият ойида ҳам қимир этмай, армияларини казармаларида қамаб туришди.

Уммат юз йил олдин ўз қалқонидан айрилгандан бери ҳимоясиз ва мудофаасиз яшади, мисли кўрилмаган ҳар турли азоб-уқубатларни бошдан кечирди. Халифалик ағдарилган кундан бошлаб Фаластиндаги бугунги вазиятга қадар кўплаб қирғинларни бошдан кечирди.

Яҳудийлар Ғазода шунча қирғин қилишганига қарамай, Аллоҳнинг изни ила ғалабага эришолмади. Тўғри, Ғазо тарихида вайроналарнинг энг каттасини қилишди, бироқ, Ислом ва унинг аҳлини вайрон этишолмади. Қурол-яроқсиз, бошпанасиз, етарли озиқ-овқатсиз Ғазо аҳли ҳамон сабот билан турибдилар, яҳудийлар эса мақсадларига эришолмаяпти.

Аслида, яҳудийлар заиф ва қўрқоқ, инша Аллоҳ, ғалаба қозонишолмайди. Ғазони хонавайрон қилсак, мақсадимизга эришамиз деб ўйлашди, лекин воқеликда мағлубиятга учрашяпти. Улар содир этаётган жиноятлар, ёвузликлар ва қирғинлар, Аллоҳнинг изни ила, ўзларини бутунлай вайрон бўлишга олиб кетяпти.

Яҳудийлар Ғазодаги мусулмонларни қирғин қилишда давлатлар ва бошқа куфр халқларидан қўллаб-қувватловга эришишларига ишонишди. Айрим ёвуз ҳукмдорлар уларни қўллаб-қувватлашаётган эса-да, бироқ ўтган етти ой ичида ғариисломий юртлар ва раҳбарлар Ғазо ва унинг аҳлини қўллаб-қувватлаганига гувоҳ бўлдик. Дунёнинг чор атрофида мусулмон бўлмаган халқлар намойишлар уюштириб, Фаластинга ўз қўллаб-қувватловларини изҳор этдилар. Бу илгари асло кузатилмаган ҳолат.

Энг даҳшати, тарихда яҳудий давлатини қўллаб келган давлатлар унга орқа ўгирди ҳамда ҳеч иккиланмай ва қўрқмай, Фаластин ва унинг аҳлини қўллаб-қувватлади. Ғайриисломий юртларда, ҳатто Америкада жуда кўп халқларнинг Фаластинни қўллаб-қувватлашлари, яҳудийларни қоралашлари асло кузатилмаган ҳолат, қандай ҳам ажойиб мўжиза!

Бир вақтнинг ўзида, мусулмон бўлмаган кишилар, жумладан машҳур шахслар ҳам, Ғазо аҳлининг қонхўр яҳудийлар томонидан ўз оилалари қирғин қилинишига ва уй-жойлари вайрон этилишига қарамай гўзал иймонда мустаҳкам туришларидан илҳомланиб, ўз эътиқодларидан Ислом эътиқодига ўтдилар. Бу ҳодисани Аллоҳ Субҳанаҳу ва Таолонинг ушбу каломи тасвирлаб турибди:

﴿وَيَمْكُرُ اللَّهُ وَاللَّهُ خَيْرُ الْمَكْرِينِ﴾

«Аллоҳ ҳам «макр» қилади, (аммо) Аллоҳ макр қилувчиларнинг устасидир» [Оли Имрон 54]

Ҳа, яҳудий вужуди Ғазо аҳлига қарши содир этган қирғинлар ва вайронагарчиликлар уларнинг энг даҳшатли жиноят содир этишганини кўрсатди, шу билан бирга, уларнинг ўзи шу даражада қўрқоқ ва ваҳшийки, ундайлар тарихда ҳеч кузатилмагани ҳам маълум бўлди.

Яҳудийларнинг бор кучи билан ҳужумларни давом эттиришига, Қўшма Штатлардан турли қурол-аслаҳалар билан ёрдам олишига ва қаттиқ қамал қилишига қарамай, Ғазодаги мусулмонлар қуролсиз ва заифҳол бўла туриб Аллоҳ иродаси билан нажот топиб, кучли ҳолда қолдилар. Субҳаналлоҳ, ахир, бу яҳудийларнинг Ғазода ҳеч қачон ғалаба қозона олишмаслигига далил эмасми?!

Аслида, кўплаб ҳисоботларга қараганда, минглаб яҳудий аскарлари Ғазодаги ҳужумлари сабабли оғир стресс ва руҳий касалликдан азият чекишмоқда. Кўпчилиги ҳарбий хизматни ташлаб, фуқаролик ҳаётига қайтишяпти. Маълум бўлишича, уларнинг бир қисми уруш сабабли юз берган стресс ва изтироблар сабабли уйқусизликка мубтало бўлишган.

2024 йил апрел ойи бошларида дунё минглаб яҳудийларнинг Тель-Авивда намоиш қилишиб, урушда муваффақиятсизликка учрагани учун Биньямин Нетаняхунинг истеъфосини талаб қилишганига гувоҳ бўлди. Аниқки, яҳудий вужуди ҳам ички, ҳам ташқи босимга дуч келяпти.

Яҳудийлар Ғазони вайрон қилиш учун бор-будларини сарфлаб, ўрган ҳосиллари хорлик ва надомат бўлгандан сўнг эришган оқибатлари мана шу. Охиратда эса бундан-да ёмон оқибатга учрашади:

﴿إِنَّ الَّذِينَ كَفَرُوا يُنْفِقُونَ أَمْوَالَهُمْ لِيَصُدَّوْا عَنْ سَبِيلِ اللَّهِ فَسَيَنْفِقُونَهَا ثُمَّ تَكُونُ عَلَيْهِمْ حَسْرَةً ثُمَّ يُغْلَبُونَ وَالَّذِينَ كَفَرُوا إِلَىٰ جَهَنَّمَ يُحْشَرُونَ﴾

«Албатта, кофир бўлган кимсалар мол-дунёларини Аллоҳнинг йўлидан тўсиш учун ишлатурлар. Бас, уни сарфлашади-ю, сўнгга ўша (моллари) ўзларига ҳасрат бўлур, сўнгга мағлуб бўлурлар. Кофир бўлган кимсалар жаҳаннамга тўпланурлар» [Анфол 36]

Уларнинг Ғазога ҳужуми аллақачон тескари натижа бергани ва улар учун даҳшатли тушга айлангани аниқ. Агар Аллоҳ Субҳанаҳу ва Таолонинг ёрдами бўлмаса, бу ютуқларнинг бирортаси бўлмас эди. Чунки Аллоҳ Субҳанаҳу ва Таоло Ўз душманларини мағлуб, бандаларини ғолиб қилишни биз кутмаган йўллар билан амалга оширади. Яҳудийлар Аллоҳ уларни аста-секин, аммо мукамал вайрон қилажанинглашмаяпти.

Бу аҳвол исломий юртлар ҳукмдорларига ҳам тегишли. Улар ҳозир ўз тахтларидан лаззатланиб, дунёнинг дабдаба ва бойликларига муккасидан кетишган. Яҳудийларнинг биродарларимизга қарши содир этаётган геноцид ва вайронагарчиликларини ҳеч нарса қилмай томоша қилиб ўтиришибди. Аслида, бу билан улар Аллоҳ Субҳанаҳу ва Таоло олдида ўзларини ҳалок қилишмоқда. Чунки улар Аллоҳ, Росули

ва мўминларнинг омонатига хиёнат қилишяпти. Яҳудийлардан фарқсиз ўлароқ, Аллоҳ Таоло уларни Ўз азоби билан йўқ қилишдан олдин бир оз фойдаланишлари учун муҳлат бериб қўйганини англашмаяпти. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَلَا تَحْسَبَنَّ اللَّهَ غَفِيلاً عَمَّا يَعْمَلُ الظَّالِمُونَ إِنَّمَا يُؤَخِّرُهُمْ لِيَوْمٍ تَشْخَصُ فِيهِ الْأَبْصَارُ﴾

«Сиз ҳаргиз – Аллоҳ золим кимсаларнинг қилаётган амалларидан ғофил, деб ўйламанг! Фақат Аллоҳ уларни(нз жазоларини) кўзлар (даҳшатдан) қотиб қоладиган кунга қолдирмоқда, холос» [Иброҳим 42]

Эй мусулмонлар!

Шуни билинги, Ғазодаги қирғинлар ҳозир бизнинг ана шу хоин ҳукмдорлар ўрнини битта халифанинг эгаллашига нақадар муҳтож эканимизни кўрсатди. Шунинг учун ҳам Ҳизб ут-Таҳрир 70 йилдан бери кечаю кундуз тиним ва чарчоқ билмай фаолият қилмоқда. Унинг фаолияти ушбу давлатда ёки ташқарида Пайғамбарлик минҳожии асосидаги рошид Халифаликни барпо этиш орқали исломий ҳаётни қайта бошлашга қаратилган. Халифалик барпо бўлиши биланоқ, Ғазони ва бутун муборак Фаластин заминини ҳамда ер юзининг шарқидан ғарбигача барча босиб олинган исломий ерларни озод этиш учун ҳеч кечиктирмай ва иккиланмай армияларни сафарбар этади.

Эй Ғазо аҳли!

Бир оз сабр қилинг, Аллоҳ Субҳанаҳу ва Таолога бўлган қатъий иймон ва ишончингизда давом этинг, чунки Аллоҳ Ўзининг солиҳ амаллар қилаётган мўмин бандаларини ҳаргиз ташлаб қўймайди. Кундан-кунга Аллоҳнинг нусрати яқинлашмоқда, тун ортидан кун келгани каби, яқинда Пайғамбарлик минҳожии асосидаги Халифалик қайтади.

Мусулмон армиялар халифа қўмондонлиги остида Ғазо ва бутун Фаластин ерини озод этиш сари олға босади ва яҳудийларни Аллоҳ ваъда қилган азоб билан азоблайди. Муборак Фаластин замини яна ўз улуғлигига қайтади, бир вақтнинг ўзида, бу асрда яҳудийлар учун энг катта қабристон бўлади, инша Аллоҳ.

﴿فَإِذَا جَاءَ وَعْدُ الْآخِرَةِ لِيَسْتَوْأُوا وُجُوهَكُمْ وَلِيَدْخُلُوا الْمَسْجِدَ كَمَا دَخَلُوهُ أَوَّلَ مَرَّةٍ وَلِيُتَبِّرُوا﴾

﴿مَا عَلَوْا تَتْبِيرًا﴾

«Бас, қачон кейинги (бузғунчиликнинг) вақти-соати келганида, (улар яна) юзларингизни қаро қилишлари, аввалги сафар киришгани каби Масжидул (Ақсо)га киришлари учун ҳамда ўзлари эгаллаб олган (барча) ерларни вайрон этишлари учун (яна душманларингизни сизларнинг устингизга юборурмиз)» [Исро 7]

Шундай қилиб, яҳудийлар ва Умматнинг хоин ҳукмдорлари Ғазони вайрон қилишлари билан, аслида, ўзларини вайрон қилишяпти. Яқинда бунга англаб етишадиган кун келади. Аммо унда, худди денгизга ғарқ бўлган Фиръавн каби, тавба қилиш учун кеч қолишган бўлади. Аллоҳ Субҳанаҳу ва Таоло уларни аллақачон огоҳлантирган. Бироқ бундан бутунлай ғафлатда қолишди. □

ЭРОН РЕЖИМИНИНГ ИСЛОМ УММАТИГА ДУШМАНЛИГИ

Оиша Мухаммад

Муборак Фаластин замини

Эрон исломий юрт. Уни мусулмонлар Форс юртларини фатҳ қилиш асносида рошид халифа Умар ибн Хаттоб даврида фатҳ қилдилар. Бу Қодисия ва Наҳованд каби ҳал қилувчи йирик жанглар орқали бўлди. Форс тилида Эрон сўзи орийлар юрти деган маънони англатади, бу ўша ҳудудда ўрнашиб қолган орий халқларга нисбатан айтилган. Бу юрт замонавий тарихда Эрон ва Форс деб танилди, гарчи қадимги тарихда Форс юрти Эрондан бошқа ерларни ўз ичига олган бўлса ҳам. Бу юрт расмий ва сиёсий жиҳатдан Эрон ва Форс номи билан аталиб келиши ортидан, 1935 йил Эрон шоҳи Ризо Паҳлавий талаби билан юртга расман Эрон деб ном берилди.

Эрон ўз тарихи давомида исломий фатҳдан олдинги даврдан то ҳозирги кунга қадар муҳим сиёсий даврларни босиб ўтди.

Эроннинг замонавий тарихидаги сиёсий даврларининг энг муҳимлари:

1 – 1502 йил Сафавийлар давлати барпо бўлиши. Исмоил Мирза Сафавийлар давлатини барпо қилиб, исно ашарий шиа мазҳабини давлатнинг расмий мазҳаби деб эълон қилди. Бу мазҳаб Эрон аҳлига зўравонлик билан ўрнатилди. Эронни исломий фатҳдан бошлаб тутиниб келган сунний мазҳабидан шиа мазҳабига ўзгартирганлар мана шу Сафавийлар саналади. Сафавийлар билан Усмоний давлат ўртасида узоқ йиллар қатор урушлар бўлди. Ўз даврида, бу урушлар Ўрта Осиё, Синд ва Ҳиндистондаги исломий юртларнинг Усмоний давлатига қўшилишига тўсқинлик қилди... 1722 йил Сафавийлар ҳукмронлигига афғонистонлик бир қабила шайхи (Маҳмуд Хон) қўли билан яқун ясалди.

2 – 1795 йил Қажарлар давлати барпо бўлди. Қажарлар ҳукмронлиги даврида давлат ишларига руслар ва инглизлар аралашди ва Эрон Британия билан Россия нуфузи остидаги минтақага айланиб қолди. Оқибатда, Қажарлар Кавказни русларга топширишди, Британия босими остида Афғонистонга мустақиллик беришди, чет элликларга имтиёзлар берувчи қонун қабул қилиниб, юртнинг нефть ва қазилма бойликларидан фойдаланаётган инглизларга темир йўли ва транспорт йўллари қуришларига рухсат беришди. Қажарлар

давлати Ризо Шоҳ Паҳлавийнинг Аҳмад Мирзо устидан инқилоб қилиши билан якун топди.

3 – 1925 йил Паҳлавийлар давлати барпо бўлиши. Ризо Шоҳ Паҳлавий ушбу давлат тўнтаришини амалга оширгач, ўзини Эрон подшоҳи деб эълон қилди. Унинг ҳукмронлиги даврида Эрон мустамлакачилар ўртасидаги нуфуз кураши минтақаси бўлиб қолди. Иккинчи жаҳон урушидан кейин Америка Россияга Эрон шимолидан чиқиб кетиши учун босим қилди. Америка билан Британия ўртасидаги нуфуз кураши 1979 йил Хумайний инқилобига қадар давом этди.

4 – Эрон Ислом Республикаси. Исломий инқилобдан ёки «1979 йилги Хумайний инқилоби»дан кейин барпо этилган ушбу бошқарувда Эрон мамлакати монархия бошқарувидан диний республика, яъни теократия бошқарувига кўчди. Исно ашарий шиа мазҳабиغا асосланган Эрон Ислом республикаси эълон қилинди ва бугунги кунгача Эрон мана шу ҳокимиятга бўйсуниб келмоқда. Шу ўринда, Хумайний инқилоби Эронда Англо-Америка кураши тарихида муҳим давр бўлганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Эрон ва унинг режими бугунги ҳолатига келгунига қадар босиб ўтган сиёсий даврларнинг қисқача рўйхати мана шу.

Эрон режими исломий юртлардаги бошқа малай режимлар каби Ислом Умматига душман. У Умматнинг уйғонишига тўсқинлик қилиб, ашаддий душман режимлардан бири бўлиб турибди. Унинг душманлиги минтақа халқларидан тортиб бир нечта қайноқ фронтларга қадар кенгайди. Муслмонларни қириш ва юртларини вайрон қилишда жонбозлик кўрсатмоқда ҳамда ўзига минтақада топширилган роль асосида минтақадаги бир нечта урушларда иштирок этиш билан қўлларини муслмонлар қонига ботирмоқда. Америка томонидан унга юклаган муҳим регионал роль уни Уммат учун энг душман режимлардан бирига айлантирди.

Эрон режимининг Умматга душманлиги ўз тарихининг кўп даврида мустамлакачига тобелик қилгани ва унинг орбитасидан чиқмасдан хизмат қилгани сабаблидир. У бошқа кўфр режимларидан фарқ қилмайди, уларнинг барчаси ўзларининг асосий, ҳатто ягона вазифаларини мустамлакачи кофирнинг юртларимиздаги режаларига хизмат қилишга қаратишмоқда. Шунинг учун бу режимлар ўз халқларига

душманлик қилишади, Ғарб манфаатлари йўлида уларга бузғунчилик, қашшоқлик, саводсизлик ва қирғин қилиш орқали зарар етказишади. Улар орасида сал дурустроғи мустамлакачининг манфаатини амалга ошириш чоғида ўз мамлакати учун ҳам айрим манфаатларни рўёбга чиқаришади, Эрон ва Туркия каби. Уларнинг бу манфаатлари, кўпинча фосид бўлиб, Ислом ва унинг сақофатига зид бўлади, яъни улар ҳар қандай ҳолатда ҳам Аллоҳ ва Унинг динига душманлик қилишади.

Эрон режими ўнлаб йиллардан бери Американинг орбитасидан чиқмаган ҳолда ҳаракат қилади. Америка бу режимга ғоят муҳим сиёсий омиллардан бирини, яъни муслмонларнинг бирлашишини олдини олиш ва АҚШнинг минтақадаги нуфузини сақлаб туриш вазифасини юклаган. У бунини бир неча муҳим йўллар орқали амалга оширмоқда:

1 – Америка минтақада мазҳабпарастлик (сунний-шиа) курашини келтириб чиқариб, Эрон режимини шиа тарафининг етакчиси қилиб қўйиш ва айни курашни озиқлантириш устида ишлади ва ниҳоят минтақада сиёсий, ҳарбий ва мазҳабпарастлик низоси оловини ёқди. Мисол учун, Ироқни босиб олишида фойдаланган қўроллар ичида энг муҳими мазҳабпарастлик бўлди ва Америка Ироқ устидан маълум даражада ҳукмрон бўлди.

2 – Америка Эрон режимидан олабўжи ясаб, ундан исломий минтақа, асосан, Форс кўрфази хавфсизлигига таҳдид сифатида фойдаланди. Ўзини эса минтақанинг ҳимоячиси қилиб кўрсатди, бунини ҳарбий базаларда гавдаланган ҳарбий иштироки орқали қилди. Бундан мақсад нефть конларига эга бўлиш ва минтақадаги нуфузини сақлаб туришдир.

3 – Американинг Эронга топширган ушбу минтақавий марказий ролига мувофиқ, минтақада кўплаб сиёсий ва ҳарбий ишларни юклагани ҳамда сиёсий воқеаларнинг ривожига қараб, унга шундай яққол кўзга кўринарли вазифалар топширгани Эрон режимининг ҳақиқий башарасини очиб ташлади. Бунининг минтақадаги ҳар бир масалада, Ироқ, Афғонистон, Яман, Сурия, Ливан ва бошқа юртларимизда фақат Америка билан биргаликда қадам ташлаётганида кўриш мумкин. Зотан, Ғарб манфаатларини амалга ошириш родини бу режим ўзи ҳам эътироф этган, масалан, кўплаб эронлик

раҳбарлар Американинг Афғонистон билан Ироқни ишғол этишига асосан Эрон имконият яратиб бергани тўғрисида баёнот беришди.

Эронга Америка томонидан топширилган айрим ролларни кўриб чиқсак, унинг Уммат душмани эканига гувоҳ бўламиз. Мисол учун:

Америка Ироқни босиб олган пайтда Ироқ аҳлидан асло кутмаган шиддатли қаршиликка дуч келди. Шунда у Эронни аралаштирди. Эрон у ердаги ўз мазҳаби тобеларига таъсир ўтказиб, босқинчиликка қарши курашдан уларни тўхтатиш, сўнг қаршилик ҳаракатига қарши туриб, босқинчи Америка ва у ўрнатган режимга қонунийлик тусини бериш билан Америкага ёрдам берди.

Ливанда Эрон режими ўз мазҳаби тарафдорларидан ҳизб тузди ва уни қуроллантириб, ўзининг махсус армиясига айлантирди. Эроннинг Ливандаги ушбу ҳизби Сурия режимини қўллаб-қувватлади.

Сурияга келсак, Эроннинг у ердаги режим билан алоқаларини ўтган асрнинг саксонинчи йилларидаги қўзғолондан бошлаб, кейинчалик Шом қўзғолонига аралашганида, кейин Ислом билан яшашни ва рошид Халифаликни барпо этишни истаган исломий муҳитга Америка малайи бўлган секуляр Асад режими билан биргаликда зарба берганида кўриш мумкин.

Афғонистонда ҳам Эрон режими босқинчи АҚШни ва Карзай ҳукуматини қўллаб-қувватлади. Собиқ Эрон президенти Рафсанжоний ўз баёнотида: «Агар бизнинг кучлар Толибонга қарши ёрдам бермаганда, Америка афғон ботқоғига ботган бўлар эди», деди. Собиқ Эрон президенти Хотамийнинг вице-президенти Муҳаммад Али Абтаҳий ҳам бундай деган: «Агар Эрон Америка билан ҳамкорлик қилмаганида, Қобул билан Бағдод мағлуб бўлмасди. Аммо биз мукофотга эришдик ва ёвузлик ўқи ичига кириб қолдик». Аҳмадий Нажод ҳам баёнотида: «Кучларимиз Америкага Афғонистон ва Ироқда ёрдам қўлини чўзди», деган.

Яманда Эроннинг Ҳусийлар билан алоқаси очиқ ва маълум. Америка Ҳусийларга қурол-яроғ ва техникани Эрон орқали етказиб берган.

Шу тариқа, демак, Эроннинг минтақадаги роли Америка сиёсатидан иборат. Бу роль Америка сиёсати талабларига қараб кенгайиб, торайиб туради. 1979 йилдан бошлаб Америка Эронни минтақа давлатларига қарши «ислом ниқоби остидаги инқилоб» таҳдиди сифатида сақлаб келди. Кейин, Америкада неоконсерваторлар ҳоқимиятга келиши ортидан бу таҳдид кенгайиб, мазҳабпарастлик таҳдиди даражасига кўтарилди. Кейин араб баҳори ҳодисаларидан бошлаб бу роль минтақа даражасида салмоқли ролга айланди.

Эрон режими 1979 йил инқилобидан кейин барпо бўлгандан бери ўзини Америка ва яҳудий вужудини душман қилиб олган исломий режим қилиб кўрсатмоқда. Адаштириш ва алдаш мақсадида «катта шайтон», «Исроилга ўлим» шиорларини кўтариб чиқмоқда. Бу режим ўзини шиа мазҳабини татбиқ қилаётган мусулмон режими қилиб кўрсатди ҳамда аёлларнинг ҳижобини таъқиб қилаётган маъруфга буюрувчи ва мункардан қайтарувчи полицияси билан мақтанди, шу орқали ўз халқини ҳам, бошқа Умматни ҳам бир неча бор адаштирди! Ваҳоланки, бу режим Америка қўлидаги мустамлакачилик қуролидир. Унинг қўли билан мусулмонлар қони оқмоқда, унинг иштирокида номуслари топталмоқда, бойликлари талон-торож этилмоқда, юртлари вайрон қилинмоқда.

Мусулмонлар бугунги режимларнинг ва Эрон режимининг кимлигини, улар Ғарбнинг минтақадаги манфаатларини рўёбга чиқариш учун улкан роль ўйнаётганини онгли равишда билмоқлари ва унга асло умид боғламасликлари керак. Аксинча, Эрон режимини ағдаришга ҳаракат қилмоқлари лозим. Чунки у исломий юртлардаги бошқа режимлар каби ҳақиқий душмандир. Мусулмонлар, шунингдек, Халифаликни барпо этиш, ер юзида Аллоҳнинг динини олий қилиш ва ҳаётларида Ислом тузумини татбиқ этишга ҳаракат қилмоқлари даркор. □

**ХАЛҚАРО ҚОНУННИНГ ҚУЛАШИ... ВА УНГА ТАЯНГАН ДУНЁНИНГ
УМИДСИЗЛИККА ТУШИШИ
«ҚОИДАЛАРГА АСОСЛАНГАН ДУНЁ ТАРТИБИ» АМЕРИКАНИНГ
АЙЁР НАМУНАСИДИР**

Д. Аҳмад Ҳасуна

Президент Жо Байден 2021 йил январда Қўшма Штатларда ҳокимиятни эгаллаганидан бери, айниқса, Хитой, Россия ёки АҚШ томонидан терроризм ҳомийси сифатида таснифланган давлатлар ҳақида гап кетганда «қоидаларга асосланган дунё тартиби» ҳақида гапириб келади. У ва унинг маъмурияти бу давлатларнинг барчасини қоидаларга асосланган тартибни бузишга ҳаракат қилишда айблади. Унга кўра, Қўшма Штатлар, унинг иттифоқчи ва ҳамкорлари ушбу тартибни ҳимоя қилиш, шунингдек, халқаро ҳамжамият барқарорлигига хавф солиб, «қоидаларга асосланган тартиб»ни бузишга ҳаракат қилаётган кучларга кескин қарши туриш учун биргаликда ҳаракат қилишлари керак.

АҚШ давлат котиби Энтони Блинкен барча минтақавий ёки халқаро тадбир ва учрашувларда президент Байденнинг сўзлари ва ёндашувини такрорлаб, «қоидаларга асосланган тартиб»ни бузишга жиддий ҳаракат қилаётган авторитар режимлар томонидан демократик давлатлар дуч келаётган муаммолар ҳақида гапириб келди. Ушбу қоидаларга асосланган дунё тартиби нима?

Иккинчи жаҳон урушидан кейин тузилган халқаро орган ва ташкилотлар уставлари, келишувлари ва конвенцияларида «қоидаларга асосланган дунё тартиби» деган нарса мавжуд эмас. Аммо Блинкеннинг: «Қоидаларга асосланган дунё тартиби ўтган 75 йил давомида глобал барқарорлик ва ривожланишга олиб келди», деган сўзлари «қоидаларга асосланган дунё тартиби» атамасини иккинчи жаҳон урушидан кейин Қўшма Штатлар бошчилигида тузилган тартибга боғлашга уринишдир. Ўша пайтда «Либерал дунё тартиби» номи билан танилган бу тартибнинг қоидалари сиёсий ва иқтисодий либерализмга, шунингдек, либерал интернационализмга асосланган эди. Унинг халқаро алоқалари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Жаҳон Банки, Халқаро Валюта Фонди ва Жаҳон Савдо Ташкилоти бошчилигидаги бир қатор кўп томонлама халқаро институтлар томонидан ҳамда

БМТ устави, халқаро қонун ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартнома каби бир қатор устав ва шартномалар орқали тартибга солинган. Шунингдек, у демократия, тенглик, эркинлик, қонун устуворлиги, инсон ҳуқуқлари, хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорлик ва молия соҳасидаги ҳамкорлик каби бир қатор тамойиллар асосида бошқарилади.

Нидерландиядаги Лейден университетининг халқаро ҳуқуқ профессори Жон Дугард шундай дейди: «Қоидаларга асосланган тартиб халқаро қонундан бошқа нарсадир. У халқаро қонун доирасидан ташқаридаги муқобил тизим бўлиб, халқаро қонунга қарши чиқади ва унга хавф солади». Гарвард университетининг халқаро муносабатлар профессори Стивен Мартин Уолтнинг сўзларига кўра, Қўшма Штатлар «қачонки қоидалар ноқулай бўла бошласа, уларни менсимасликка, четлаб ўтиш ёки қайта ёзишга» доим тайёр. Россиянинг стратегик режалаштириш ва прогнозлаш институти директори Александр Гусев шундай дейди: «Қўшма Штатлар «қоидаларга асосланган дунё тартиби» атамаси таърифини атайлаб ноаниқ сақлайди. Чунки бу қоидалар қанчалик ноаниқ бўлса, АҚШнинг уларни исталган вақтда манипуляция қилиш имконияти ортади». Лейден университети профессори Дугард айтади: «БМТ уставига ҳамда иккинчи жаҳон уруши тугаганидан бери ривожланиб келган халқаро қонунга асосланган халқаро тартиб Қўшма Штатлар чақираётган аморф (ноаниқ, шакли йўқ) ва камситувчи қоидаларга асосланган тартибдан кўра тинчлик учун ишончли йўлдир».

Иккинчи жаҳон урушидан кейин фақат битта халқаро тартиб, яъни халқаро қонунга асосланган халқаро тартиб ва ягона қоидалар тўплами мавжудлиги кенг эътироф этилган. Бу қоидалар БМТ уставининг мақсад ва тамойилларига асосланган халқаро муносабатларни тартибга солувчи асосий нормалардир. Ушбу шартномалар ва тарихий ҳужжатларда «қоидаларга асосланган тартиб» ҳақида ҳеч қандай гап йўқ.

Бу атама XX асрнинг 80-йилларида матнларда пайдо бўлиб, XXI асрнинг биринчи ўн йиллиги бошидан ўрталаригача бўлган даврда қўллана бошлади. Ўша даврда унинг қўлланиши қисман ва 2003 йилдаги Ироқ босқинига – айниқса, уруш БМТ ваколатисиз бўлгани сабабли – жавобан бўлди. Ироқ уруши бундай атаманинг Қўшма Штатлар томонидан ўйлаб топилгани

сабабига аниқлик киритувчи классик мисолдир. Қўшма Штатлар бу орқали халқаро ҳамжамиятни чалғитишга ва халқаро қонун чекловларидан халос бўлишга уринди. АҚШ ҳукумати ўз ички қонунчилигини халқаро қонундан устун қўйиш ва халқаро қоидаларни ўзи хоҳлаганча танлаб қўллаш анъанасига эга.

«The Nation» журнаliga кўра, Ҳазога қарши Қўшма Штатлар иштироки ва кўмагида (Исроил) бошлаган уруш халқаро қонун билан «қоидаларга асосланган дунё тартиби» ўртасидаги фарқни намоён қилди.

Яҳудий вужудига Байден берган яшил чироқ «қоидаларга асосланган дунё тартиби»нинг қонунийлигига шубҳа уйғотади ва бу тартибнинг аслида нима эканига аниқлик киритади. Бир қарашда, «қоидаларга асосланган дунё тартиби» «халқаро қонун»га ўхшаб кўринади. Аммо, аслини олганда, у Америка гегемонлигининг имтиёзлари билан биргаликда «халқаро қонун»га альтернативадир. Ушбу тартиб асосида Россия муайян ҳаракатлари учун жазоланса, бу иккиюзламачи эмас. Аммо, бундай ҳаракатлар яҳудий вужуди томонидан амалга оширилса, Америка буни истисно қилади.

Яна ҳам аниқроқ бўлиши учун: аксарият ҳолларда АҚШ ҳукумати ичида ва ташқарисида кўпчилик «қоидаларга асосланган дунё тартиби» атамасига халқаро ҳуқуқнинг синоними сифатида ёндашади. «Қоидаларга асосланган дунё тартиби» тарафдорлари, агар халқаро қонун Қўшма Штатларга хизмат қилса, ундан фойдаланишни ёки уни олқишлашни айб ҳисоблашмайди. Масалан, Халқаро жиноят суди Владимир Путинни Украинада уруш жиноятларини содир этгани учун қамоққа олишга ҳаракат қилганида шундай бўлди. Аммо Қўшма Штатлар ҳеч қачон ўзини Халқаро жиноят суди ихтиёрига топширмайди. Президент Жорж Буш даврида Қўшма Штатлар судни ташкил этишга асос бўлган Рим статутидан ўз имзосини қайтариб олган. Президент Дональд Трамп даврида АҚШнинг Афғонистон урушидаги ҳарбий жиноятлари юзасидан тергов бошлаган Халқаро жиноят суди прокурорлари оилаларига нисбатан санкция жорий қилган. Қоидаларга асосланган дунё тартиби шундай ишлайди. У халқаро қонун механизмларини алмаштирмайди, аксинча, уларнинг ёнига тушунтириш белгиларини қўяди. Қоидалар АҚШ душманлари

учун мажбурий бўлиши мумкин. Аммо АҚШ ва унинг малайлари ундан чиқиб кета олади.

Охириг шунга ўхшаш воқеада Халқаро жинойт суди прокурори Биньямин Нетаняху ва Йоав Галантни уруш жинойтлари ва инсониятга қарши жинойтлар содир этганликда айблаб, ҳибсга олиш учун ордер беришни сўраган. Лондондаги SOAS университетининг инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро қонун профессори Лутс Оетте 2024 йил 24 майда The Guardian газетасига берган интервьюсида: Халқаро жинойт суди томонидан берилган ҳибсга олиш ордери мустамлакачиликка қарши қадам ўрнидадир, деди. Профессорнинг айтишича, Қўшма Штатлар ўз реакциясида «императорлик услуби»га қайтган. «Қўшма Штатлар Халқаро жинойт судининг Владимир Путинни халқаро жинойтларни содир этишда айблаб ҳибсга олиш тўғрисида 2023 йил март ойида чиқарган қарорини олқишлаган эди. Энди эса, Халқаро жинойт суди сўровини «иснодли» деб атамоқда. «Чунки Халқаро жинойт судининг ҳаракатлари Қўшма Штатлар манфаатларига мос келмаганида, унинг реакцияси одатий душманлик характерида бўлди». Профессор хулоса қилиб шундай деди: «Халқаро ҳуқуқ ва нормаларда дунё узоқ вақтдан бери ҳукмронликни сақлаб қолиш учун зўравонлик қўллашни оқлаб келади. Аммо бундай империял ва мустамлакачилик ёндашувларни тўхтатиш вақти келди».

Ҳозир бутун дунё яҳудий вужудининг Ҳазони Американинг дипломатик ёрдами ва қуроллари билан йўқ қилаётганини кўрмоқда. Бу билан Байден ва Нетаняху «қоидаларга асосланган дунё тартиби»нинг ҳақиқатини, яъни қонун остида эркинлик дунёси эмас, балки оммавий қабрлар учун қабристон эканини очиқ кўрсатиб қўйди.

«Қоидаларга асосланган дунё тартиби» тушунчаси қандай пайдо бўлган?

«Қоидаларга асосланган дунё тартиби» тушунчаси Совет Иттифоқи парчаланганидан кейин пайдо бўлди. Қўшма Штатлар бир қутбли дунё абадий қолади ва у бошқа давлатларнинг манфаатлари ва фикрларини эътиборсиз қолдириши мумкин деб ўйлади. Бир гуруҳ америкалик тадқиқотчи ва расмийлар 2006 йил Принстон университетида «қонун остидаги эркин дунё» номли тадқиқот ишини тақдим

етишди. Улар халқаро институтлар «эркин дунё» афзал кўрган натижаларни амалга ошира олмаслиги мумкинлигини баҳона қилиб, буни халқаро қонуннинг заиф томонларига реакция сифатида ифода этишди. Чунки «жамоавий ҳаракатларга имкон бериш учун либерал демократияларга муқобил клуб» мавжуд бўлиб, амалда бу клуб кўпинча Оқ уй эди.

2011 йилги Ливия инқирозида Қўшма Штатлар ва унинг иттифоқчилари Муаммар Қаззофийни ағдариш учун парвозлар таъқиқланган ҳудудни жорий қилишда Хавфсизлик Кенгашининг ваколатидан фойдаланишди. Шунингдек, АҚШ кучлари Сурия шарқида, халқаро ҳуқуқда уларнинг иштирокини оқловчи ҳеч бир сабаб бўлмагани ҳолда, саккиз йилдан ортиқ вақт давомида фаолият юритиб келмоқда.

Қўшма Штатлар ва унинг иттифоқчилари жавобгарликдан қочиш учун фойдаланаётган «қоидаларга асосланган тартиб» халқаро қонун тушунчасини тубдан бузади. АҚШдаги сиёсий қарор қабул қилувчилар Қўшма Штатлар глобал куч сифатида эга бўлган имтиёзларни мустаҳкамлаш учун бу назариядан фойдаланишади. Халқаро қонуннинг ваколат ва қоидалари улар ўрнатган қоидаларга мос келса, Вашингтон уларни синоним деб ҳисоблайди. Россия 2022 йил февралда Украинага қарши уруш бошлаганидан сўнг, давлат котиби Блинкен «БМТ устави асослари ва бутун дунё бўйлаб барқарорликни таъминловчи «қоидаларга асосланган дунё тартиби»нинг хавф остида қолишидан огоҳлантирди. Аммо Қўшма Штатларнинг манфаатлари халқаро қонундан узоқлашганда, фақат «қоидаларга асосланган тартиб» кучга киради.

Ҳазога қарши уруш «қоидаларга асосланган тартиб» тушунчасини аниқ кўрсатиб қўйди: «2024 йил 25 мартда БМТ Хавфсизлик Кенгаши Ҳазодаги урушни зудлик билан тўхтатишни талаб қилган резолюция қабул қилди. Ҳужжатни 14 давлат қўллаб-қувватлаган, АҚШ бетараф қолган. Резолюция қонуний кучга кирган ҳужжатга айланди. Овоз беришдан кўп ўтмай, Байден маъмурияти вакили 2728-сонли резолюциянинг халқаро қонун мақомини инкор этишга уриниб, уни «мажбурий эмас» деб атади. Аниқки, халқаро қонун яҳудий вужудининг Ҳазода қилаётган ишларига қарши чиқади. 2728-сонли қонун лойиҳаси қабул қилинганидан сўнг, БМТнинг босиб олинган Фаластин ҳудуди бўйича махсус маърузачиси Франческа

Альбанезе аъзо давлатларга яҳудий вужуди Халқаро суд буюрган мажбурий чораларга риоя қилмагани учун унга «дарҳол» қурол эмбаргоси жорий этишни тавсия қилди. Юқорида тилга олинган резолюция қабул қилинганидан сўнг Оқ уйнинг Миллий хавфсизлик бўйича матбуот котиби Жон Кирби Американинг яҳудий вужудига қурол етказиб бериши ва сотишига ҳеч нарса таъсир қилмаслигини айтди. Давлат департаменти «(Исроилликлар) томонидан халқаро гуманитар ҳуқуқни бузган воқеалар бўлмаган»ини маълум қилди ва кейинроқ буни Оқ уй тасдиқлади.

Шу муносабат билан Нью-Йорк Таймс газетасининг жорий йилнинг 10 апрелидаги мақоласида қуйидагича хулоса қилинади: «Ҳеч қандай натижа бермаган 2728-сонли резолюция «қоидаларга асосланган дунё тартиби»нинг, яъни Қўшма Штатлар уни қуриш ва сақлашга интилаётган дунё тартибининг таназзулга юз тутган даври сифатида эсда қолиши мумкин». Ҳазо халқаро қонундан ташқарида бўлган дунёда энг кучсизлар энг кўп жабр кўраётганини эслатувчи даҳшатли эслатмадир. Воқеаларнинг бундай тус олишини Хитойнинг БМТдаги доимий вакили аниқ тасвирлаб берди. У Американинг баёноتلари ва ҳаракатларини «БМТ Хавфсизлик кенгашининг доимий аъзоси мақомига тўғри келмайди», деб таърифлаб, Вашингтоннинг Хавфсизлик Кенгаши нуфузига путур етказётганини айтди.

Америка илгари сураётган «қоидалар» тартиби дунё устидан ҳукмронлик қилиш воситасидир

Эҳтимол, Жанубий Африкалик халқаро қонун ва инсон ҳуқуқлари бўйича мутахассис Жон Дугарднинг Кембридж университети чоп этган тадқиқоти халқаро қонун ва «қоидаларга асосланган дунё тартиби» тафсилотларини ёритиб берар.

2022 йил 2 июнда Нью-Йорк Таймс газетасида президент Байденнинг «Америка Украинага қандай ёрдам беришни хоҳлайди» номли мақоласи чоп этилди. Унда у Россиянинг Украинадаги ҳаракатлари «қоидаларга асосланган дунё тартибининг тугашини кўрсатиши ва бутун дунё бўйлаб фожиавий оқибатларни олиб келиш билан бир қаторда, бошқа жойларда агрессияга йўл очиши мумкин»лигини маълум қилди ва халқаро қонун ҳақида ҳеч нарса айтмади.

Кейинчалик, 2022 йил июн ойида Мадридда бўлиб ўтган НАТО саммити якунида ўтказилган матбуот анжуманида у Россия ва Хитойни дунёдаги демократик давлатларнинг «қоидаларга асосланган тартибни ҳимоя қилишини» айтиб огоҳлантирди. Бунда ҳам халқаро қонунни тилга олмади. 2022 йил 12 октябрда АҚШ президенти Миллий хавфсизлик стратегиясини эълон қилди. Бу стратегия «қоидаларга асосланган дунё тартиби»нинг «глобал тинчлик ва фаровонлик» асоси эканига қайта-қайта ишора қилади.

Профессор Жон Дугард қуйидаги савол йўллайди: «Совуқ уруш туганидан бери Американинг сиёсий етакчилари «халқаро қонун» ўрнига илгари сураётган «қоидаларга асосланган дунё тартиби» деган нарса нима ўзи? Бу Европа раҳбарлари ўйлагандек «халқаро қонун» билан синонимми? Ёки у бошқа нарсами?»

Дугард Кембридж университети чоп этган мақоласида Қўшма Штатларнинг «халқаро қонун» таърифиغا риоя қилишдан кўра, «қоидаларга асосланган дунё тартиби»га мурожаат қилиши сабабларини қуйидагича белгилайди:

Биринчи: Америка Қўшма Штатлари халқаро қонуннинг асосий хусусияти бўлган бир қатор муҳим кўп томонлама шартномаларнинг иштирокчиси эмас. У денгиз ҳуқуқи бўйича конвенцияга аъзо эмас. Шунинг учун у Хитойга жанубий Хитой денгизида халқаро қонунга эмас, балки «қоидаларга асосланган дунё тартиби»га таҳдид солгани учун танбеҳ беришга мажбур. У халқаро гуманитар ҳуқуқни тартибга солган асосий шартномалар, жумладан, уруш қоидалари тўғрисидаги Женева конвенциясига қўшимча 1977 йил протоколлари, Халқаро жиноят судининг Рим статuti, кассетали ўқ-дорилар конвенцияси, пиёдаларга қарши миналарни тақиқлаш конвенцияси (Оттава шартномаси) каби бир қатор конвенцияларга аъзо эмас. Шунингдек, у бола ҳуқуқлари ёки ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг аъзоси эмас. Қўшма Штатлар бу қоидаларни одатий халқаро қонуннинг бир қисми деб ҳисобламайди.

Иккинчи: Қўшма Штатлар куч ишлатиш ва халқаро гуманитар ҳуқуқни бузишни оқлайдиган талқинларни ишлаб чиқди. Унинг террорчиларга қарши олдиндан зарба бериш ва куч ишлатиш имконини берувчи ўзини-ўзи ҳимоя қилиш ҳуқуқи

ҳақидаги талқини кенг доирада баҳсли бўлган масала. 1999 йил НАТО ҳомийлиги остида Белграднинг бомбардимон қилинишида бўлгани каби инсонпарварлик аралашувининг бир шакли сифатида куч ишлатишга мурожаат қилиш ҳам мунозарали масала. 2003 йил Ироқда ва 2011 йил Ливияда куч ишлатишга рухсат берган Хавфсизлик Кенгаши резолюциялари бўйича Қўшма Штатлар ва Британия томонидан ишлаб чиқилган талқинлар режимни ўзгартиришга қаратилган ноқонуний баҳона сифатида кўп танқид қилинди. 2002 йил АҚШ Афғонистонга бостириб кирганидан сўнг Гуантанамо қамоқхонасида сақланган Толибон аскарларига ҳарбий асирлар ҳуқуқларининг рад этилиши ҳарбий асирлар билан муомала қилиш тўғрисидаги конвенциянинг 4-моддасини бузгани сабабли саволлар туғдиради. Афғонистон, Ироқ ва Яманда душман жангарилар (террорчилар)ни ўлдириш учун учувчисиз самолётлардан фойдаланишни АҚШ ўзини-ўзи ҳимоя қилиш деб оқлагани халқаро гуманитар ва инсон ҳуқуқлари қонунларининг бузилиши сифатида танқид қилинди.

Учинчи: Қўшма Штатлар яҳудий вужуди каби айрим иттифоқчи давлатларни халқаро қонунни бузгани учун жавобгарликка тортишни истамайди. Бунга манфаатларни жавобгарликсиз амалга ошириш имконини берадиган эксклюзив ҳолат деб қаралади. Қўшма Штатлар бу эксклюзивликни (истиснони) президент Байденнинг 2022 йил июл ойида яҳудий вужудига ташрифи чоғида яҳудий вужуди билан берган қўшма баёнотида аниқ билдирди. Ушбу мажбурият нима учун Қўшма Штатларнинг яҳудий вужудини қайта-қайта гуманитар ҳуқуқни бузгани учун жавобгарликка тортишдан, унинг ишини Халқаро жиноят судида кўриб чиқишдан ва уни Ҷазо секторига ҳужум қилгани учун қоралашдан доим бош тортиб келаётганини изоҳлайди.

Тўртинчи: Россия, Хитой ва Ҷарб ўртасидаги «қоидаларга асосланган дунё тартиби» бўйича ҳуқуқий мунозара: Ҷарб Россияга, сўнги пайтларда, Хитойга ҳукмини ўтказишда ушбу «қоидаларга асосланган тартиб»дан фойдаланди. Россия Ҷарбни халқаро қонунни ҳурмат қилишдан воз кечиб, «қоидаларга асосланган дунё тартиби»га оёқ тираб олганликда айблайди. Қўшма Штатлар эса, Россиянинг хатти-ҳаракатларини ушбу тартиб асосида баҳолайди. Бошқа

томондан, Хитой ташқи ишлар вазири Ван И 2021 йил май ойида Хавфсизлик Кенгашида шундай деди: «Халқаро қоидалар халқаро қонунга асосланиши ва ҳамма томонидан ёзилиши керак. У патентланган ёки саноқли давлатларнинг имтиёзи эмас. Шунингдек, у барча мамлакатларга тегишли бўлиши керак».

Бешинчи: «Қоидаларга асосланган дунё тартиби» асосланган қоидалар.

«Қоидаларга асосланган дунё тартиби» халқаро қонундан бошқа нарса. У халқаро қонун доирасидан ташқаридаги альтернатива тартиб бўлиб, халқаро қонунга қарши чиқиши ва унга хавф солиши аниқ. «Қоидаларга асосланган дунё тартиби»ни ташкил этган қоидалар ҳали аниқ белгиланмаган. Унга баъзи Ғарб давлатлари, хусусан, Қўшма Штатлар қўллаб-қувватлайдиган рақобатчи тартиб деб қаралиши ҳам мумкин. Чунки Қўшма Штатлар халқаро қонуннинг Ғарб, хусусан, Америка манфаатларига тўғри келадиган талқинини жорий этишга интилмоқда.

Ушбу муқаддималардан ҳамда сиёсатчилар ва ҳуқуқшуносларнинг халқаро қонун деб аталган, шунингдек, халқаро қоидаларга асосланган тартиб номи остида содир бўлган ҳодисалар ва ҳуқуқбузарликлар ҳақидаги фикрларининг баҳс-мунозараларидан қуйидагилар аниқ бўлади:

– Халқаро қонун ҳам, «қоидаларга асосланган дунё тартиби» ҳам, шунингдек, унинг халқаро ва глобал тармоқлари ҳам ёлғон ғоя ва алдамчи кўринишлардан бошқа нарса эмас. Улар рақобатчи давлатлар устидан ҳукмронлик қилиб, уларни назорат қилиш, ривожланаётган ва заиф давлатларни, шунингдек, мустамлакачи кофир Ғарб давлатларига бўйсунган – хусусан, мусулмон юртлардаги – малай давлатларни талон-тарож қилиш услубларидир.

– Дунё тартиби Германиянинг 1945 йилдаги мағлубиятидан кейин пайдо бўлган деб даъво қилинади. У ўлик туғилган чақалоққа ўхшайди. Иттифоқчилар ўзларининг ҳарбий жиноятчиларини, жумладан, Европа ва Япония шаҳарларини бомбардимон қилганларни ҳамда тинч аҳолини оммавий қирғин қилганларни қутқариб қолишди. Урушдан сўнг, иттифоқчилар 12 миллиондан ортиқ немис тинч аҳолини

уйларидан қувиб чиқариб, уларни мажбуран кўчиришганида, ярим миллион киши ҳалок бўлди ва ҳеч ким жазоланмади.

– Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Британия ва Франциянинг Яқин Шарқни мустамлака қилишига рухсат берган Миллатлар Лигасининг маҳсулидир. Ҳатто Лиганинг асосий принципи халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаши керак бўлган пайтда ҳам мусулмон юртлар парчаланишдан азият чекди ва бугунги кунгача азият чекмоқда.

– Бугунги кунда қоидалар деб номланган нарса ҳар доим хизмат қилиб келган мақсаднинг айни ўзига, яъни қудратли давлатлар мустамлакачилиги ва гегемонлигини оқлашга хизмат қилишда давом этмоқда. Қоидаларга асосланган дунё тартиби Америка ва унинг иттифоқчиларининг куч ва гегемонлик сиёсатини ифодалашдан бошқа нарса эмас. Американинг ўзи ҳар доим бу қоидаларга амал қилмайди. Кучлиларнинг қоидалар ўрнини эгаллаши мумкин бўлган истаклари энди ўз-ўзидан қоиданинг бир турига айланди. Бу истаклар ҳамиша инсоний тилда ифодаланган.

– Ҳамма жойда одамлар раҳбарлар томонидан таҳқирланиб алданади. Бу раҳбарлар халқаро қоида ва қонунларнинг етарли даражада ҳукмрон куч ва ўлдирувчи қуролга эга бўлганлар учун ҳар доим ихтиёрий эканлигини тан олиш ўрнига, уларни бузишда рақобатлашишади.

– Халқаро вазият устидан биринчи давлат ҳукмронлик қилаётган ва рақобатлашувчи кўп қутбли кучлар бўй кўтараётган бир вақтда ҳозирги халқаро қонунлар – уларнинг асоси қандай бўлишидан қатъий назар – фойдага асосланган капиталистик низомнинг дунёдаги ҳукмронлиги остида экан, фақат адолатсизлик, рақобатчи давлатлар ўртасидаги урушлар ва заиф давлатлар ҳуқуқларининг бузилиши кучаяди.

– Ҳеч шубҳа йўқки, АҚШ маъмурияти «қоидаларга асосланган дунё тартиби» ҳақида қайта-қайта гапириб, бир қатор мақсадларга эришишга интилмоқда. Уларнинг энг муҳимлари: иттифоқчи ва ҳамкорларини ўз байроғи остида Россия ва Хитойга қарши эҳтиёт чораси сифатидаги курашга сафарбар қилиш учун катта халқаро баҳонани яратиш. Чунки унинг фикрича, Россия ва Хитой асосидан нуқсонли бўлган халқаро тартибни бузишга ва глобал барқарорликни издан чиқаришга ҳаракат қилмоқда. Келажакда қарама-қаршиликлар

муқаррар бўлса, халқаро коалицияга кирадиган барча давлатларнинг итоат қилишини таъкидлаш ва ҳозирги бир қутбли халқаро тартибни қайта тиклаш. Чунки бу тартиб Америка гегемонлигини ҳамда ҳозирги ғарб тамойиллари ва кадриятларининг тўла етакчилигини таъминлайди.

Халқаро қонун тушунчаси ва қоидалари, шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг тармоқлари томонидан бу қонун дунёга жорий қилинганидан бери у келтириб чиқарган натижалар чуқур ўрганиладиган бўлса, унинг ўз-ўзидан нуқсонли, яроқсиз ва адолатсиз эканлиги маълум бўлади. Чунки қонун меъёрий ҳукмлар бўлиб, уларни ҳукмдор ижро қилади. Хўш, ушбу хаёлий ва фаразий халқаро ҳукмдор қани?! Агар биз уни халқаро миқёсдаги куч ва нуфуз соҳиби деб ҳисоблаганимизда ҳам, у муқаррар равишда қонунни ўз манфаатларига мувофиқ ижро қилади. Бунинг ортидан унинг қонунлик сифати ва унинг ижросини таъминловчи механизм йўқолади. Халқаро миқёсда бу имконсиз. Чунки БМТ Хавфсизлик Кенгашидаги йирик давлатлар, агар ҳуқуқ ва қонун уларнинг ва улар билан иттифоқчи бўлган давлатларнинг манфаатларига қарама-қарши келса ёки уларнинг манфаатларига хавф солса, бу қонунни ҳимоя қилишмайди. Қўшма Штатларнинг керак бўлганда халқаро қонундан бошқа нарсага амал қилиши ва уни «қоидаларга асосланган дунё тартиби» деб аташининг сабабларидан бири ҳам шу.

Аниқроқ ўрганиб чиқиш орқали биз шундай хулосага келдикки, дунёга халқаро ҳамжамият ва халқаро қонун иллюзияси ҳукмронлик қилганидан бери, у доим машаққатли ҳаёт кечирмоқда. Давлатлар ўртасидаги алоқаларни мустамлакачи ғарб давлатлари ўз манфаатларига эришиш учун фойдаланадиган қонун эмас, балки давлатлар ўртасидаги келишувлар тартибга соляпти. Бугунги кунда одамлар инсон табиатига мос адолат ва раҳм-шафқатни берувчи янги дунё тартибига жуда муҳтож. Бу янги дунё тартиби инсониятнинг ўз Яратувчиси ва шариат билан руҳий алоқасини тиклайди. Шариат қонунлари одамларни капитализм зулматидан ва тоғут қонунлар зулмидан Ислом нури ва раҳматига олиб чиқади.

Исломда халқаро қонун деган нарса йўқ. Халифалик давлати халқаро қоидалар деб аталган нарса асосида ташкил бўлган

ушбу халқаро ташкилотларнинг ҳеч бирига аъзо ёки иштирокчи бўлмайдди. Мажбурийлик сифатига ва ўз аҳкомларини амалга ошириш учун кучга эга бўлмаган қонун қандай бўлиши мумкин? Тўғрироғи, Ислом ақидаси ва унинг аҳкомларига бутунлай зид бўлган халқаро қонун қандай бўлиши мумкин? Ислом давлатининг вазифаларидан бири динни ҳаётдан ажратиш тушунчаларига зид бўлган Ислом рисолатини ёйишдир. Маълумки, динни ҳаётдан ажратиш тушунчалари қонунчиликни инсон қўлига топширадиган демократиянинг ҳамда шариат аҳкомларига риоя қилишга зид бўлган эркинлик тушунчаларининг ҳимояси остидадир. Халқаро қонун Исломий даъват манфаати ва унинг тарқалишига, бинобарин, ер шари халқлари манфаатига зиддир. Халқаро қонун Ислом ақидасига ва шу ақидадан балқиб чиққан Ислом низомига асосланган пайғамбарлик минҳожиди асосидаги рошид Халифалик давлатининг барпо бўлишига йўл қўймаслик учунгина яратилган.

Шунга кўра, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва халқаро қонундан, шунингдек, бошқа халқаро қонунлардан ҳукм сўраш тоғутдан ҳукм сўрашдир. Чунки Аллоҳнинг шариатидан бошқа ҳар қандай шариат тоғутдир. Қолаверса, улардан ҳукм сўраш мусулмонлар учун бирон бир мақсад ва манфаатнинг рўёбга чиқармайди. Шунинг учун малай ҳукмдорларнинг ўз масалаларини ҳал қилишни сўраб халқаро қонунга – масалан Фаластин масаласи борасида икки давлат ечими ёки Ҳазодаги уруш ва оммавий қирғинни тўхтатиш учун «халқаро қонун» асосига қурилган ташкилотларга мурожаат қилиш каби – мурожаат қилишлари мустамлакачи Ҳарбга бўйсунуш ва ҳақиқий ечимдан ожизликдан бошқа нарса эмас. Ҳақиқий ечим эса мусулмонлар юртлари, уларнинг бошида Фаластинни амалда озод қиладиган ҳарбий қувватни ишга солишдан иборат.

Мусулмонлар Ҳазога қарши урушни чекланган тарзда тўхтатиш ҳақида Халқаро суд томонидан чиқарилган, уларни ёзиш учун сарфланган сиёҳчалик ҳам қадрга эга бўлмаган қарорларга алданмасликлари ва хурсанд бўлмасликлари керак. Халқаро жинойт суди прокурори томонидан яҳудий етакчиларига нисбатан ҳибсга олиш ордери чиқарилганига ҳам алданиб қолмасликлари керак. Дарҳақиқат Қўшма Штатлар бу

ордернинг ортидан уни инкор қилиб, унинг мажбурий эмаслигини айтиб чиқди. Шунинг учун халқаро қонунга фақат содда, гўл ёки ўз дини ва умматига хоин қўрқоққина эргашади. Чунки Ислом фатҳлари ва одамларни зулматлардан нурга олиб чиқиш халқаро қонунлар билан амалга ошган эмас. Балки Исломий давлат Ислом аҳкомларини татбиқ этиш учун олиб борган жиҳод ва даъват билан амалга ошган. Ушбу Исломий давлатда мусулмонларнинг душманлари мусулмонлар ерларининг бир қаричи устида ҳам савдолаша олишмайди ва бу давлатда етакчилик фақат шариат ва Аллоҳ Таолонинг буйруқлариники бўлади.

﴿أَلَمْ تَرَ إِلَى الَّذِينَ يَزْعُمُونَ أَنَّهُمْ ءَامَنُوا بِمَا أُنزِلَ إِلَيْكَ وَمَا أُنزِلَ مِن قَبْلِكَ يُرِيدُونَ أَن يَتَحَاكَمُوا إِلَى الطَّاغُوتِ وَقَدْ أُمِرُوا أَن يَكْفُرُوا بِهِ ۗ وَيُرِيدُ الشَّيْطَانُ أَن يُضِلَّهُمْ ضَلَالًا

بَعِيدًا﴾

«(Эй Муҳаммад), ўзларини сизга нозил қилинган нарсага (Қуръонга) ва сиздан илгари нозил қилинган нарсаларга иймон келтирган деб ҳисоблайдиган (айрим) кимсаларнинг шайтонга ҳукм сўраб боришни исташаётганини кўрмадингизми? Ҳолбуки, уларга унга ишонмаслик буюрилган эди. (Чунки) шайтон уларни бутунлай йўлдан оздиришни истайди»

[Нисо 60] □

ИСЛОМ УММАТИ ИСЛОМИЙ ШАРИАТГА АМАЛ ҚИЛИШ ЁКИ ХАЛҚАРО УЮШМА ВА ФЕМИНИСТИК ТАШКИЛОТЛАР ОРТИДАН ЭРГАШИШ ЎРТАСИДА

**Рано Мустафо
Ҳизб ут-Таҳрирнинг марказий матбуот
бўлими аёллар қаноти аъзоси**

Секуляр Ғарб жамиятларида ноанъанавий ғояларни қабул қилган феминистик ва маскулистик (эркаклик) ҳаракатлар пайдо бўлди. Улар қабул қилган бу ғоялар ўз эгаларининг шахсий эркинликлардан фойдаланишга бўлган табиий ҳуқуқига асосланади. Бу ғояларга кўра, бу табиий ҳуқуқ диний ва ахлоқий қадриятлардан устун туради. Чунки бу қадриятлар эркинликларни чеклаб, инсонни унинг эркинлигига тўсиқ бўладиган чекловлар билан боғлаб қўяди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг хотин-қизлар ва оила қўмитаси бу ноанъанавий ғояларни қабул қилди. Бу ғоялар ҳақида гапириш ва уларга очиқ тарғиб қилиш, айниқса, сўнгги ўн йил ичида оддий ишга айланди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг собиқ бош котиби Пан Ги Мун 2013 йил 17 майда Халқаро гомофобияга қарши кураш куни муносабати билан Голландиянинг Гаага шаҳрида бўлиб ўтган халқаро форумда сўзлаган нутқида: «Гомосексуализмга нисбатан нафратга қарши кураш барча инсонлар ҳуқуқларини мустаҳкамлашга қаратилган курашимизнинг бир қисмидир», деди.

Ғарб ўзининг халқаро ташкилотлари орқали бутун саъй-ҳаракатларини сарфлаб, ўзининг ноанъанавий ғоялари ва сақофатини экспорт қилишга уринмоқда. У кенг кўламли ва мақсадли дастурлари билан жамиятларимизни нишонга олган ҳолда, авлодлар тарбиячиси ва уларни масъулиятни кўтаришга тайёрловчи бўлган аёлнинг исломий тушунчаларини ўзгартириш орқали мусулмон оилани йўқ қилиш устида ишламоқда. Аёлнинг бағрида Ғарб стандартлари ва унинг шарт-шароитларига мос авлодларни етиштириб чиқариш учун «бу мактаб»ни бузишга ва унинг ғояларини булғашга доимий уринишлар қилинмоқда. Шу мақсадда 1979 йилги «CEDAW конвенцияси» ва 2011 йилги «Аёлларга нисбатан зўравонликка қарши Истанбул конвенцияси» каби конвенциялар тайёрланди. Шунингдек, 1993 йилги «БМТнинг аёлларга қарши

зўравонликка барҳам бериш тўғрисидаги декларацияси» каби гомосексуализм маданиятини қонунийлаштирадиган халқаро декларациялар тақдим этилди.

Бундай конвенцияларни мустаҳкамлаш, уларни ижро қилиш ва амалга ошириш устида ишлаш учун хотин-қизларга бағишланган бир қатор конференциялар ҳам ўтказилди. «Халқаро хотин-қизлар йили» деб эълон қилинган 1975 йили Мехико шаҳрида бўлиб ўтган конференция бундай конференцияларнинг биринчиси бўлди. Унда тенглик, тараққиёт ва тинчликка чақирилди. Шундан сўнг 1980 йили хотин-қизларга бағишланган Копенгаген конференцияси, 1985 йили Найроби конференцияси ва 1994 йили Қоҳирада Аҳоли ва тараққиёт конференцияси бўлиб ўтди. Қоҳира конференцияси ҳисоботида жинсий ва репродуктив саломатлик хизматлари таъминланишига, жумладан, туғилишни назорат қилишга чақирилди. 1995 йилги Пекин конференцияси ва 1999 йилги Голландия конференциясида эркак ва аёл ўсмирлар учун гомосексуализм, хавфсиз аборт ва зинога руҳсат берилди.

Ушбу халқаро конференциялардан минтақавий конференциялар келиб чиқди. Уларнинг ҳар бирида аёллар ва оммавий ахборот воситалари, аёллар ва таълим, аёллар ва оила, аёллар ва тараққиёт, аёлларнинг иқтисодий имкониятларини кенгайтириш каби оила бутунлиги ва жипслигининг бир қисми, ҳатто пойдевори бўлган аёлни адаштиришга қаратилган мавзулар муҳокама қилинди. Биз «гендер» тушунчасига эътиборини қаратган ЮНИСЕФ, ЮНЕСКО ва ЮНИФЕМ каби турли ташкилотларни ҳам унутмаймиз. Ҳолбуки, «гендер» тушунчаси гомосексуализмга, эркак ва аёл ўртасини мутлақ тенглаштиришга, улар ўртасидаги туғма ва ҳатто биологик фарқларни йўқ қилишга чақириқ ҳисобланади. Шунингдек, бу Аллоҳ Таолонинг:

﴿يَا أَيُّهَا النَّاسُ إِنَّا خَلَقْنَاكُمْ مِنْ ذَكَرٍ وَأُنْثَى﴾

«Эй инсонлар, дарҳақиқат, Биз сизларни бир эркак (Одам) ва бир аёл (Ҳавво)дан яратдик» [Нисо 1]

деган сўзини инкор этишдир.

Ушбу ташкилотлар, уюшмалар ва конференцияларнинг барчаси Халқаро Валюта Фонди, Халқаро Банк ва Халқаро

Амнистия ташкилоти томонидан сахийлик билан берилган маблағдан улуш олади.

﴿مَا يَوْدُ الَّذِينَ كَفَرُوا مِنْ أَهْلِ الْكِتَابِ وَلَا الْمُشْرِكِينَ أَنْ يُنَزَّلَ عَلَيْكُمْ مِنْ خَيْرٍ مِنْ رَبِّكُمْ﴾

«На аҳли китоблар (яхудий ва насронийлар)дан бўлган кофирлар ва на мушриклар сизга Парвардигорингиз тарафидан бир яхшилик тушишини исташмайди» [Бақара 105]

Ушбу халқаро ташкилотларнинг аҳволи, сўзлари ва ишларини кузатган ҳар бир киши шуни аниқ тушуниб етадики, улар дунёдаги халқаро вазиятни назорат қилиб турган Америка бошчилигидаги буюк давлатлардан мустақил эмас. Улар мустамлакачи капиталистик давлатлар томонидан молиявий ва сиёсий жиҳатдан қўллаб-қувватланадиган ташкилотлардир. Бу давлатлар мусулмон юртлардаги халқларни секулярлаштириш, уларни динидан ва дин аҳкомларидан бегоналаштириб, буриб юбориш учун ушбу ташкилотлардан фойдаланадиган, шунингдек, бу ташкилотлар қарорлари уларнинг халқаро манфаатларига хизмат қилиши учун уларни назорат қиладиган давлатлардир.

Мана, Америка барча қадриятлар, тамойиллар, ахлоқ ва инсон табиатига зид, шунингдек, барча қонунлар ва самовий динларга қарши қадамни ташлаб, Оқ уй тарихидаги энг катта байрамда президент Жо Байден тили билан ўзининг «гей миллати» эканлигини эълон қилди. Шунингдек, ушбу байрам пайтида Оқ уйда ЛГБТ байроғи кўтарилди.

Американинг бундай позицияси янгилик эмас. Чунки АҚШнинг собиқ президенти Билл Клинтон 1999 йил ҳар йилнинг июн ойини гей-прайд (гей-фахри) деб эълон қилиб, бутун бир ойни «ЛГБТ ҳамжамияти» деб номланган байрамларга бағишлаган эди. Президент Обама ҳам гейларни кўпроқ қўллаб-қувватлашни давом эттириб, гейлар кунини «ғалаба куни» ва «севги куни», деб атади. Энди эса, АҚШнинг амалдаги президенти Жо Байден келиб, Америкада бир жинсли никоҳларга рухсат берган қонунни имзолади.

Американинг, халқаро вазиятга ҳукмронлик қилгани ҳолда, гомосексуализм маданиятини қонуний ва конституциявий йўл билан қабул қилиб, қонунийлаштириши ўзининг халқаро ташкилотлари орқали уни татбиқ этиш бўйича тизимли режа асосида иш олиб бораётганини кўрсатди. Уни фаол ва тайёр

қилган нарса фақат келишувлар бандлари эмас, балки бу ҳақида расмийларнинг очиқ ва сурбетларча гапирган гапларидир. Давлат раҳбарлари ва БМТ бош котибларидан тортиб, мусулмон юртларда фаолият олиб бораётган феминистик ташкилотларгача бу ҳақда гапирди. Айниқса, Америка мусулмонлар ҳаётидан шаръий аҳкомларни, хусусан, соф диннинг баъзи аҳкомларини маълум даражада сақлаб қолган ижтимоий низомга алоқадор аҳкомларни таг-томири билан йўқ қилиш учун олиб бораётган кураши давомида бу ҳақида кўп гапирди.

CEDAW конвенциясининг 2-моддасида: «Динга асосланган қонун ва урф-одатларни истисносиз бекор қилиш ва уларни халқаро қонунлар билан алмаштириш» қайд этилган. Шунингдек, 1993 йил қабул қилинган «Аёлларга нисбатан зўравонликка барҳам бериш» тўғрисидаги Умумжаҳон декларациянинг 4-моддасида қўйидагича келади: «Давлатлар аёлларга нисбатан зўравонликни қоралаши ва уни бартараф этиш мажбуриятидан қутулиш учун ҳеч қандай урф-одат, анъана ёки диний қарашларни баҳона қилмаслиги керак».

Феминистик ҳаракатлар, шунингдек, нодавлат ва нотижорат ташкилотлар саксонинчи йиллардан бошлаб бугунги кунгача бўлган даврда ўсди. У ўз нутқ санъатини инсон ҳуқуқлари, айниқса, аёл ва бола ҳуқуқларига тарғиб қилувчи халқаро нутқ санъати билан уйғунлаштирди. Бу ҳуқуқлар ғарб нуқтаи назари ва капиталистик жамиятлар билан боғлиқ бўлган, шунингдек, аёлларни жалб қилиш, уларни халқаро келишувлар бандларидан келиб чиққан таклиф ва назариялар атрофида бирлаштириш учун гендер ва иқтисодий имкониятларни кенгайтириш каби халқаро стандартлар ва ёндашувларни қабул қилган ҳуқуқлардир.

Ушбу ташкилот ва уюшмаларнинг саъй-ҳаракатлари Шомдан тортиб Ироқ, Марокаш ва Араб кўрфазигача бўлган юртларимизда ғарб маданиятини, яъни «гомосексуализм ва бузуқлик» маданиятини ёйиш учун ягона лойиҳа ва режа асосида бирлашди.

Ҳукмрон режимлар томонидан ушбу халқаро нутқ-мунозаранинг қабул қилиниши ҳамда аёлнинг эркак билан мутлақ тенглигига, шунингдек, уларнинг нуқтаи назарига кўра, глобал иқтисодиётни ривожлантириш ва рағбатлантиришга

катта таъсир қиладиган унинг иқтисодий имкониятларини кенгайтиришга бўлган чақириқ ушбу бузғунчи лойиҳанинг тез ёйилишига ёрдам берадиган ишлардандир.

Ислом сақофати, ахлоқи ва юксак қадриятларини таг-томири билан йўқ қилиб, уларнинг ўрнига CEDAW ва унга ўхшаган конвенциялар маданиятини олиб келиш учун ҳукмрон режимлар барча визуал, аудио ва ёзма оммавий ахборот воситаларини сафарбар қилишди. Таълим-тарбия вазирликлари орқали таълим программалари жорий қилинди ва тадбирлар ўтказилди. Феминистик талаблар қондирилиши учун қонунларга ўзгартиришлар киритилди. Бундан ташқари, «гендер» лойиҳасини қўллаб-қувватлаган барча ҳуқуқий феминистик ташкилотларга моддий ва логистик кўмак кўрсатилди.

Шу асосдан келиб чиқиб, ғарб ташкилотларининг кўрсатмалари ҳукуматлар ва режимларнинг иш-фаолияти билан бирлаштирилди. Кўпчилик фақат бузғунчиликни ёйиш учун ташкил топган феминистик ҳаракат ва бирлашмаларнинг қулига айланди. Натижада, бошида аёлни озод қилишга ва унинг эркак билан тенглигига, кейинчалик жинсни ўзгартиришга ҳамда оиланинг кўплаб турлари ва шаклларига чақирувчи программа ва лойиҳалар пайдо бўлди.

Феминистик ташкилотлар халқаро келишувлар қарорларини зиёлилар ва ғарб сақофати билан суғорилганлар ўртасида мақбул бўлган шиорлар билан, айниқса, аёлни ҳимоя қилиш ва у билан эркак ўртасини ажратишга барҳам бериш шиори билан ўраб, уларни бизга экспорт қилишди. Шунинг учун «гендер тенглиги», «гендер адолати» ва «гендер тури» каби гендерга асосланган атамалар, шунингдек, «бир жинслилар никоҳи», «жинсий ўзгариш», эркак ва аёл ўртасидаги роллар алмашинуви, полиандрия (кўп эрлик), деб номланган тушунчаларни мустаҳкамлаган атамалар пайдо бўлди. Бундан ташқари, самовий шариатлар олиб келган диний қадриятларга, инсон табиатига ва Аллоҳ инсонларни яратган табиий хилқатга зид бўлган ишлар пайдо бўлди.

Феминистик инсон ҳуқуқлари ташкилотлари аксар мусулмон юртларда барча халқаро қарорларнинг тезкорлик билан амалга оширилишини таъминлаш учун астойдил ва фаол ишлашда давом этмоқда. Бироқ бу бузуқ ва бузғунчи фикрларнинг жамоатчилик томонидан қабул қилиниши ёки унга қарши

турилиши билан боғлиқ бироз фарқ бор. Масалан бу ташкилотларнинг барча маданиятлар учун очиқ бўлган Ливандаги фаолияти Ироқ, Иордания ёки Мисрдаги фаолиятдан фарқ қилади. Аммо бу тафовут Умматни гомосексуализм ва бузғунчилик маданияти томон оғдиришга қаратилган мақсадларга асло таъсир қилмайди.

Афсуски, бу мақсад ва режаларнинг катта қисми амалга ошди. Ислом оламидаги ижтимоий ҳаёт шароитларини кузатган кишига сир эмаски, қаерда бундай ташкилотлар кўп ва фаолияти кучли бўлса, у ерда ўта хавфли ёмон шароит ҳукм сурмоқда ва у ерни деярли ҳар томондан нотинчлик ва ташвишлар ўраб олган.

Ливанни қўллаб-қувватлаш маркази (халқаро миқёсда молиялаштирилладиган ва фуқаролик жамиятини ўрганишга ихтисослашган марказлардан бири) нашр қилган «Гендер соҳасидаги фаол томонлар ва уларнинг Ливанга аралашуви» номли ҳисоботга кўра, Ливанда аёл ҳуқуқи, гендер, икки жинс ўртасидаги тенглик, аёлга нисбатан зўравонлик ва васийлик ҳуқуқи мавзуларига эътиборини қаратган камида 40та нодавлат ташкилот бор.

Сўров натижаларидан маълум бўлишича, 36 та феминистик ташкилотдан 27 таси аёл ҳуқуқи масаласида, 13 таси икки жинс ўртасидаги тенглик масаласида, 5 таси эрта никоҳ масаласида, 4 таси гейлар, лесбиянкалар ва трансгендерлар масаласида иш олиб боради.

БМТ ташкилотлари орасида Ливандаги ижтимоий масалалар бўйича фаолият олиб борадиган донорлар қуйидагиларга бўлинади: Ғарбий Осиё иқтисодий ва ижтимоий комиссияси (ESCWA); Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (FAO); БМТ тараққиёт дастури, БМТнинг аёллар учун тараққиёт жамғармаси (UNIFEM). Ғарб фуқаролик жамияти ташкилотларнинг баъзилари Германиянинг «Фридрих Науман жамғармаси» ва «Фридрих Эберт жамғармаси» каби сиёсий партиялар томонидан молиялаштирилади.

Хорижий давлатларга келсак, уларнинг Ливандаги ноҳукумат ташкилотларга кўрсатган ёрдами катта. Бундай давлатларнинг энг кўзга кўрингани Қўшма Штатлар бўлиб, у ўзининг Ливанда фаолият юритаётган агентликлари орқали ёрдам кўрсатади. Бу агентликларнинг энг муҳимлари: USAID ва Демократия учун миллий жамғарма. Бундан ташқари, Европа Иттифоқи

давлатлари ҳамда Британия ва Австралия элчихоналари томонидан молиялаштирилади.

Шу ўринда қуйидагича савол туғилади: «Молиялаштириш» тенденциялари амалга оширилаётган лойиҳалар ва кампанияларнинг амалий хусусиятларини аниқлашда қай даражада ёрдам беради?

Турли маданиятларни ўзига тортадиган очиқ юрт бўлган Ливанда бундай феминистик ташкилотларнинг кўп бўлиши табиий ҳол деб айтилмаслиги учун, биз босқинчилик остида қолган ва ҳалигача дин аҳкомларини, айниқса, ижтимоий низомга оид аҳкомларни сақлаб келаётган «Фаластин» юртини яна бир мисол тариқасида келтирамиз. Чунки у ерда Фаластин аёллари умумий иттифоқи бошчилигида аёлларга оид халқаро шартномаларни, жумладан CEDAW конвенциясини тайёрлаш ва назорат қилиш учун махсус феминистик фуқаролик коалицияси тузилган.

Коалиция Фаластин озодлик ташкилотининг ричагларида бири бўлиб, у 57 та ҳуқуқий ва феминистик институтлар, касаба уюшмалари ва феминистик тузилмалардан иборат. Улар Ғарбий Соҳилда, жумладан, Қуддусда ва 23та уюшмани ўз ичига олган Ғазо секторида аёлларни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш, шунингдек, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, соғлиқни сақлаш, таълим ва ҳуқуқий соҳада, маҳаллий ва халқаро миқёсда имкониятларини кенгайтириш учун фаолият олиб боради.

Бундан ташқари, Фаластин фуқаролик ташкилотлари тармоғи ҳам бор. Унинг сайтида айтилишича, у мустақил демократик фуқаролик гуруҳидир. Бу гуруҳ демократик тамойиллар, ижтимоий адолат, барқарор ривожланиш ва инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш доирасида Фаластин жамиятини қўллаб-қувватлаш ва мустаҳкамлашни мақсад қилади. Фаластин фуқаролик ташкилотлари тармоғи 1993 йил сентябр ойида, Осло келишуви имзоланганидан кейин ташкил этилган. Унга турли гуманитар, ижтимоий ва ривожланиш соҳаларида фаолият юритадиган 145 та Фаластин фуқаролик уюшмалари аъзо. (Бу рақам уларнинг ташкил этилишининг бошидаги рақамдир. Аммо бугунги кунда фуқаролик жамияти ташкилотлари тармоғида рўйхатга олинган Ғарбий Соҳилдаги 516 та ташкилот бор. Улар қуйидагича тақсимланади: Ғазо муҳофазасида 189 та, Марказий муҳофазада 73 та, Хон Юнус

муҳофазасида 55 та, Рафаҳ муҳофазасида 43 та, Рамаллоҳ ва Бийра муҳофазасида 36 та ташкилот бор).

Ҳазида аёллар ва болаларга нисбатан геноцид содир бўлаётганида бу феминистик ташкилотлар қаерда қолди?! Ёки сиёсий манфаатлар нимани талаб қилишига қараб, инсон ҳуқуқлари гоҳ тилга олиниб, гоҳида тилга олинмайдими?!

Аёллар ва болалар ҳуқуқини ҳимоя қилишни даъво қиладиган, бизнинг жамиятларда томирдаги қон каби оқаётган ушбу феминистик ташкилот ва халқаро уюшмалар Троя оти кабидир. Улар аёлни хаёлий шиорлар билан тўйинтириб, унга қувончли ҳаётни ваъда қилади. Уларнинг мақсадлари орасида яширин ғарзли мақсадлар ҳам бор бўлиб, улар орқали Умматга ёмонликни истайди ва уни бузғунчилик ботқоғига ботиришга ҳаракат қилади. Бу уюшмалар бизнинг оилаларимизга етиб бориб, авлодларимизни йўқ қилиш учун аёлни йўлдан уриш, шунингдек, бу орқали дин ва покиза шариат аҳкомларига барҳам бериш воситасидан бошқа нарса эмас. Аммо бу уюшмалар муваффақиятсизликка учради ва уларнинг уринишлари барбод бўлди. Чунки Оламлар Парвардигори Исломни қиёмат кунига қадар сақлаб қолади ва ҳақ аҳли ғолиб бўлади. Агар ботил кучайиб тарқалса, гарчи бир мунча вақт ўтганидан кейин бўлса ҳам, албатта заволга юз тутари. Золим ва фосиқ кимсалар эса яқинда қандай оқибатга қараб кетаётганларини билиб олурлар. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿إِنَّ الَّذِينَ كَفَرُوا يُنْفِقُونَ أَمْوَالَهُمْ لِيُضِدُّوا عَنْ سَبِيلِ اللَّهِ فَسَيَنْفِقُونَهَا ثُمَّ تَكُونُ عَلَيْهِمْ حَسْرَةً ثُمَّ يُغْلَبُونَ وَالَّذِينَ كَفَرُوا إِلَىٰ جَهَنَّمَ يُحْشَرُونَ﴾

«Албатта, кофир бўлган кимсалар мол-дунёларини Аллоҳнинг йўлидан тўсиш учун ишлатурлар. Бас, уни сарфлашади-ю, сўнгга ўша (моллари) ўзларига ҳасрат бўлур, сўнгга мағлуб бўлурлар. Кофир бўлган кимсалар жаҳаннамга тўпланурлар» [Анфол 36]

Ҳарбнинг Ислом Умматига қандай зарар етказишни режалаштираётгани бизга аниқ бўлди. Бу эса биздан ушбу бузғунчи ташкилотлар тарғиб қиладиган бу ёлғон даъватлардан эҳтиёт бўлишни, шунингдек, алданиб, калтакесак инига кирмаслигимиз учун уларни шариат мезони билан ўлчашимизни талаб қилади.

Биз каттаю кичик ишларга фақат Исломий ақида нуқтаи назаридан қарашимиз керак. Шунда биз Ислом бизни нимага буюрганини, нимадан қайтарганини ва қандай аҳкомларни баён қилганини кўриб, уларга эргашамиз ва амал қиламиз. Биз қилишимиз керак бўлган энг устувор ишлардан бири бу ғаразли ташкилотларга қарши туришдир. Биз аёллар ва қизларнинг бу уюшмаларга боришларига, бузғунчи тадбирларида иштирок этишларига йўл қўймаслик орқали уларнинг режаларини барбод этишимиз лозим. Шу билан бирга, динини қадрлайдиган, ҳаётидаги барча ишларда шариатни ҳакам қиладиган илғор авлодни етиштириш учун аёлни Ислом сақофати ва тушунчалари билан, айниқса, аёлга, унинг ҳуқуқи ва вазифаларига, шунингдек, Исломий ҳаётдаги асосий ролига оид аҳкомлар билан қўрғонлаб мустаҳкамлашимиз керак. Аллоҳ Таоло бизни бунга буюриб, айтади:

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا قُوا أَنفُسَكُمْ وَأَهْلِيكُمْ نَارًا وَقُودُهَا النَّاسُ وَالْحِجَارَةُ عَلَيْهَا مَلَائِكَةٌ غِلَاظٌ شِدَادٌ لَا يَعْصُونَ اللَّهَ مَا أَمَرَهُمْ وَيَفْعَلُونَ مَا يُؤْمَرُونَ﴾

«Эй мўминлар, сизлар ўзларингизни ва аҳли-оилаларингизни ўтини одамлар ва тошлар бўлган дўзахдан сақлангизки, у (дўзах) устида қаттиқдил ва қаттиққўл, Аллоҳ ўзларига буюрган нарсага итоатсизлик қилмайдиган, фақат ўзларига буюрилган нарсани қиладиган фаришталар турур»

[Таҳрим 6]

Ислом ўз аҳкомлари ва қонунлари билан эркак ва аёл фаровон турмушининг ҳақиқий кафолатидир. Чунки Ислом аёлга она, опа-сингил, хотин, қиз ва сақланиши керак бўлган номус деб қарайди. Уни ҳимоя қилишни, унга ғамхўрлик кўрсатишни, унинг нафақасини таъминлашни ва унга меҳрибон бўлишни Ислом эркакнинг зиммасига юклайди. Ислом ақидаси мусулмон оиланинг Ислом аҳкомларига мувофиқ ҳаёт кечиришидаги ҳақиқий куч бўлиб, у унинг хотиржамлик ва осойишталикка эришишини таъминлайди ҳамда уни барча офат ва ёмонликлардан ҳимоя қилади.

Ислом мабдасида кўрсатилганидек бошқарадиган ва унинг аҳкомларини жамиятнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва таълим низомларида татбиқ этадиган Ислом давлати узоқ

асрлар давомида бўлганидек, бутун инсониятнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилади.

Мусулмонларнинг ишларини ғамхўрлик билан бошқарган ва ўз соясида яшаётганларнинг барчасига хайрихоҳ бўлган Халифалик қулатилиб, унинг қонунлари инсонлар томонидан қабул қилинган ва Аллоҳ улар ҳақида ҳеч бир ҳужжат нозил қилмаган қонунлар билан алмаштирилганидан бери одамлар зулмат ва адолатсизликда яшамоқдалар. Аллоҳнинг изни ила келгуси кунлар капитализмнинг қулашига, шунингдек, нур ва раҳм-шафқатни ёйиш учун Исломнинг юксалишига гувоҳ бўлади.

Аллоҳнинг изни ила барпо бўлажак Халифалик давлати конституциясида келган баъзи бандларни келтирамиз. Бироқ, бу таққослаш учун эмас. Чунки Ислом аҳкомлари ва бу аҳкомлар аёл учун рўёбга чиқарган юксаклик билан ғарб ҳазорати келтириб чиқарган танглик ва бахтсизликлар ўртасида катта фарқ бор. Аллоҳ Таолонинг ҳукмлари билан инсонларнинг ҳукмларини солиштиришга ўрин йўқ. Чунки инсонлар қабул қилган ҳукмлар нафақат аёлнинг, балки бутун инсониятнинг мавқеини тубанлаштирди.

112-модда: аёл – она ва уй бекаси дир. У – ҳимоя қилиниши вожиб бўлган номус дир.

113-модда: аслида жамиятда эркак ва аёллар аралаш бўлмай, алоҳида бўлишлари талаб қилинади. Улар фақат шариат руҳсат берган ҳаж ва савдо каби бир жойга йиғилишга сабаб бўладиган эҳтиёжлар юзасидан жамланишлари мумкин.

114-модда: эркакларга берилган ҳуқуқ аёлларга ҳам берилади. Эркакларга юкланган мажбуриятлар аёлларга ҳам юкланади. Бундан фақат Ислом шаръий далиллар билан аёлга хос қилиб қўйган нарсалар ёки эркакка хос қилиб қўйган нарсалар мустасно. Шундай қилиб, аёл киши тижорат, қишлоқ хўжалиги ва саноат ишларида иштирок этиш, битим ва шартномалар тузиш, мулкчиликнинг барча турларига эга бўлиш, ўз мулкни шахсан ўзи ёки бошқа одам орқали кўпайтириш ва ҳаётдаги барча ишларда шахсан иштирок этиш ҳуқуқига эга.

115-модда: аёл кишининг давлат вазифаларига тайинланиши, мазолим қозилигидан бошқа қозилик лавозимларида ишлаши, Уммат мажлиси аъзоларини сайлаши ва унда аъзо бўлиши ҳамда халифани сайлаш ва унга байъат беришда иштирок этиши жоиз дир.

119-модда: ҳар бир эркак ва аёлнинг ахлоқ учун хатарли бўлган ёки жамиятни бузадиган ҳар қандай ишга қўл уриши ман қилинади.

120-модда: оилавий ҳаёт тинч-осуда ҳаётдир. Эр-хотин муносабати ўзаро дўстлик муносабатидир. Эрнинг хотин устидаги раҳбарлиги ҳукмрон раҳбарлик эмас, ғамхўр раҳбарликдир. Хотин эрига итоатли бўлиши, эр эса яшаётган муҳитига қараб, хотинининг эҳтиёжларини таъминлаши фарздир.

Эркак ва аёл жамланишини, бу жамланишдан келиб чиқадиган муносабатларни тартибга солувчи ушбу ва бошқа моддалар Исломдан бошқа тузум аёлни эҳтиром қилмаслигини кўрсатади. Чунки Ислом аёлнинг нафақаси ва уй жойини эрнинг зиммасига юклади. Эри хотинининг оғзига солиб қўядиган луқмани садақанинг энг афзали қилиб белгилади. Росулulloҳ ﷺ дедилар:

«مَنْ تَرَكَ كَلًّا فَإِلَيَّ وَعَلَيَّ»

«Ким бола-чақа қолдирса, мен уларга ҳомийлик қиламан ва ким қарз қолдирса, уни тўлаш менинг зиммамдадир». Яна айтадилар:

«رَفَقًا بِالْقَوَارِيرِ»

«Шиша идишни авайла (хотинга яхши муомалада бўл)». Аёл – она, уй бекаси ва ҳимоя қилиниши керак бўлган номусдир. Ислом аёлга ишлашни вазифа қилмади, аксинча, унга ва болаларига нафақа белгилади. Аёлни унинг ҳимояси учун қўшинлар ҳаракатга келадиган ҳимояланган марваридга айлантди. Росулulloҳ ﷺ, саҳобалар ва уларга эргашган Мўътасим каби саркардалар шундай қилдилар. Мўътасим тажовузга учраган аёлнинг қадр-қимматини тиклаш учун улкан қўшинни ҳаракатга келтирди, ҳатто у (яъни аёл) ўша пайтдаги энг қудратли подшоҳликнинг забт этилишига сабабчи бўлди.

Барпо бўлиши кутилаётган Халифалик давлатининг бундай уюшмаларга қандай муносабатда бўлиши ҳақида Халифалик давлати конституцияси лойиҳасида қуйидагича қайд этилган:

182-модда: ҳар қандай шахс, партия, ташкилот ёки гуруҳнинг бирорта хорижий давлат билан алоқаси бўлиши мутлақо ман этилади. Бошқа давлатлар билан бўладиган

алоқани фақатгина давлат ўрнатиши мумкин. Чунки Умнат ишларини амалда бошқариш ҳуқуқи фақат давлатга тегишли. Умнат ва ташкилотлар эса ташқи алоқалар борасида давлатдан ҳисоб сўрашлари лозим.

191-модда: давлатнинг Исломга асосланмаган ёки Ислом аҳкомларини татбиқ қилмайдиган ташкилотларда иштирок этиши ман этилади. Буларга Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Халқаро Суд, Халқаро Валюта Фонди, Жаҳон Банки каби халқаро ташкилотларни ва «Араб давлатлари лигаси» каби минтақавий ташкилотларни мисол қилиш мумкин.

Халқаро ва маҳаллий ташкилотлар асосланган масалани шариат ҳаром қилган. Чунки улар кўфр низоми бўлган капиталистик низомга асосланган. Бундан ташқари, улар йирик давлатлар қўлидаги қуролдир. Айниқса, Америка ўз ҳукмронлигини кичикроқ давлатларга, жумладан, Ислом оламидаги давлатларга ўрнатиш учун бу ташкилотлардан фойдаланади. Шунинг учун шахслар, уюшмалар ва Исломиё давлатнинг бундай ташкилотларда иштирок этиши ҳаромдир.

Ҳизб ут-Таҳрир тайёрлаган Халифалик давлати конституцияси лойиҳасининг ушбу моддалари ва бошқа кўплаб моддалари бизга шуни баён қилиб кўрсатадики, Ислом инсоннинг кичик ёки катта ишларининг бирон бир қисмини муайян қонун, қоида ва низомлар орқали тартибга солмасдан қолдирмайди. Бандаларининг ишларидан, уларнинг ҳаётини нима тузатиб, муаммоларини нима ҳал қилишидан хабардор ва меҳрибон зотдан билимдонроқ ким бор?!

Бу капиталистик ташкилотлар зулмидан қутулишнинг Ислом адолатига асосланган давлатни барпо этишдан бошқа чораси йўқ. Аёлларнинг аҳволини ўзгартириш ва уларга адолатни таъминлашнинг исломиё ҳаётни қайта тиклашдан бошқа йўли йўқ. Зеро, бу давлат барча яхшилик, муваффақият ва адолатни ўз ичига олган ва Аллоҳнинг шариатига таянган қонунларни қабул қилади. Биз кофирларга малай бўлган режимлар ва кофир ғарб кун тартибига қарам бўлган ғаразли феминистик ташкилотлар бизни тортаётган бундай ҳалокатли қулашга мажбур эмасмиз. Бизда ҳақиқий альтернатива, Аллоҳнинг Китоби ва Росулulloҳ ﷺнинг Суннатларидан истинбот қилинган конституция бор. □

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال تعالى: ﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ﴾ «Мўминлар ҳеч шак-шубҳасиз ога-инилардир»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
Яқин Шарқда қанча Америка кучлари жойлаштирилган?		
<p>Америка мудофаа вазирлиги Пентагоннинг таъкидлашича, «Айни пайтда Яқин Шарқда 40 минг америкалик аскар бор, нормал шароитда бу кўрсаткич 34 мингга тенг». Бу ҳақда Рейтер агентлиги хабар берди. Ўз навбатида, Пентагон матбуот котиби Сабрина Сингх журналистларга шундай деди: «Департамент Яқин Шарқдаги вазиятни диққат билан кузатишда давом этмоқда». Унинг айтишича, АҚШ (Исроил) ва Америка қўшинларини ҳимоя қилиш учун Яқин Шарқ бўйлаб ўзининг ҳарбий кучи ва имкониятларини мустаҳкамлаган. Пентагон 2024 йил 12 августда хабар беришича: «АҚШ мудофаа вазири Ллойд Остин АҚШнинг баллистик ракета билан жиҳозланган USS Georgia сувости кемасини Centcom масъулияти остидаги ҳудудга юборишга буйруқ берган. Шунингдек, F-35C қирувчи самолётлари билан жиҳозланган «USS Abraham Lincoln» авианосецини АҚШ марказий қўмондонлиги (Centcom) масъулияти остидаги ҳудудга келишини тезлатишни буюрган ва бу «USS Teodor Ruzvelt» авианосеци имкониятларини оширишини айтган. Пентагон матбуот котиби генерал майор Патрик Райдер берган баёнотга кўра, Остин (Исроил) мудофаа вазири Йоав Галант билан телефон суҳбатида Вашингтон (Исроил)ни мудофаа қилиш учун «ҳар қандай қадам»ни қўйиши мумкинлигини айтган.</p> <p>Ал-Ваъй: Минтақада Америка кучларининг кучайтирилишидан эълон қилинган мақсад яҳудий вужудини ҳимоя қилишдир. Эълон қилинмаган нарсага келсак, Америка Фаластин масаласини ўз ичига олган минтақа масаласининг ечими учун ҳамда яҳудий вужуди билан Ливан, Сурия ва Иордания ўртасидаги алоқалар келажаги учун ўз режасини тиқиштирмоқчи. Шунинг учун буларнинг барчаси кўпайтирилиши мумкин бўлган ҳарбий иштирокни, ҳарбий аралашувни, жангларда иштирок этишни ва яҳудийларни унинг режасига хизмат қиладиган қуроллар билан таъминлашни талаб қилди.</p>		
Раввин Фаластинлик маҳбусга жинсий тажовуз қилган аскарларни ҳурмат қилишга чақирмоқда		
<p>(Исроил) сиёсатида катта таъсирга эга, асли тунислик, Харедим (радикал яҳудийлар) орасида энг нуфузли</p>		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال تعالى: ﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ﴾ «Мўминлар ҳеч шак-шубҳасиз ога-инилардир»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
<p>раввинлардан бири, қарор қабул қилувчилар орасида катта вазнга эга, юқори мартабали вазирлар, жумладан Нетаняху ва Ликуд партиясидан бўлган Кнессет аъзолари у билан маслаҳатлашиш учун ташриф буюрадиган Меир Мазуз фаластинлик маҳбусга жинсий тажовуз қилганликда айбланган исроиллик аскарни қўллаб-қувватлашини айтди ва бундай кишиларни тўхтатиш ўрнига «ҳурмат қилиш» лозимлигини билдирди. Иброний радио эшиттириш корпорациянинг таъкидлашича, бу раввин яқинда Негаф чўлидаги машҳур Сде Тейман қамоқхонасида хизмат қилган ва у ерда ғазодан келтирилган маҳбусга жинсий тажовуз қилганликда айбланган аскарлар билан учрашган. Раввин гумон қилинган аскарлардан бирини дуо қилаётгани кўрсатилган. Корпорация чиқарган ва ижтимоий тармоқларда тарқалган видеода раввин Мазуз айбланувчи аскарга: «Яқинда сиз бутунлай оқланасиз», «Сизнинг фақатгина душманга зарба бердингиз, ҳаммаси яхши бўлади, бошқа ҳар қандай мамлакатда сиз кабиларга мукофот беришади» деган. Радио эшиттириш корпорациясининг маълумотига кўра, учрашувда фаластинлик маҳбусга нисбатан жинсий зўравонлик содир этганликда айбланган баъзи аскарларни ҳимоя қилган адвокат иштирок этган. Адвокат раввинга «Мендаги маълумотга кўра, шифокорлардан бирининг фикрича бузғунчи (тажовузга учраган фаластинлик) ёлғон гапирган» деган. Раввин эса унга: «Агар бу рост бўлса? Бизнинг бунга ҳаққимиз йўқми?» деган.</p> <p>Ал-Ваъй: Яҳудий дини энг катта ирқчи дин бўлиб, унинг таълимоти бўйича яҳудий бўлмаганлар нодон ва жоҳиллар (гойлар) бўлиб, яҳудийлар улар устидан хоҳлаган ишини қилиши мумкин. Уларнинг бу даъволари Қуръонда ҳам зикр қилинган. Шунинг учун яҳудийларнинг дунё халқлари билан бўлган тарихи уларнинг такаббурлиги ва фитнасига тўла. Уларнинг ушбу сифатлари муқобили ўлароқ, улар Европа давлатларидан сургун қилиниб, турли қатли омларга дучор бўлишган. Демак улар нафақат Исломга балки бутун дунёга душмандир.</p>		
<p>Марион махфий қамоқхонаси... мусулмонлар учун кичик Гуантанамо</p>		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال رسول الله ﷺ: «الْمُسْلِمُ أَخُو الْمُسْلِمِ لَا يَظْلِمُهُ وَلَا يَخْذُلُهُ وَلَا يَحْقِرُهُ» «Мусулмон мусулмоннинг биродаридир. Унга зулм қилмайди, уни ташлаб қўймади ва камситмайди»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
<p>«The Nation» журнали Америкадаги махфий қамоқхоналарнинг ҳажми 15 йил ичида 80 %га кўпайгани ҳақида ҳисобот чоп этди. Терроризмга алоқадор деб даъво қилинган шахсларни жойлаштириш учун очилган бу бўлинмалар ҳукумат сиёсатига муҳолиф бўлганларни жазолаш учун ҳам қўлланилади. Федерал ҳукумат 2006 ва 2008 йилларда иккита махфий қамоқхона очган бўлиб, улардаги маҳбусларнинг 70 %и мусулмонлардир, гарчи улар федерал қамоқхоналардаги умумий маҳбуслар сонининг 6 %ини ташкил этса ҳам. Иллинойс штатининг Марион шаҳридаги «Кичик Гуантанамо» номи билан машҳур бўлган қамоқхонада алоқа бошқаруви бўлими борлиги аниқланган. У дастлаб терроризмга алоқадорликда гумон қилинганларни жойлаштириш учун қурилган ва у ерда ҳибсга олинганлар изоляция ва қаттиқ назорат остидадир. Янги суриштирувлар шуни кўрсатадики, ҳукумат Мериленд штатида янги бўлинма қуришни режалаштирган ҳолда бу бўлинмалардан фойдаланишни кенгайтирмоқда. У ердаги мусулмонлар улуши камайганига қарамай, 2023 йилда уларнинг сони маҳбусларнинг 35 %ини ташкил қилади. Бош инспекторнинг 2020 йилдаги ҳисоботида «террорчи маҳбусларни» назорат қилиш учун олтита бўлим ташкил этиш режалари кўрсатилган. Журнал Колорадо университети ҳуқуқ профессори Вадиъ Саидга таяниб, мусулмонлар учун алоҳида кенг кўламли сиёсатларга таяниш дастур бошлангандан бери унинг асл асоси бўлганини айтди.</p> <p>Ал-Ваъй: Америка ташқи дунё билан курашида ўйлаб топган жинойй ғоялар, қийноқ усуллари ва воситалари билан дунё учун энг катта хавфга айланди... Бундай хабарлар шуни кўрсатадики, ҳатто Қўшма Штатларнинг ўзида ҳам одамлар дунёдаги энг жинойятчи ва террорчи деб топилган давлатдан ўзини хавфсиз ва озод ҳис қила олмайди.</p>		
<p>Риёзда «Дунё халоскори» картинаси яна пайдо бўладими?</p>		
<p>Леонардо да Винчига тегишли «Salvator Mundi» ёки «Дунё халоскори» деб номланган картина 2017 йил шаҳзода Мухаммад ибн Салмонга рекорд даражадаги 360 миллион фунт стерлингга сотилган эди. Машҳур Лувр музейининг Саудия филиали доирасидаги Ан-Нажма кўрғазмасида у яна пайдо бўлиши тасдиқланмоқда. Саудия Арабистони Қироллиги</p>		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال تعالى: ﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ﴾ «Мўминлар ҳеч шак-шубҳасиз ога-инилардир»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
<p>ҳақидаги BBC ҳужжатли фильмида айтилишича, «Сальватор Мунди» картинаси инсон ҳуқуқлари борасидаги ёмон обрўсини тиклаш учун атайин қурилган йирик янги музейнинг марказий экспонати сифатида кўрфаз ҳукмдорларининг бири томонидан кўрсатилиш арафасида турибди. BBC хабарида айтилишича, 2017 йил сотилиши ортидан шўҳрат қозонгани, кейин унинг дарҳол йўқолиб қолиши ва Леонардонинг буюк Мона Лиза асари билан алоқадорлиги сабабли Саудия Арабистонидаги янги Лувр музейининг маданий харитага киритилишига асос бўлиши мумкин. Уйғониш даври эксперти ва Art Newspaper бош муҳаррири Алисон Коул шундай деди: «Салватор Мунди Риёздаги жуда катта янги музейнинг марказий экспонати сифатида кўрсатилиши режалаштирилган. Чунки у Мона Лиза каби ғайриоддий тортиш кучига эга ва бу ажабланарли бўлмади деган умиддаман». Тарихий rassom Леонардо да Винчи ижоди бўйича мутахассис Мартин Кемп уни «Эркак Мона Лиза» деб атаган. 2017 йил расм «Кристис» музейида ким ошди савдосига қўйилар экан, музей бу атамани иштиёқ билан қабул қилган эди. «Қироллик: дунёдаги энг нуфузли шаҳзода» фильмининг 19 август кунги қисмида Принстон университети профессори Саудия Арабистони валиаҳд шаҳзодаси Муҳаммад ибн Салмон билан 2030 йилга мўлжалланган Vision дастури доирасида муҳокама қилинган йирик музей ташкил этиш режалари ҳақида гапириб ўтди. Принстон университетидан академик Бернард Хейкел Саудия Арабистони Маданият вазири шаҳзода Бадр ибн Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Фарҳон Оли Сауд картина сотиб олингандан бери ўша ерда турганини тасдиқлади. У яна қўшимча қилиб, «У музей қурилиши тугашини кутмоқда ва кейин ўша ерга осиб қўйилади» деган.</p> <p>Ал-Ваъй: Бу муслмонларнинг пулларини беҳуда совураётган, энг оғир кунларда Уммати ва динининг йўлига тескари юраётган шаҳзоданинг ташвишларидир... Бу шаҳзода Оли Сауднинг шубҳали ҳукмдорлари ҳақидаги ҳақиқатни ошкор қилди... Бу ҳақиқат аксарият одамларга махфий эди... Бу охир замон воқеаларидан бўлиб, у сезиларли даражада тезлашмоқда. □</p>		

ҚУРЪОНИ КАРИМ СУҲБАТИДА

﴿إِنَّ أَوْلَى النَّاسِ بِإِبْرَاهِيمَ لَلَّذِينَ اتَّبَعُوهُ وَهَذَا النَّبِيُّ وَالَّذِينَ آمَنُوا وَاللَّهُ وَلِيُّ الْمُؤْمِنِينَ﴾

«Одамларнинг Иброҳимга яқинроғи унинг йўлига эргашган зотлар, мана бу пайғамбар (Муҳаммад алайҳиссалом) ва иймон келтирган кишилардир.

Аллоҳ мўминларнинг дўстидир»

Аллоҳ Таоло бундай деди:

﴿يَا أَهْلَ الْكِتَابِ لِمَ تُحَاجُّونَ فِي إِبْرَاهِيمَ وَمَا أُنزِلَتْ التَّوْرَةُ وَالْإِنْجِيلَ إِلَّا مِنْ بَعْدِهِ أَفَلَا تَعْقِلُونَ ﴿٦٥﴾ هَذَا نَتَمُّ هَهُؤُلَاءِ حَبَجْتُمْ فِيمَا لَكُمْ بِهِ عِلْمٌ فَلِمَ تُحَاجُّونَ فِيمَا لَيْسَ لَكُمْ بِهِ عِلْمٌ وَاللَّهُ يَعْلَمُ وَأَنْتُمْ لَا تَعْلَمُونَ ﴿٦٦﴾ مَا كَانَ إِبْرَاهِيمَ يَهُودِيًّا وَلَا نَصْرَانِيًّا وَلَكِنْ كَانَ حَنِيفًا مُسْلِمًا وَمَا كَانَ مِنَ الْمُشْرِكِينَ ﴿٦٧﴾ إِنَّ أَوْلَى النَّاسِ بِإِبْرَاهِيمَ لَلَّذِينَ اتَّبَعُوهُ وَهَذَا النَّبِيُّ وَالَّذِينَ آمَنُوا وَاللَّهُ وَلِيُّ الْمُؤْمِنِينَ﴾

«Эй аҳли китоб, нима учун Иброҳим хусусида (у бизнинг динимизда бўлган деб) талашасиз! Ахир Таврот ҳам, Инжил ҳам ундан кейин нозил бўлгани аниқ-ку?! Ақл юргизмайсизми?! Ҳой (яҳудий ва насронийлар) сизлар биладиган нарсаларингиз (Мусо ва Исо пайғамбарлар) ҳақида-ку талашдингиз. Энди нима учун билмайдиган нарсангиз (Иброҳимнинг қайси динда бўлгани) хусусида талашмоқдасиз? Аллоҳ билур, сизлар билмассиз. Иброҳим яҳудий ҳам, насроний ҳам эмас, балки ҳақ йўлдан тоймаган ҳолида (Аллоҳга) итоат қилгувчи киши бўлган. У мушриклардан ҳам бўлмаган. Одамларнинг Иброҳимга яқинроғи унинг йўлига эргашган зотлар, мана бу пайғамбар (Муҳаммад алайҳиссалом) ва иймон келтирган кишилардир. Аллоҳ мўминларнинг дўстидир» [Оли Имрон 65-68]

Шайх Муҳаммад Мутаваллий Шаъровий (роҳимаҳуллоҳ)нинг ушбу оятлар тафсирида шундай келади:

﴿يَا أَهْلَ الْكِتَابِ لِمَ تُحَاجُّونَ فِي إِبْرَاهِيمَ وَمَا أُنزِلَتِ التَّوْرَةُ وَالْإِنْجِيلُ إِلَّا مِنْ بَعْدِهِ أَفَلَا تَعْقِلُونَ﴾

«Эй аҳли китоб, нима учун Иброҳим хусусида (у бизнинг динимизда бўлган деб) талашасиз! Ахир Таврот ҳам, Инжил ҳам ундан кейин нозил бўлгани аниқ-ку?! Ақл юргизмайсизми?!» [Оли Имрон 65]

Албатта Ҳақ Таоло улардан: нима учун Аллоҳнинг дўсти Иброҳим ҳақида талашасиз? Сизлардан яҳудийлар ўзларини Мусога мансуб деб билишса, насронийлар ўзларини Исога нисбат беришади. Иброҳим ﷺ яҳудийлар даъво қилганидек яҳудий бўлмаган. Чунки яҳудийлик Иброҳим ﷺ дан кейин келган. Насронийлар ҳам Иброҳим ﷺ ни насроний бўлган деб даъво қилиши мумкин эмас, чунки насронийлик Иброҳим ﷺ дан кейин келган. Хўш нега унда талашимоқда? Дарҳақиқат Таврот ҳам, Инжил ҳам Иброҳимдан кейин келган бўлса, қандай қилиб у Таврот ва Инжилга эргашсин?

Шундан кейин Аллоҳ Таоло айтади:

﴿هَاتَانْتُمْ هَتُّوْلَآءٍ حَبَجْتُمْ فِيمَا لَكُمْ بِهِ عِلْمٌ فَلِمَ تُحَاجُّونَ فِيمَا لَيْسَ لَكُمْ بِهِ عِلْمٌ وَاللَّهُ يَعْلَمُ وَأَنْتُمْ لَا تَعْلَمُونَ﴾

«Ҳой (яҳудий ва насронийлар) сизлар биладиган нарсаларингиз (Мусо ва Исо пайғамбарлар) ҳақида-ку талашдингиз. Энди нима учун билмайдиган нарсангиз (Иброҳимнинг қайси динда бўлгани) хусусида талашмоқдасиз? Аллоҳ билур, сизлар билмассиз»

[Оли Имрон 66]

Яъни Тавротдаги нарсалар ҳақида талашдингиз. Сиз мунозарани очиқ эшик сифатида қабул қилишни, ҳамма нарса ҳақида талашшни хоҳлайсиз. Лекин сиз раҳмли яратувчи ва ғайбни билгувчи зот билган нарсани билмайсиз.

Ҳақ Таоло бу масалани қуйидагича изоҳлайди:

﴿مَا كَانَ إِبْرَاهِيمَ يَهُودِيًّا وَلَا نَصْرَانِيًّا وَلَكِنْ كَانَ حَنِيفًا مُّسْلِمًا وَمَا كَانَ مِنَ الْمُشْرِكِينَ﴾

«Иброҳим яҳудий ҳам, насроний ҳам эмас, балки ҳақ йўлдан тоймаган ҳолида (Аллоҳга) итоат қилгувчи киши бўлган. У мушриклардан ҳам бўлмаган» [Оли Имрон 67]

Аллоҳ Таоло ушбу сўзи билан Иброҳим عليه السلام яҳудий бўлмаганини, чунки яҳудийлик ундан кейин келганини, у насроний ҳам бўлмаганини, чунки насронийлик ундан кейин келганини, лекин у Раҳмоннинг дўсти бўлганини таъкидламоқда.

﴿كَانَ حَنِيفًا مُّسْلِمًا وَمَا كَانَ مِنَ الْمُشْرِكِينَ﴾

«Ҳақ йўлдан тоймаган ҳолида (Аллоҳга) итоат қилгувчи киши бўлган. У мушриклардан ҳам бўлмаган» [Оли Имрон 67]

Биз (حنيفًا) сўзи Аллоҳдан келган соф дин маъносини англатишини биламиз. Бу сўз маҳассотдан (ҳис билан англанадиган нарсалардан) олинган. Чунки (حنف) соннинг ости томонидаги қиялик, яъни икки оёқдаги эгрилик бўлиб, кейинчалик у ҳар бир нотекис ишга қўлланиладиган бўлиб кетган.

Бу ерда савол туғилади, Иброҳим عليه السلام эгри йўлда бўлганми ёки тўғри йўлдами? (حنف) сўзининг маъноси эгри бўлса, Иброҳим عليه السلام эгри йўлда бўлган бўладими? Биз айтамикки Иброҳим عليه السلام тўғри йўлда бўлган, лекин у бутпарастлик ва туғёндаги эгрилик устига келган, дунё эгри бўлган, Иброҳим дунёни мана шу эгриликдан чиқариш учун келган. Модомики эгриликдан оғишса, тўғри бўлади. Нима учун? Чунки элчилар ақидавий бузуқлик ва туғёнга кетган қонунчилик устига келадилар. Ҳақ Таоло ўз манҳажини юборган пайтда ҳар бир нафсда иймоний ҳужайрани пайдо қилади. Иймоний ҳужайра бир марта уйғониб, уни маҳкам тутса, яна бир марта ғафлатда қолиб, эгрилик сари йўл олади. Эгриликдан кейин яна уйғонади ва бу огоҳлик бўлади. Шундай қилиб, маломат қилгувчи нафс пайдо бўлади ва у инсон хато қилаётган пайтида унга «Аллоҳ бунга буюрмаган» деб шивирлайди.

Шунда инсон тавба қилиб ва истиғфор айтиб, Аллоҳнинг манҳажига қайтади. Агар маломат қилгувчи нафс бўлмаса, нафс ёмонликка буюрувчига айланади ва у доим инсонни эгрилик сари йўналтиради. Битта нафс атрофида бир неча нафслар бўлиб, улар эгриликка қарши туриб, уни тўғрилашга ҳаракат қилади. Бу нафслар атроф ва жамиятдан бўлади. Баъзида хатодан кейин тўғри йўлга қайтиш инсоннинг ўзи, яъни маломат қилгувчи нафс томонидан бўлса, баъзида маломат қилгувчи нафс бўлмай, ёмонликка буюрувчи нафс

бўлади. Лекин бу инсоннинг атрофидаги жамиятда яхшилик ҳужайраси бўлиб, уни тўғри йўлга бошлайди. Аммо жамиятдаги ҳар бир ҳужайра ёмонликка буюрадиган бўлиб қолса, инсонни ким тўғри йўлга бошлайди? Шундай пайтда Аллоҳ Таоло янги элчиларни жўнатиши лозим бўлади. Чунки инсон ўзининг иймоний ҳужайралари билан ўз нафсини тўхтата олмайди. Бунинг устига жамиятда ҳам бундай соф ҳужайра бўлмагани учун у ҳам инсонни тўхтата олмайди. Натижада жамиятни зулмат қоплайди. Шунда Аллоҳ Таоло қалбларга иймон шуъласини қайтариш учун элчи юборади. Аллоҳ Таоло Муҳаммад Умматига Росулulloҳ ﷺ дан кейин пайғамбар келмаслигини кафолатлаган, шунинг учун унда яхшилик мавжуд бўлиши ва доимий қолиши зарур. Шунинг учун яхшилик мусулмон шахсда доимий бўлади ва агар у ғафлатда қолса, маломат қилгувчи нафс уни тўғрилайди. Агар ёмонликка буюрувчи нафс бўлса, унинг атрофида хотиржам одамлар бўлиб, уни тўғри йўлга йўллаб туради.

Шундай қилиб, Муҳаммад Уммати ҳеч бир замон яхшиликдан холи бўлмайди. Аммо бошқа умматларнинг иши турличадир. Аллоҳ Таоло уларнинг қалбларида яхшилик чироғи ўчиб, фасод қоплаганда уларга элчи юборади ва уларнинг ишига осмон аралашади. Бандалар ишига осмон аралашган вақтда, уларга «осмон эгриликни тўғрилаш учун келди», дейилади.

Демак Иброҳим ؑ ханиф бўлиб келди, яъни у эгриликдан эгри бўлиб келди. Модомики у эгриликдан эгри экан, демак у тўғридир. Демак ҳақиқий ханифийлик бу тўғриликдир. Аллоҳ Таолонинг:

﴿مَا كَانَ إِبْرَاهِيمُ يَهُودِيًّا وَلَا نَصْرَانِيًّا وَلَٰكِن كَانَ حَنِيفًا مُّسْلِمًا وَمَا كَانَ مِنَ الْمُشْرِكِينَ﴾

(Иброҳим яҳудий ҳам, насроний ҳам эмас, балки ҳақ йўлдан тоймаган ҳолида (Аллоҳга) итоат қилгувчи киши бўлган. У мушриклардан ҳам бўлмаган) оятини мана шундай тушунамиз.

Албатта Иброҳим пайғамбарларнинг отасидир. Агар яҳудийлик ва насронийлик бузилмаган ва ўзгартирилмаганда яҳудий ва насронийларнинг Иброҳим миллатида бўлиши мақбул иш бўлар эди. Чунки динлар ўз асосларида бир-биридан фарқ қилмайди, турли замонларга мос келувчи баъзи

қонунларида фарқ қилиши мумкин. Шунинг учун саййидимиз Иброҳим عليه السلام яҳудийлардан содир бўлган ўзгартиришни эътиборга олганда яҳудий бўлмаган, бошқача айтганда уларнинг ақидасига қарши бўлган. Шунингдек, у мана шу сабабга кўра насроний бўлиши ҳам мумкин эмас.

﴿كَانَ حَنِيفًا مُّسْلِمًا وَمَا كَانَ مِنَ الْمُشْرِكِينَ﴾

(Ҳақ йўлдан тоймаган ҳолида (Аллоҳга) итоат қилгувчи киши бўлган. У мушриклардан ҳам бўлмаган). Чунки у эгриликдан тўғрилиқка мойил бўлган.

Кимдир айтиши мумкин, нима учун Аллоҳ Таоло «إن إبراهيم كان مستقيماً» Иброҳим тўғри йўлда бўлган» демади? Нима учун айнан эгриликни англатувчи (حَنِيفًا) калимаси ишлатилди? Биз айтамыз: Агар (مستقيماً) деганида, баъзилар ўз замонасидагиларнинг йўлида бўлган деб гумон қилиши мумкин эди. Ҳолбуки улар эгрилик ва залолат йўлида эдилар. Шунинг учун Ҳақ Таоло Иброҳимни

﴿كَانَ حَنِيفًا مُّسْلِمًا﴾

(Ҳақ йўлдан тоймаган ҳолида (Аллоҳга) итоат қилгувчи киши бўлган) деб сифатлади. (كَانَ حَنِيفًا مُّسْلِمًا) сўзи итоат қилинувчи зотнинг бўлишини тақозо этади, бу зот эса Аллоҳдир. Яъни у ўзини бошқаришни Аллоҳга топширди, унга таслим бўлди деганидир, бу эса манҳажга бўлган иймондир.

Иброҳим ўз бошқарувини Аллоҳга топширган вақтда, Аллоҳнинг барча буйруқ ва қайтарувларига таслим бўлди. Агар бу иборани пайғамбарларга татбиқ этсак, Одам عليه السلام муслмон бўлганини, Нух عليه السلام муслмон бўлганини ва Росулulloҳ عليه السلام дан олдин ўтган барча пайғамбарлар муслмон бўлганини билиб оламиз.

Ҳар бир пайғамбар ва ҳар бир элчи ҳар бир нарсада ўз бошқарувини Аллоҳга топширган ва Аллоҳ юборган манҳажни татбиқ этган. Шунинг учун Ислом барча пайғамбарлар ва олдинги китобларга иймон келтирганларнинг сифати бўлган. Бу нарса то Росулulloҳ عليه السلام га (буйруқ ва қайтарувлардан иборат) осмон рисолати у билан яқунланган тўлиқ манҳаж нозил бўлгунга қадар давом этди. Энди келадиган янги буйруқ қолмади. Бирор киши Росулulloҳ عليه السلام га нозил бўлган Исломдан бошқасини Аллоҳ учун шарият қила олмайди.

Исломдан кўзланган мақсад рўёбга чиқди ва Аллоҳдан манҳаж тўлиқ нозил бўлди. Ислом соф ақида сифатида қарор топиб, у мусулмон Умматининг, Муҳаммад ﷺ Умматининг белгисига айланди. Бу Умматга бошқа халқлар қувиб ета олмайди, чунки у Муҳаммад ﷺ га нозил бўлган ҳар бир нарсада Аллоҳга таслим бўлган Умматдир. Шунинг учун Аллоҳ Таоло деди:

﴿إِنَّ أَوْلَى النَّاسِ بِإِبْرَاهِيمَ لَلَّذِينَ اتَّبَعُوهُ وَهَذَا النَّبِيُّ وَالَّذِينَ آمَنُوا وَاللَّهُ وَلِيُّ الْمُؤْمِنِينَ﴾

(Одамларнинг Иброҳимга яқинроғи унинг йўлига эргашган зотлар, мана бу пайғамбар (Муҳаммад алайҳиссалом) ва иймон келтирган кишилардир. Аллоҳ мўминларнинг дўстидир).

Шуни эйтибордан қочирмаслигимиз лозимки, саййидимиз Муҳаммад ﷺ дан олдинги ҳар бир элчи маълум бир қавмга келган. Масалан Мусо ﷺ Бану Исроилга келган, Исо ﷺ ҳам шундай. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَرَسُولًا إِلَىٰ بَنِي إِسْرَائِيلَ﴾

«Ва уни Бану Исроил қавмига пайғамбар қилади»

[Оли Имрон 49]

яъни ўзи олиб келган ва олдинги элчиларга нозил бўлган манҳажни татбиқ этиш доирасида итоат қилгувчи пайғамбар қилади. Баъзи шариатлар ўзгариб, иймоний манҳажни тозалаш охирги рисолат, яъни барча одамлар учун умумий бўлган Муҳаммад ﷺ рисолати билан тамомига етгач, бу халқларнинг баъзилари Муҳаммад ﷺ нинг рисолатига иймон келтирдилар, худди саййидимиз Муҳаммад ﷺ юборилган кишилар иймон келтирганидек. Шундай қилиб иймон карвони охирги дин орқали бизгача етиб келди ва Муҳаммад ﷺ Уммати исломий халқларнинг охиргиси бўлди. Чунки Росулulloҳ ﷺ пайғамбар ва элчиларнинг охиргисидир.

Абу Ҳурайра ривоят қилган ҳадисда Росулulloҳ ﷺ дедилар:

﴿إِنَّ مَثَلِي وَمَثَلَ الْأَنْبِيَاءِ مِنْ قَبْلِي كَمَثَلِ رَجُلٍ بَنَى بَيْتًا فَأَحْسَنَهُ وَأَجْمَلَهُ إِلَّا مَوْضِعَ لَبْنَةٍ مِنْ زَاوِيَةٍ، فَجَعَلَ النَّاسُ يَطُوفُونَ بِهِ وَيَعْجَبُونَ لَهُ وَيَقُولُونَ: هَلَّا وُضِعَتْ هَذِهِ اللَّبْنَةُ؟ قَالَ: فَأَنَا اللَّبْنَةُ وَأَنَا

خَاتِمُ النَّبِيِّينَ»

«Мен билан мендан аввалги пайғамбарларнинг мисоли худди бир уйни яхшилаб, чиройли қилиб қуриб, бир бурчагидан бир ғиштнинг ўрнини қолдириб қўйган кишига ўхшайди. Одамлар уни айланиб кўриб, қойил қолишади ва мана шу ғишт ҳам ўрнига қўйилганда эди, дейишади. Мен ўша ғиштман. Мен пайғамбарларнинг сўнгисиман».

Яҳудий ва насронийлар Иброҳим яҳудий ёки насроний бўлган дейишган вақтда, улар буни Иброҳим عليه السلام пайғамбарларнинг отаси бўлгани учун айтишди. Улар Иброҳим عليه السلام дан тарқалишгани каби иймоний ҳужайранинг асосини ҳам ўзларига нисбат беришга уринишди. Ҳолбуки иймон масаласи жинс ёки ватан ёки қариндошчилик ёки бошқа бирор мансублик эмас, фақат Аллоҳнинг ягона йўлига мансубликдир. Шунинг учун одамларнинг Иброҳимга яқинроғи унинг зурриётидан бўлганлар эмас. Балки одамларнинг Иброҳимга яқинроғи унга эргашганлар ва Пайғамбаримиз Мухаммад عليه السلام дир. Дарҳақиқат у киши Иброҳим عليه السلام га эргашдилар. Шунинг учун Иброҳим عليه السلام нинг наслидан бўлган, лекин манҳажни ўзгартириб, иймонни давом эттирмаган кишиларнинг Иброҳимга алоқаси йўқ. Аллоҳ Таоло Иброҳим عليه السلام билан алоқадор бу масалани қуйидаги оятда ҳал қилиб қўйган:

﴿وَإِذْ أَبْتَلَىٰ إِبْرَاهِيمَ رَبُّهُ بِكَلِمَاتٍ فَأَتَمَّهُنَّ ۖ قَالَ إِنِّي جَاعِلُكَ لِلنَّاسِ إِمَامًا ۗ قَالَ وَمِن ذُرِّيَّتِي ۗ قَالَ لَا يَنَالُ عَهْدِي الظَّالِمِينَ﴾

«Эсланг: Иброҳимни Парвардигори бир неча сўзлар билан имтиҳон қилганида, уларни бениқсон ҳолда адо этди. Шунда (Аллоҳ Таоло): «Албатта Мен сени одамларга имом қилгувчидирман», деди. «Зурриётимни ҳам-а?» - деб сўради у. (Аллоҳ Таоло) айтди: «Менинг бу аҳдим (сенинг зурриётинг орасидаги) золим кимсаларга етмайди»»

[Бақара 124]

Дарҳақиқат Аллоҳ Таоло Иброҳимни калималар, яъни буйруқ ва қайтарувлар билан имтиҳон қилди. Иброҳим عليه السلام бу ишни энг юқори даражада бажарди. Уларни нафақат шаклий кўринишда, балки шаклан ва мазмунан амалга оширди. Масалан буйруқ ва қайтарувларни фақат шаклан бажариш деганда бир киши Аллоҳнинг беш вақт намоз ўқиш фарзини фақат шаклан бажаради. Лекин бошқаси уни мазмунан ва

шаклан мукаммал суратда адо этади. Яъни у намозни Аллоҳ ундан рози бўладиган даражада бажаради.

Дарҳақиқат Иброҳим عليه السلام Аллоҳдан таклифий калималар билан келган синовларини мукаммал тарзда бажарди. Аллоҳ Таоло Иброҳим عليه السلام ни Байт (Каъба)нинг деворини кўтаришга буюрганда, у Каъбанинг деворини қўли етадиган жойигача қуриши етарли эди. Агар у шу ишни қилганида буйруқни бажарган бўлар эди. Лекин у киши عليه السلام Каъбани қуриш буйруғини мукаммал тарзда амалга оширди. Каъба биносини қўли етадиган жойгача қурди ҳамда маҳоратини ҳам ишга солди. Яъни бир тошни олиб келиб, устига чиқди ва ўша тошнинг баландлиги миқдорича деворни яна кўтарди. Қудрати етгунича кучини сарфлади ва маҳоратини ишга солди. Чунки ўша замонда ҳавоза (леса) ва шунга ўхшаш баландликда ишлаш учун қўлланиладиган қуроллар мавжуд эмас эди.

Агар Иброҳим عليه السلام бинонинг пойдеворини қўли етган жойгача қурганида ҳам Аллоҳнинг буйруғини бажарган бўлар эди. Лекин у ўзининг шахсий имкониятидан фойдаланиб маҳоратини ишга солди. Шу сабабдан Каъбанинг деворини баландроқ кўтариш учун ўзи устига чиқиб девор урадиган тошни олиб келди. Биз у (мақоми Иброҳим)ни Байтул Ҳаромнинг тушаверишидаги жойида кўрганмиз. Иброҳим عليه السلام Аллоҳнинг буйруқларини мукаммал тарзда адо этгач, Аллоҳ Таоло

﴿إِنِّي جَاعِلُكَ لِلنَّاسِ إِمَامًا﴾

«Албатта Мен сени одамларга имом қилгувчидирман»

[Бақара 124]

деди. Яъни эй Иброҳим албатта сен одамларга уларнинг динларида имом бўлиш ишончига лойиқсан. Чунки сен буйруқ ва қайтарувларни тўла ва ишонч билан бажардинг. Энди Иброҳим عليه السلام нинг ўз Роббиси манҳажни борасидаги ғайратини кўринг. Иброҳим عليه السلام бу манҳажни фақат ўзининг ҳаётидагина давом этишини хоҳламади, аксинча, бу манҳаж ва имомлик унинг зурриётларида ҳам давом этишини Аллоҳдан сўради. Аллоҳ Таоло Иброҳимнинг тилида бу омонатнинг ўз зурриётларида давом этишини сўраб

﴿وَمِن ذُرِّيَّتِي﴾

«Зурриётимни ҳам-а?»

[Бақара 124]

деди. Албатта саййидимиз Иброҳим عليه السلام бу манҳаж борасида ғайратга тўлиб тошгани учун вафот этганидан кейин бу манҳажга нима бўлишидан қўрқди. Лекин Ҳақ Таоло Иброҳим орқали барча бандаларига шундай деб билдирди:

﴿لَا يَتَّالِ عَهْدِي الظَّالِمِينَ﴾

«Менинг бу аҳдим (сенинг зурриётинг орасидаги) золим кимсаларга етмайди»

[Бақара 124]

Яъни масала мерос эмас, чунки сенинг зурриётингдан ўзига зулм қиладиган ва бу манҳажни ўз нафси ҳавосига мос равишда ўзгартирадиган кишилар чиқади, бу эса уларнинг имомликка лойиқ эмаслигини билдиради. Бу ерда Аллоҳ Таоло бизга пайғамбарлик меросининг қоидаларини ўргатяпти. Ушбу қоидага кўра пайғамбарлик меросини бу манҳажни ўзгартиришсиз татбиқ этишга қодир кишигина олади. Росулulloҳ عليه السلامнинг Салмон Форсийга айтган қуйидаги сўзи бунга мисолдир: «Салмон биздан, оли байтдан».

Халқлар саййиди Муҳаммад عليه السلام Салмон Форсийга (сен араблардансан) демади, балки уни оли байтга нисбатлади. Яъни уни пайғамбарлик меросига нисбат берди. Бу мерос манҳажни тўла татбиқ этишни тақозо қилади. Дарҳақиқат, Росулulloҳ عليه السلام Аллоҳ Таоло Иброҳим عليه السلامга пайғамбарлик мероси ҳақида нимани ўргатганини ҳамда бу нарса қариндошчилик билан эмас, балки манҳажни матнан ва руҳан татбиқ этиш билан бўлишини билар эди. Саййидимиз Муҳаммад عليه السلام Аллоҳ Таоло Нуҳ عليه السلامга нимани ўргатгани ва Нуҳга уни ва аҳлини тўфондан қутқариши ҳақида ваъда берганини ҳам билар эди.

Нуҳ عليه السلام ўғлининг чўкиб кетаётганини кўриб, «Аллоҳ менга аҳлингни қутқараман деб ваъда берган эди-ку» деб Роббисига шундай деди: «Нуҳ парвардигорига нидо қилиб, деди:

﴿وَنَادَى نُوحٌ رَبَّهُ فَقَالَ رَبِّ إِنَّ ابْنِي مِنْ أَهْلِي وَإِنَّ وَعْدَكَ الْحَقُّ وَأَنْتَ أَحْكَمُ الْحَكَمِينَ﴾

«Нуҳ Парвардигорига нидо қилиб, деди: «Парвардигорим, албатта, ўғлим менинг аҳли оиламдандир ва шубҳасиз, Сенинг (аҳли оиламга нажот бериш хусусидаги) ваъданг ҳақ ваъдадир. Сен энг адолатли ҳукм қилгувчисан»

[Ҳуд 45]

Шунда Аллоҳ Таоло Нухнинг ўғлига нажот бериши ҳақидаги талабини рад этиб

﴿قَالَ يَنْوُحُ إِنَّهُ لَيْسَ مِنْ أَهْلِكَ إِنَّهُ عَمَلٌ غَيْرُ صَالِحٍ فَلَا تَسْأَلْنِي مَا لَيْسَ لَكَ بِهِ عِلْمٌ ۗ إِنِّي أَعْطِكُ أَنْ تَكُونَ مِنَ الْجَاهِلِينَ﴾

«(Аллоҳ) айтди: «Эй Нух, у сенинг аҳлингдан эмас! Албатта у(нинг қилган амали куфр йўлини тутгани) ёмон амалдир. Бас, ўзинг яхши билмаган нарса ҳақида асло Мендан сўрамагин! Албатта, Мен сенга жоҳил-нодонлардан бўлмасликни буюраман»» [Ҳуд 46]

Келинг Нух ﷺ ўғлининг аҳлликка ноҳақлиги ҳақидаги Қуръон изоҳини кўриб чиқайлик.

﴿إِنَّهُ لَيْسَ مِنْ أَهْلِكَ﴾

«У сенинг аҳлингдан эмас!»

[Ҳуд 46]

Нима учун, чунки

﴿إِنَّهُ عَمَلٌ غَيْرُ صَالِحٍ﴾

«Албатта у(нинг қилган амали куфр йўлини тутгани) ёмон амалдир» [Ҳуд 46]

Ҳақ Таоло (У ёмон амал қилгувчи) демади – шахсият ман қилинган – чунки Аллоҳ Таоло амалга қараб ҳисоб-китоб қилади. Иймон эса насаб эмас, ёки бирор юрт ёки қавмга мансублик эмас. Балки у амалдир. Кимки бирор элчининг шариатига амал қилса, ўша элчи аҳлидан бўлади. Пайғамбарларга нисбат бериш пайғамбар насабидан бўлган шахсга эмас, балки ўша шахс қилаётган амалга қараб бўлади.

Бошқа бир ўринда Аллоҳ Таоло бизга саййидимиз Иброҳим ﷺ орқали бир позицияни ўргатадики, бу позиция яратувчининг Ўзига иймон келтирган ва кофир бўлган бандаларига нисбатан раҳматини тасвираб беради. Дарҳақиқат Иброҳим ﷺ Маккада яшовчи оиласи учун мўл ризқ сўради. Бу Қуръонда шундай келади:

﴿وَإِذْ قَالَ إِبْرَاهِيمُ رَبِّ اجْعَلْ هَذَا بَلَدًا ءَامِنًا وَارْزُقْ أَهْلَهُ مِنَ الثَّمَرَاتِ مَنْ ءَامَنَ مِنْهُمْ بِاللَّهِ ۗ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ﴾

«Эсланг, Иброҳим: «Эй Парвардигор, бу шаҳарни тинч шаҳар қилгин ва унинг аҳлларида Аллоҳга ва охират кунига иймон

келтирганларини турли мевалар билан ризқлантиргин», деган эди» [Бақара 126]

Хўш, Аллоҳ Таоло Иброҳимнинг Макка аҳлидан фақат иймон келтирганларни ризқлантириши хусусидаги дуосини ижобат қилдими? Йўқ, аксинча, мўминни ҳам, кофирни ҳам ризқлантирди. Аллоҳ Таоло:

﴿قَالَ وَمَنْ كَفَرَ فَأُمْتِعُهُ قَلِيلًا ثُمَّ أَضْطَرُّهُ إِلَىٰ عَذَابِ النَّارِ وَبِئْسَ الْمَصِيرُ﴾

«Аллоҳ Таоло: «Кофирларини ҳам бир оз фойдалантириб, сўнгра дўзах азобига дучор қиламанки, бу энг ёмон оқибатдир», деди» [Бақара 124]

деган пайт Иброҳимга мазкур нарсани ўргатган эди.

Албатта моддий ризқ ва моддий озикланиш бандаларнинг барчаси; мўмини-ю кофирига Аллоҳ томонидан кафолатлангандир. Чунки у мўминни ҳам, кофирни ҳам бу дунёга келтирган зотдир. Аммо манҳаж борасидаги ризқ бундан бошқача. Чунки манҳажга эргашиш нозил бўлган нарсага ўзгартирмасдан таслим бўлишни талаб қилади. Бу манҳажга Иброҳим عليه السلام дан кейин келган кишилардан жуда озчилиги эргашди. Мусо عليه السلام нинг рисолатига ўзгартиришсиз иймон келтирганлар ҳам жуда озчиликни ташкил қилади.

Сўнгра Исо عليه السلام Бану Исроилни соф моддийликдан буриб, ғайбга бўлган иймонга чақирувчи рисолат билан келди. Аммо у кишининг рисолати ҳам ўзгартирилди. Шунга кўра, Иброҳим عليه السلام га энг яқин бўлган одамлар аввалги барча рисолатларни покловчи ҳамда охирги ва тўғри манҳажга эргашганлардир. Ана ўшалар Муҳаммад عليه السلام нинг рисолатига иймон келтирганлардир. Аллоҳ Таоло Раҳмоннинг дўсти бўлмиш Иброҳимнинг рисолатига ва Муҳаммад عليه السلام нинг рисолатига тўғри ва мукамал тарзда иймон келтирган мўминларнинг барчасининг дўстидир. □

**«КЕЧАСИ ОДАМЛАР УХЛАБ ЁТГАНИДА НАМОЗ ЎҚИНГ,
ШУНДА ЖАННАТГА ХОТИРЖАМ КИРАСИЗ»**

Дарҳақиқат Росулulloҳ ﷺ ўз Умматини қиёмул-лайлга қизиқтирди. Чунки унда кўплаган фазилат, яхшилик, баракот, раҳмат бордир. Унда дуолар ижобат бўлади, эҳтиёжлар қондирилади, касалликлар кетади ва ҳурмат эшиклари очилади...

– Муғйира ибн Шўъба айтади: Росулulloҳ ﷺ оёқлари ишиб кетгунича (тунда намоз ўқиган ҳолда) турдилар. Шунда у кишига: Ахир сизнинг олдинги-ю кейинги қилган гуноҳларингизни Аллоҳ кечирган-ку?! – дейишган эди, у киши ﷺ

«أَفَلَا أَكُونُ عَبْدًا شَكُورًا!»

«Мен шукр қилгувчи банда бўлмайинми?», деб жавоб бердилар. Бухорий, Муслим ва Насоий ривояти.

– Абу Ҳурайра رضي الله عنه ривоят қилади: Росулulloҳ ﷺ дедилар:

«أَفْضَلُ الصَّيَامِ بَعْدَ رَمَضَانَ شَهْرُ اللَّهِ الْمُحَرَّمِ، وَأَفْضَلُ الصَّلَاةِ بَعْدَ الْفَرِيضَةِ صَلَاةُ

الَّيْلِ»

«Рамазон рўзасидан кейинги энг афзал рўза Аллоҳнинг Мухаррам ойидаги рўзадир. Фарз намозларидан кейинги энг афзал намоз тунги намоздир». Муслим, Абу Довуд, Термизий ва Насоий ривоят қилган, Ибн Ҳузайма ҳам саҳиҳида келтирган.

– Абдуллоҳ ибн Салом رضي الله عنه айтади: Росулulloҳ ﷺ Мадинага биринчи келганларида одамлар у зотнинг олдига оқиб келдилар. Мен ҳам ўшалар ичида бор эдим. Мен у кишининг юзига қараганимда, у кишининг юзи ёлғончининг юзи эмаслигини билдим. Мен у кишидан эшитган биринчи гап қуйидагича эди:

« يَا أَيُّهَا النَّاسُ، أَفْشُوا السَّلَامَ، وَأَطْعِمُوا الطَّعَامَ، وَصَلُّوا الْأَرْحَامَ، وَصَلُّوا بِاللَّيْلِ وَالنَّاسُ

نِيَامٌ، تَدْخُلُوا الْجَنَّةَ بِسَلَامٍ»

«Эй одамлар саломлашишни ёйинглар, (камбағалларни) таомлантиринглар, қариндошчилик ришталарини боғланглар ва тунда одамлар ухлаётган пайтда намоз ўқинглар, шунда жаннатга хотиржам кирасизлар».

Термизий ривояти. Саид ибн Мусайяб айтади: Кимки тунда туриб намоз ўқиса, Аллоҳ унинг юзида бир нурни пайдо қилади ва уни барча мусулмонлар яхши кўриб қолади. Уни ҳеч қачон кўрмаган одам кўриб, мен бу кишини яхши кўраман, дейди. Ҳасан Басрийдан, нима учун кечаси намоз ўқийдиганлар одамлар ичида энг гўзал юзли бўлишади? – деб сўрашганида, у киши, чунки улар Раҳмон билан холи қолганларида, уларни Ўз нури билан безайди, деб жавоб берган эди.

– Муоз ибн Жабал رضي الله عنه ривоят қилади: Росулulloҳ ﷺ дедилар:

« مَا مِنْ مُسْلِمٍ يَبِيْتُ طَاهِرًا، فَيَتَعَارَى مِنَ اللَّيْلِ، فَيَسْأَلُ اللَّهَ حَبِيرًا مِنْ أَمْرِ الدُّنْيَا وَالْآخِرَةِ

إِلَّا أَعْطَاهُ اللَّهُ إِيَّاهُ»

«Қайсики мусулмон таҳорат қилиб ухласа ва тунда уйғониб, Аллоҳдан дунё ва охират ишларидан яхшилиқни сўраса, албатта Аллоҳ уни беради». Абу Довуд, Насоий ва Ибн Можа ривояти.

– Жобир رضي الله عنه ривоят қилади: Мен Росулulloҳ ﷺ нинг шундай деб айтаётганларини эшитдим:

« إِنَّ فِي اللَّيْلِ لَسَاعَةً لَا يُؤَافِقُهَا رَجُلٌ مُسْلِمٌ، يَسْأَلُ اللَّهَ حَبِيرًا مِنْ أَمْرِ الدُّنْيَا وَالْآخِرَةِ إِلَّا

أَعْطَاهُ إِيَّاهُ، وَذَلِكَ كُلُّ لَيْلَةٍ»

«Тунда бир соат мавжуд бўлиб, мусулмон киши унда Аллоҳдан дунё ва охират ишидан яхшилиқни сўраса, Аллоҳ унга беради ва бу ҳар кеча бўлади». Муслим ривояти.

– Уқба ибн Омир رضي الله عنه ривоят қилади: Мен Росулulloҳ صلى الله عليه وسلمнинг шундай деганларини эшитдим:

«الرَّجُلُ مِنْ أُمَّتِي يَقُومُ مِنَ اللَّيْلِ يُعَالِجُ نَفْسَهُ إِلَى الطَّهْوَرِ، وَعَلَيْهِ عُقْدَةٌ، فَإِذَا وَصَّأَ يَدَيْهِ ائْتَلَتْ عُقْدَةٌ، وَإِذَا وَصَّأَ وَجْهَهُ ائْتَلَتْ عُقْدَةٌ، وَإِذَا مَسَحَ رَأْسَهُ ائْتَلَتْ عُقْدَةٌ، وَإِذَا وَصَّأَ رِجْلَيْهِ ائْتَلَتْ عُقْدَةٌ، فَيَقُولُ اللَّهُ عَزَّ وَجَلَّ لِلَّذِينَ وَرَاءَ الْحِجَابِ: انظُرُوا إِلَى عَبْدِي هَذَا يُعَالِجُ نَفْسَهُ، يَسْأَلُنِي، مَا سَأَلَنِي عَبْدِي هَذَا فَهُوَ لَهُ»

«Умматимдан кимдир бирор муаммолари бор ҳолда кечаси туриб, таҳорат қилса, қўлини юганда битта муаммоси ечилади, юзини ювса яна бири, бошига масҳ тортса яна бири, оёғини ювса яна бири ечилади. Шунда Аллоҳ Таоло ҳижоб ортидагиларга: бандамга қаранг, покланиб, мендан сўраяпти. Бандам мендан нимани сўраса, сўрагани берилади, дейди». Аҳмад ривояти, Ибн Ҳиббон ҳам саҳиҳида ривоят қилган ва лафз уники.

– Абу Умома Боҳилий رضي الله عنه ривоят қилади: Росулulloҳ صلى الله عليه وسلم дедилар:

«عَلَيْكُمْ بِقِيَامِ اللَّيْلِ؛ فَإِنَّهُ دَأْبُ الصَّالِحِينَ قَبْلَكُمْ، وَقُرْبَةٌ إِلَى رَبِّكُمْ، وَمَكْفَرَةٌ لِلسَّيِّئَاتِ، وَمَنْهَآةٌ عَنِ الْإِثْمِ»

«Тунда намоз ўқинглар. Чунки бу сиздан аввалги солиҳларнинг одати бўлиб, у сизларни Аллоҳга яқинлаштиради ва гуноҳларингизни ўчириб, маъсиятдан сақлайди». Термизий ривояти.

– Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос رضي الله عنه ривоят қилади: Росулulloҳ صلى الله عليه وسلم дедилар:

«أَحَبُّ الصَّلَاةِ إِلَى اللَّهِ صَلَاةُ دَاوُدَ، وَأَحَبُّ الصِّيَامِ إِلَى اللَّهِ صِيَامُ دَاوُدَ؛ كَانَ يَتِمُّ نِصْفَ اللَّيْلِ، وَيَقُومُ ثُلُثَهُ، وَيَتِمُّ سُدُسَهُ، وَيَصُومُ يَوْمًا، وَيُفْطِرُ يَوْمًا»

«Намозлар ичида Аллоҳ энг яхши кўрадигани Довуднинг намозидир. Рўзаларнинг энг яхшиси Довуднинг рўзасидир. Довуд кечанинг ярмигача ухлаб, учдан бирида намоз ўқир ва олтидан бирида ухлар эди. Бир

кун рўза тутса, бир кун тутмас эди». Бухорий, Муслим, Абу Довуд, Насоий ва Ибн Можа ривояти.

– Абу Хурайра ва Абу Саид رضي الله عنه ривоят қиладилар: Росулulloҳ ﷺ дедилар:

«إِذَا أَيَقَظَ الرَّجُلُ أَهْلَهُ مِنَ اللَّيْلِ فَصَلِّ أَوْ صَلِّ رَكَعَتَيْنِ جَمِيعًا كُتِبَا فِي الدَّائِرِينَ وَالذَّاكِرَاتِ»

«Агар киши тунда аҳли аёлини уйғотиб, иккиси намоз ўқисалар, ёки жамоат бўлиб икки ракат ўқисалар, Аллоҳни кўп ёдга олувчи эркак ва аёллар сафига ёзиладилар». Абу Довуд ривояти.

– Саҳл ибн Саъд رضي الله عنه ривоят қилади: Жаброил عليه السلام Пайғамбаримиз ﷺга келиб шундай деди:

«يَا مُحَمَّدُ ! عَشَ مَا شِئْتَ فَإِنَّكَ مَيِّتٌ، وَأَعْمَلُ مَا شِئْتَ فَإِنَّكَ مَجْرِيٌّ بِهِ، وَأَحِبُّ مَنْ

شِئْتَ فَإِنَّكَ مُفَارِقُهُ، وَاعْلَمْ أَنَّ شَرَفَ الْمُؤْمِنِ قِيَامُهُ بِاللَّيْلِ، وَعِزَّهُ اسْتِغْنَاؤُهُ عَنِ النَّاسِ»

«Эй Муҳаммад, хоҳлаганингиздай яшанг, барибир ўлгувчисиз, хоҳлаганингиздай амал қилинг, сиз унинг учун жазо-мукофот оласиз, хоҳлаган кишингизни яхши кўринг, барибир ундан ажралгувчисиз. Билингки, мўминнинг шарафи қиёмуллайл ва унинг азизлиги одамлардан беҳожатлигидир». Табароний Авсатда ривоят қилган.

– Ибн Аббос رضي الله عنه ривоят қилади: Росулulloҳ ﷺ дедилар:

«أَشْرَافُ أُمَّتِي حَمَلَةُ الْقُرْآنِ وَأَصْحَابُ اللَّيْلِ»

«Умматим ичида энг шарафлилари Қуръонни кўтарганлар ва тун соҳиблари (тунда намоз ўқиғувчилари)дир». Ибн Абу Дунё ва Байҳақий ривояти.

– Абу Дардо رضي الله عنه ривоят қилади: Росулulloҳ ﷺ дедилар:

«ثَلَاثَةٌ يُحِبُّهُمُ اللَّهُ وَيُضْحِكُ إِلَيْهِمْ، وَيَسْتَبْشِرُ بِهِنَّ: الَّذِي إِذَا انْكَشَفَتْ فِتْنَةٌ قَاتَلَ وَرَاءَهَا بِنَفْسِهِ لِلَّهِ عَزَّ وَجَلَّ فَإِمَّا أَنْ يَقْتَلَ وَإِمَّا أَنْ يَنْصُرَهُ اللَّهُ عَزَّ وَجَلَّ وَيَكْفِيَهُ، وَيَقُولُ: انْظُرُوا إِلَى عَبْدِي هَذَا، كَيْفَ صَبَرَ لِي بِنَفْسِهِ؟ وَالَّذِي لَهُ امْرَأَةٌ حَسَنَةٌ، وَفِرَاشٌ لَيْنٌ حَسَنٌ، فَيَقُومُ

من اللَّيْلِ، فَيَقُولُ يَذُرُّ شَهْوَتَهُ وَيَذْكُرُنِي وَلَوْ شَاءَ رَقَدَ، وَالَّذِي إِذَا كَانَ فِي سَفَرٍ، وَكَانَ مَعَهُ رَكْبٌ، فَسَهَرُوا، ثُمَّ هَجَعُوا فَقَامَ مِنَ السَّحْرِ فِي صِرَاءٍ وَسِرَاءٍ»

«Уч киши борки, Аллоҳ уларни яхши кўради, уларга табассум қилиб кулади ва уларни хурсанд қилади: бир киши бир гуруҳ ортида туриб, Аллоҳ учун жанг қилса ва ўлдирилса ёки Аллоҳ унга нусрат берса. Аллоҳ айтади: бу бандамга қаранг, мен учун сабр қилди. Иккинчиси, чиройли аёли ва юмшоқ тўшаги бўла туриб, тунда туриб намоз ўқиса. Аллоҳ айтади: шаҳватидан воз кечиб, мени эсламоқда, агар хоҳласа ухлар эди. Учинчиси, бир карвон билан сафар қилса ва улар туни билан ухламай, сўнг уйқуга кетиб қолсалар, у эса қийинчиликда ҳам, хурсандчиликда ҳам саҳар туриб намоз ўқиса». Табароний Кабирда ҳасан иснод билан ривоят қилган.

– Ибн Масъуд رضي الله عنه ривоят қилади: Посулulloҳ ﷺ дедилар:

«عَجِبَ رَبُّنَا تَعَالَى مِنْ رَجُلَيْنِ: رَجُلٍ نَارَ عَنْ وَطْأَنِهِ وَحَافِهِ مِنْ بَيْنِ أَهْلِهِ وَحِبِّهِ إِلَى صَلَاتِهِ، فَيَقُولُ اللَّهُ لِمَلَائِكَتِهِ: انظُرُوا إِلَى عَبْدِي نَارَ عَنْ فِرَاشِهِ وَوِطْأَنِهِ مِنْ بَيْنِ حَبِّهِ وَأَهْلِهِ إِلَى صَلَاتِهِ رَغْبَةً فِيمَا عِنْدِي، وَشَفَقًا مِمَّا عِنْدِي، وَرَجُلٍ غَزَا فِي سَبِيلِ اللَّهِ، فَأَنْهَزَمَ مَعَ أَصْحَابِهِ، فَعَلِمَ مَا عَلَيْهِ فِي الْأَنْزَامِ، وَمَا لَهُ فِي الرُّجُوعِ، فَرَجَعَ حَتَّى يُهْرِقَ دَمَهُ، فَيَقُولُ اللَّهُ لِمَلَائِكَتِهِ: انظُرُوا إِلَى عَبْدِي رَجَعَ رَغْبَةً فِيمَا عِنْدِي، وَشَفَقًا مِمَّا عِنْدِي حَتَّى يُهْرِقَ دَمَهُ»

«Роббимиз икки кишидан ажабланди: бир киши тунда аҳли-оиласи ва севган аёли орасида ётган тўшагини тарк этиб, намоз ўқиса. Шунда Аллоҳ Таоло айтади: бандамга қаранг, севган аёли ва аҳли-оиласи орасидаги тўшагидан намозига қўзғалиб, менинг ҳузуримдаги нарсани ва шафқатимни хоҳламоқда. Иккинчиси Аллоҳ йўлида жиҳод қилган ва унинг ҳамроҳлари мағлубиятга учраган киши. У мағлубиятда унга нима зиён бўлишини ва жангга қайтишда нима фойда бўлишини билиб, сўнг

жангга қайтиб жони узилган кишидир. Аллоҳ у ҳақида, бандамга қаранг, Менинг ҳузуримдаги нарсани ва шафқатимни умид қилиб, қайтди ва шу йўлда жони узилди, дейди». Аҳмад ривояти.

– Абдуллоҳ ибн Абу Қайс رضي الله عنه ривоят қилади: Оиша رضي الله عنها деди:

«لَا تَدْعُ قِيَامَ اللَّيْلِ؛ فَإِنَّ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ كَانَ لَا يَدْعُهُ وَكَانَ إِذَا مَرَضَ أَوْ كَسِلَ، صَلَّى قَاعِدًا»

«Қиёмуллайлни тарк этманг. Чунки Росулulloҳ ﷺ уни ҳеч тарк этмаганлар. У киши касал бўлган пайтларида уни ўтириб ўқиганлар». Абу Довуд ривояти, Ибн Ҳузайма саҳиҳида ривоят қилган.

– Оиша رضي الله عنها ривоят қилади: Росулulloҳ ﷺ дедилар:

«مَا مِنْ أَمْرٍ تَكُونُ لَهُ صَلَاةٌ بَلِيلٍ يَغْلِبُهُ عَلَيْهَا نَوْمٌ إِلَّا كُتِبَ لَهُ أَجْرُ صَلَاتِهِ وَكَانَ نَوْمُهُ عَلَيْهِ صَدَقَةً»

«Тунда доим намоз ўқийдиган киши уйқу ғолиб бўлиб, ухлаб қолса, Аллоҳ Таоло унга намози миқдорича савоб ёзади, уйқуси эса ўзига садақа бўлади». Имом Молик, Абу Довуд ва Насоий ривояти. □

Ҳозирги уруш туфайли 40 мингдан ортиқ фаластинлик шаҳид бўлди, 100 мингга яқини яраланди ва минглаб болалар бедарак йўқолди. Бедарак йўқолган баъзи болаларнинг ишғол аскарлари ёнида эканлиги кузатилган. Бу кейинчалик Хон Юнусда ўлдирилган (исроиллик) аскарнинг эътирофидан кейин маълум бўлди. У ўз дўстига Ҳазо секторида фаластинлик чақалоқнинг ўғирлаганини айтган. «Болаларни қутқаринг» ташкилоти томонидан «Ҳазода бедарак йўқолган болалар» сарлавҳаси остида чиқарилган ҳисоботга кўра, (Исроил) агрессияси, шу жумладан, ўғирлаш ва мажбуран ҳибсга олиш ҳолатлари натижасида Ҳазода тахминан 21 минг нафар бола бедарак йўқолгани тасдиқланган. Босқинчи (Исроил) болаларни ўғирлаш, ўлдириш, эксплуатация қилиш ва ҳатто улар каби яҳудий бўлса ҳам, уларнинг устида тиббий тажриба ўтказишнинг узоқ тарихига эга. 2016 йил декабр ойи охирида, босқинчи ҳукуматга жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари томонидан босим бўлганидан кейин (Исроил) архивлари (Исроил)да яманлик (яҳудий) болаларнинг йўқолганига оид 210 минг ҳужжатни ўз ичига олган 3500 та ҳужжатлар тўпламини эълон қилди. Босиб олинган ҳудудларга уларнинг келганига ярим асрдан кўпроқ вақт ўтган бўлса-да, ҳалигача оилалари улар ҳақида ҳеч нарса билишмайди. Бу ҳужжатларда бир қатор давлат амалдорларининг бир-бирини айблагани ва жавобгарликдан бўйин товлагани қайд этилган. Шунингдек, фарзанд кўрмаган яҳудийлар фойдасига Ямандан келган болалар мунтазам ўғирланишининг ўзига хос хусусиятлари очиб берилган. Unet веб-сайтига кўра, шифокорлар ва ижтимоий хизмат ходимлари назорати остида яманлик болалар даволанишга муҳтож деган баҳона билан оналаридан ажратиб олиниб, кейин яҳудий ва америкалик оилаларга асраб олишлари учун берилган. «Israel Hayom» газетасига кўра, бу болаларнинг баъзилари, яманлик (яҳудий) болалар Ашкенази (Ҳарб ва Европа яҳудийлари) болаларига қараганда «қадрсизроқ» деган эътиборда, гиёҳвандлик тажрибалари учун намуна сифатида ишлатилган. Текширувлар натижасида одам ўғирлашда яҳудий дин арбобининг иштироки аниқланган. Бемор фуқаро болаларнинг «йўқолишини» оқлаш учун, бу баъзи ҳолларда яманлик болалар исмларининг мураккаблигига, тиббиёт ходимлари томонидан уларни ўқиш ёки тушуниш қийинлигига боғланган. Улар ўзларидан бошқа бирортаси тушуна олмайдиган олтига исмдан фойдаланишган. Баъзиларнинг даъво қилишича, яманлик болалар олган яхши муолажа, уларни олиб кетиш учун келган оилаларининг ўз болаларини таний олмаслигига олиб келган. Яна баъзиларнинг маълум қилишича, «оқ танли Ашкиназилар яманлик болаларнинг ўлганини даъво қилишган, аммо улар ўзларининг болалари йўқлиги учун уларни ўғирлаб кетишган». Ҳужжатлар шуни кўрсатдики, «Эйтаним» руҳий касалликлар шифохонаси чақалоқларни қабул қилиб, уларнинг руҳий касалликка учраганини даъво қилган. Улар бир неча йиллар давомида даволаниш босқинчида қолдирилиб, уларнинг устида тажрибалар ўтказилган. Бу эллигинчи йилларда, яъни янги келган яҳудийлар лагерларидан яманлик ва болқонлик (яҳудий) болалар тўсатдан йўқолиб қолган даврда юз берган.

Ал-Ваъй: Бу ўша мураккаб ва чалкаш бало бўлган (Исроил)дир. Яҳудийлар бўҳтончи ва Ҳазабга учраган қавмдир. Уларда шундай сифатлар борлиги учун Аллоҳ Таоло уларнинг устига Қиёмат Кунигача ёмон азоб билан азоблайдиган зотларни юборишини билдирди... Улар инсониятнинг душманларидир. Шунинг учун улар барча халқлар томонидан азоб-уқубатга ва қувғинга дучор бўлишган. Уларнинг тугаши ва инсониятнинг улардан халос бўлиши мусулмонлар қўли билан бўлади. Бу Аллоҳнинг ҳақ ваъдасидир. □

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ҲИСОБОТ БОСҚИНЧИ ҚАМОҚХОНАЛАРИДАГИ ШАФҚАТСИЗ ҚИЙНОҚЛАРНИ ОЧИБ БЕРДИ

Ғазо секторига қарши (Исроил) томонидан давом эттирилаётган геноцид уруши фаластинликларга нисбатан мунтазам қийноққа солиш жинояти содир этилганини яна бир бор эсга солди. Бу қийноқлар жиноятчилар эркинлигини кафолатлаган қонун ҳимояси остида қўлланган. Босиб олинган ҳудудлар жанубидаги машҳур «Сде-Тейман» ҳарбий базасида содир этилган жиноятлар фош этилганидан кейин, бу қийноқлар ҳақидаги гап-сўзлар яна авж олди. Босқинчилар уруш бошланиши билан Ғазо секторидан 30 км. узоқликдаги Негев саҳросининг Беэр-Шева шаҳри йўналишида жойлашган ушбу ҳарбий базани қамоқхонага айлантириб, у ерда Ғазо секторида ҳибсга олинганларнинг кўпчилигини, жумладан, болалар, ёш ўспирин ва қарияларни кўчиришган. Босқинчи аскарлар бу қамоқхонада маҳбуслар ҳуқуқини кўпол тарзда бузиб, уларга нисбатан турли қийноқлар қўллашгани ва уларни мунтазам таҳқирлашгани инсон ҳуқуқлари ташилотлари ҳамда оммавий ахборот воситалари томонидан тасдиқланган. (Исроил) қамоқхоналари ва лагерларидаги фаластинлик маҳбуслар сони 9623 нафарга етган. Улардан 4781 нафари қонунга зид равишда судсиз, қўйилган айбловлари ҳақида хабардор қилинмасдан ҳибсда сақланмоқда. Улар ўзларини ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга эмас. Уларнинг қамоққа олингани ёки ҳибсда сақланаётган жойи ҳақида тегишли томонлар ва оилалари хабардор қилинмаган. (Исроил) Инсон ҳуқуқлари ташкилоти «Бецелем» нашр қилган ҳисоботга кўра, 55 нафар фаластинлик маҳбус босқинчилар қамоқхоналаридан озод этилганидан кейин, у ерда қийноқ, жинсий зўравонлик, хорлик ва очликка дучор бўлишгани ҳақида гувоҳлик беришган. «Жаҳаннамга хуш келибсиз: (Исроил) қамоқхоналари қийноқлар лагери тармоғига айланди» номли 90 саҳифали бу ҳисобот иброний, инглиз ва араб тилларида чоп этилган. Ҳисоботда фаластинлик маҳбусларнинг 2023 йил 7 октябрдан бери қийноқлар лагерига айланган қамоқхоналарда ғайриинсоний шароитларда ҳибсда сақланаётгани ҳақида сўз боради. Унда айтилишича, бу қамоқхонага кирган ҳар бир киши оғир ва доимий азоб-уқубатларга маҳкум. У ерда шафқатсизлик, жинсий зўравонлик, таҳқирлаш, камситиш, қасддан оч қолдириш, антисанитария шароитини ўрнатиш, уйқудан маҳрум қилиш, ибодат қилишни тақиқлаш, ибодат қилганларни жазолаш, умумий ва шахсий буюмларни мусодара қилиш, тиббий хизмат кўрсатилишини тақиқлаш каби мунтазам ва доимий қийноқлар ҳукм суради.

Ал-Ваъй: Мўминларнинг энг шафқатсиз душмани бўлган яҳудийларнинг мусулмонларга муносабати мана шундай. Аммо мусулмонларга келсак, уларнинг дини асирларга раҳм-шафқат ва меҳр-мурувват билан муносабатда бўлишни буюради. Биз бунга тарихда гувоҳ бўлганмиз ва ҳозир ҳам гувоҳ бўляпмиз. Зеро, ўзгартиришларга дучор бўлмаган Ислом Раббоний ва инсонпарвар дин бўлиб, унда ирқчиликка ўрин йўқ. Яҳудийлик дини эса, ўзгартирилганидан кейин ғазабга учраганлар динига айланиб қолди. Унга кирган ҳар бир киши тўхтовсиз азоб-уқубатларга маҳкумдир. □